

Зулхумор МИРЗАЕВА

XX АСР ЎЗБЕК  
АДАБИЁТИНИНГ  
ХОРИЖИЙ  
ТАДҚИҚОТЧИЛАРИ



TOSHDO`TAU



0000001500

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси  
Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти

Зулхумор МИРЗАЕВА

# XX АСР ЎЗБЕК АДАБИЁТИНИНГ ХОРИЖИЙ ТАДҚИҚОТЧИЛАРИ

Монография

Тошкент

“MUMTOZ SO‘Z”

2016

ALISHER NAVOIY NOMIDAGI

25698  
TIL VA ADABIYOT

AXBOROT-RESURS MARKAZI

УЎК: 821.512.133

КБК 83.3(5Ў)6

*Жаҳон адабиётининг ажралмас қисми бўлган ўзбек адабиёти ХХ асрда катта муваффақиятларга эришиди. Айниқса, Истиқлол саодати билан бу адабиёт жаҳоннинг турли мамлакатларида жиддий ўрганилишга киришилди. Ушбу монографияда ХХ аср ўзбек адабиётининг хорижда, шу жумладан, Америкада ўрганилиши билан боғлиқ илмий-назарий кузатишлар илгари сурилган.*

*Монография филолог олим ва талабалар ҳамда ўзбек адабиётининг дунё бўйлаб тарқалиши масалалари билан қизиқувчи китобхонлар оммасига мўлжалланган.*

Масъул муҳаррир:

ЎзРФА академиги, филология фанлари доктори, профессор  
**Бахтиёр НАЗАРОВ**

Такризчилар:

филология фанлари доктори, профессор

**Умарали НОРМАТОВ**

филология фанлари доктори

**Шоира АҲМЕДОВА**

Ушбу тадқиқот ЎзРФА Ёш олимлар фундаментал тадқиқотлари йўналишида Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтида ФА-ФЁ1 Г006 рақамли “ХХ аср ўзбек адабиётининг Америкада ўрганилиши” ёш олимлар фундаментал лойиҳаси доирасида нашр этилди.

*Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган (13-сонли баённома, 2015 йил, 23 декабрь)*

ISBN 978-9943-4552-5-6

© З.Мирзаева, 2016

© “MUMTOZ SO‘Z”, 2016

## ҚИТЪАЛАР АРО АДАБИЙ МУЛОҚОТ

Қитъаларни одамлар яқинлаштиради. Бу жараён иқтисодий ва ижтимоий, сиёсий ёки маданий йўналишда бўлиши мумкин. Бошқа соҳалардаги қизиқишлар, мулоқот, таъсирланув, мусобақа ва ҳ.к. кам бу борада муҳим ўрин тутади, албатта.

Виродарлашув ва ўзаро ҳамкорликни янада фаоллаштирувчи қилқатлардан бири бадий адабиётдир. Бадий адабиёт, ўз навбатида, қизиқиш ва изланишнинг хос йўналишларида янги қирралар, янги шуълалар очилишига сабаб бўлади. Муайян халқ вакиллари қарашларида олис қитъа, мамлакат ёхуд миллат адабиёти ҳақидаги янги илмий куртақлар шу тарзда туғилади, ҳамда, миллий бадий адабиётлар муштараклигидан жаҳон адабиёти вужудга келганидек, бу жараён ҳам кенг, халқаро миқёсдаги танқидчилик ва адабиётшуносликнинг узвий хужайраларига айланади.

Мустақиллик даврига келиб Ўзбекистон жаҳон миқёсида ўзининг мустақам ўрнини эгаллай бошлади. Ҳаётнинг аксар жабҳаларидаги ютуқларимиз халқаро ҳамжамиятлар, давлат раҳбарлари, мутахассислар, сиёсатдонлар томонидан эътироф этилди, тан олинди.

Бундай саъй ҳаракатларда бадий адабиётимиз, таржима санъатимиз, адабиёт илмимиз ҳам орқада қолмасликка ҳаракат қилмоқда. Ютуқлар ижтимоий-иқтисодий соҳалар даражасида ҳозирча ёрқин кўзга ташланмаса-да, Англия, Америка, Франция, Германия, Хитой, Ҳиндистон каби мамлакатларда қатор адибларимиз асарлари чоп этилаётгани, юртимизда шу ва бошқа кўплаб мамлакат ёзувчиларининг асарлари ўзбек тилига ўгирилаётгани, жаҳон адабиёти ва адабиёт илми намуналарининг энди бевосита аслиятда ўқилиб, улар ҳақида мустақил, дадил илмий мушоҳадалар билдирилаётгани, дастлабки тадқиқотлар яратилаётгани бунга далил.

Ёш олима Зулхумор Мирзаеванинг кўлингиздаги навбатдаги китоби ҳам шу йўналишдаги изланишлар самарасидир.

Мутахассислар, адабиёт ихлосмандлари З. Мирзаевани йилдан йилга яхшироқ таниб бормоқдалар. У дастлаб ўзбек жаҳид адабиётининг Америкада ўрганилишини тадқиқ этишга бағишланган мустақил, айна вақтда, масъулиятли иши билан бундан, чамаси, ўн йил аввал танила бошлади. Изланишларини давом эттириб, кенгайтириб, чуқурлаштириб, олис қитъада энди фақат жаҳид адабиёти-

мизгина эмас, умуман, кейинги давр ва босқич адабиётимизнинг ўрганилиш муаммоларини тадқиқ этишга киришди. Меҳнати натижалари ўлароқ икки жилдлик “XX аср ўзбек адабиётининг Америкада ўрганилиши” номли монографияларини эълон қилди ва адабиёт фанимизга “Америка ўзбек адабиётшунослиги” деган иборани олиб кирди. Айрим хорижий мамлакатларда бу тадқиқотга ижобий тақризлар эълон қилинди. Умуман, баъзи қусурлари-ю, бор муваффақиятлари билан “XX аср ўзбек адабиётининг Америкада ўрганилиши” номли 2 жилдлик наинки ўзимиз, балки Америка адабиётшунослиги учун ҳам бу йўналишдаги дастлабки умумлашма тадқиқод ҳисобланади.

АҚШ, Германия, Франция, Ҳиндистон каби қатор мамлакатлардаги халқаро илмий анжуманларда орттирилган тажрибалар; инглиз илмий ва адабий тилини яхши ўзлаштириш; тадқиқ этаётган муаммоларини бирламчи манбалар орқали ўрганиш; асарлари таҳлил этилаётган хорижлик ҳаёт мутахассисларнинг аксари билан бевосита мулоқотлар бундай салмоқли ва масъулиятли ишдаги натижаларга замин бўлиши қаторида Зулхуморни Америка, Франция, Германия, Туркия ва Кореянинг айрим етакчи мутахассислари мақолаларини ўзбек тилига, баъзи таниқли ўзбек адибларининг асарларини инглиз тилига ўгириб, чоп этиришга олиб келди.

Кўлингиздаги китоб муаллифнинг аввалги изланишларини такрорламайди, уларни янада чуқурлаштиради, муомалага тортилган янги-янги манбалар ва улар таҳлили натижасидаги хулосалар билан бойитади.

Китобда сиз ўзбек олимлари томонидан ҳорижда адабиётимиз ўрганилиши муаммоларининг айрим қирралари атрофлича таҳлил этишга ҳаракат қилинишини кузатасиз. Бу йўналишда айрим мақолалар йўқ эмасди. З.Мирзаева бу ўринда шу жараёнга биринчилар қаторида яхлит назар ташлайди, умумлашма хулосалар чиқаришга интилади. Хориж (бу ўринда, асосан, америкалик) мутахассисларнинг ўзбек адабиётига доир салкам юз йил мобайнидаги қарашлари бир жойда қотиб тургани йўқ, албатта. Уларда силжиш, ўсиш, эврилиш, янгиланишлар рўй берди. Бу ўзгаришлар, айниқса, Истиқлолгача ва ундан кейинги давр қарашлари қиёсида яққол сезилади. З.Мирзаева мазкур тадқиқодда ана шу такомил жараёнларини очишга эътибор беради, унинг сабабларини белгилайди. Бу мақсадни амалга ошириш учун, асосан, хориж олимларининг фитратшу-

нослик ва қодирийшунослик хусусидаги ишларини асос қилиб олади. Бу борада таниқли адабиётшунослар – Ҳ.Болтабоев, Ъ.Каримов, каби олимларнинг ишларига суянишни ҳам унутмайди.

3.Мирзаева томонидан хориж олимларидаги холис ва ўзбилармон (объектив ва субъектив) қарашлар қиёсланиб чиқарилган хулосалар, айрим бахсли нуқталаридан қатъий назар, ёш олиманинг масалаларга мустақил қарай олиш иқтидори ва дадил фикрларни илгари суриш қобилияти такомиллашиб бораётганини кўрсатади.

Муаллиф ўзбек адабиётининг наинки Америка, балки бошқа айрим хорижий мамлакатларда ўрганилишига ҳам назар ташлайди. Бирок, мурожаат объекти асосан, АҚШ ташкил этиши туфайли бўлса керак, бошқа мамлакатларга дохил кузатишлар, бирмунча шарҳлар даражасида қолади. Инглизчадан бошқа хорижий тилларни аслиятда чуқур биладиган олимларимиз бу мақсадни келгусида, албатта, атрофлича амалга оширишларига ишонамиз. Бу ишга 3.Мирзаева янги-янги ишлари билан ўзининг муносиб ҳиссасини қўша олади, деган умиддамиз. М.Холбековнинг француз, Т.Қаҳҳорнинг турк, Р.Абдуллаеванинг немис ва ўзбек адабиётлариаро алоқадорлик масалалари ўрганилган муваффақиятли тадқиқотлари, бу йўналишдаги ишларимизнинг йўли ойдин деб қарашга асос бўла олади. Зеро, 3.Мирзаеванинг ушбу китобидаги XX аср ўзбек адабиётининг АҚШдан бошқа мамлакатларда ўрганилиши тарихи ҳақидаги кузатишлари, мулоҳазалари, келгусида, бу контекстда бажарилажак ишлар ўзининг янги тадқиқотчиларини кутаётганини кўрсатади.

3.Мирзаева китобда хориж ўзбек адабиётшунослиги ўрганилишининг методологик муаммоларига ҳам эътибор қаратади. Бу ҳол эътирофга муносиб, албатта. Бирок ҳозирги ҳолатда бу масала ўқини-ўқинингина қаламга олинади, етарли даражада чуқур ёритилмайди. Келгуси ишларда уни чуқурлаштириш муаллиф ишларининг назарий қимматини янада оширади, деб ўйлайман.

Нима учун шу вақтгача бундай тадқиқотлар яратилмади, деган савол туғилиши ҳам табиий. Бу саволга шундай жавоб бериш мумкин: биринчидан, мазкур тадқиқот, энг аввало, Мустақиллик ва Истиқлол самарасидир, иккинчидан, хориж тилларини эгаллашдаги оқсоқлик, адабиётчиларимиз томонидан аслиятдаги бирламчи манбаларни билмаслик, ва, учинчидан, объект муаммоларидаги конгломератлик ва мураккабликлар шу вақтгача бу йўналишдаги умум-

лашма тадқиқотлар яратилмай келишига сабаб бўлди. Тўртинчи масала, яъни илм, дунёқараш, бадийят-башарият ва миллий менталитет деган муаммолар билан туташган нуқталарда янги-янги муаммоларни келтириб чиқариши ҳам табиий бир ҳолдир. Қолаверса, сўнги, деярли бир аср мобайнидаги адабиётимизни, унинг муаммоларини чуқур билишдан ташқари унинг ўзимизда ва хорижда тадқиқ этилиш даражаларини тўғри баҳолай олиш, тамойилларини белгилаш ўзи бўладиган иш эмас. Бунинг учун чуқур билимдан ташқари иқтидор керак. Миллатпарварлик керак. Масала, халқаро қарашларга дахлдор экан, кенг миқёсдаги мутахассислар билан халқаро минбарларда туриб мулоқотга киришиш, керак ўринларда бахслашиш, ўз манфаатларимизни ҳимоя қила олиш қобилияти керак.

Демоқчиманки, қўлингиздаги китоб муаллифи ёш олима Зулхумор Мирзаева изланишлари ана шундай мураккабликлар билан бевосита алоқадордир. Шу боис у тадқиқ этаётган муаммодаги ечишни мақсад қилиб қўйган масалаларни бекаму кўст ёритган демоқчи эмасман. Зеро муаллиф буни даъво қилмайди ҳам. Китобда ўқтин-ўқтин таҳрирталаб мулоҳазаларга дуч келамиз. Қатор баҳсталаб фикрлар, қарашлар учраб туради. Айрим баҳслар сизда янги фикрлар уйғотса, айримлари билан қўшилмаслигингиз мумкин. Илмдаги табиий жараён сифатидаги бундай ҳолларда муаллиф ўз нуқтаи назарида қолади. Ҳамкасблари унинг қарашларини тўлдиришга, бойитишга, зарур ўринларда тўғрилашга умид билдиради. Бу тутуми билан ҳамкор, ҳамнафасларни янги-янги изланишларга чорлайди.

Китобдаги эътиборга муносиб нуқталардан унда ўзбек адабиётининг хорижда ўрганилиши библиографияси илк бор тақдим этилишидир. Мазкур библиография бир жиҳатдан, миллий сўз санъатимизнинг жаҳондаги эътибор ва эътирофини яхлит шаклда намоён этса, иккинчи бир жиҳатдан, у ушбу йўналишда тадқиқотлар олиб борувчи мутахассисларга жуда катта ёрдам беради. Мазкур тадқиқот ўзбек адабиётшунослигининг янги намуналаридан бири сифатида мутахассислар эътиборини қозонади деган умиддамиз.

Қитъаларни одамлар яқинлаштиради, одамларни эса адабиёт.

*Б.Назаров,  
ЎзР ФА академиги*

## МУҚАДДИМА

Ўзбек адабиёти уни яратган халқи каби узоқ тарихга эга, турфа ана тарихий жараёнларда туғилган, тараққий этган, ҳар бир давр, жамият руҳини, ундаги янгиланиш, ўзгаришларни ўзида ифода этган гўзал адабий қадриятдир. Унинг мавзу мундарижасидаги килма киллик, ўзига хослик, маъно жозибадорлиги, нозик оҳанг ва товланишларга бойлиги, маъно қатламлари, эстетик залвори ва нағимоний гоёвий кучи жаҳоний тафаккур эгалари, дунё илми жамоатчилиги, Шарқу Ғарбнинг истеъдодли олиму фузалолари эътиборида бўлиб, кенг миқёсдаги йирик тадқиқотларга манба бўлиб килмаёт қилмоқда. Эътиборлиси шундаки, ўзбек адабиёти хориж олимлари учун гўё бир булоқ каби, қанча ўрганмасинлар, тадқиқотчилар ўзларининг сўнгги фикрларини айта олмайдилар. Алишер Навоий, Захириддин Муҳаммад Бобур, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Муҳаммад Сулаймон ўғли Чўлпон, Тошмуҳаммад ўғли Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Ҳамид Олимжон, Эркин Воқидов, Абдулла Орипов, Ўткир Ҳошимов, Рауф Парфидан тўғриб Абдулҳамид Мажидий, Ойдин Собирова ва яна ўнлаб, юзлаб ижодкорлар, хоҳ у ўзбек адабиётининг ёрқин намоёндоиси бўлсин хоҳ ўртамеъна шоир ёки ёзувчиси, уларнинг асарларини ўрганишдан тўхтамайдилар, ўзбек сўз санъатининг сеҳри, ижтимоий, бадний гоёвий кучи уларни ўзига тортаверади.

Чиндан ҳам дунёнинг қайси бурчагида, қайси бир машҳур кутубхоналар – АҚШнинг йирик Конгресс кутубхонаси, Нью-Йорк, нодир китоблар ва қўлёзмалари, Лондон, Берлин, Истанбул, Париж, Баку марказий кутубхоналари, шарқ маданияти санъатига бағишланган музейларида камёб манба сифатида сақланаётган мумтоз ва XX аср адабиётимиз намуналарини кўриб, кўнглимизда фазр ва ифтихор туйғуларини ҳис этамиз. Миллий сўз санъатимиз дурдоналари таҳлил ва тадқиқога оид фундаментал арзигулик манба бўла оладиган изланишлар эса ўз тадқиқотчиларини кутиб турибди. Зеро, бу тадқиқотлар “ғарбда яратилган, енгил елпи иш”, “биз учун эмас, балки ғарбликлар учун” ёки “нодолзарб мавзулардаги изланишлар” эмас, балки миллатимиз маънавиятининг Ғарбда ўрганилаётган ҳаққоний қиёфаси, хорижда илмий мезонлар билан таҳлил этилаётган тадқиқотлар даражасида бўлмоғи зарур. Хориждаги ушбу изланишлар воситасида миллат шарафининг жаҳондаги



ўрнини белгилаш бугун биз мутахассислар олдида турган муҳим вазифалар қаторидандир. Чунки ўзбек адабиёти – хоҳ у Ўзбекистонда, Туркия ёхуд, Озари юртида, Америкада, ёхуд бошқа уммон орти мамлакатларида ўрганилмасин у адабиёт воситасида маънавиятимизни, маданиятимизни, ахлоқий қадриятларимизни, халқимизни ўрганиётир, қандай қилиб бу жараёнларга эътиборсиз қараш мумкин!

Биз миллий сўз санъатимизнинг хориждаги ўрнини дастлаб Америка Қўшма Штатлари ўзбек адабиётшунослиги мисолида тадқиқ этишни мақсад қилдик. Сабаб, Америка Ўзбекистон халқлари тарихи, маданияти, гўзал анъаналарини нисбатан кенг ва изчил суръатда ўрганиб, бошқа хориж ўзбекшуносларига йўлбошчилик қилаётган мамлакатлардан биридир.

Мазкур иш аввалги тадқиқотларимизни такрори эмас, балки кенг кўламдаги узвий давомидир. Айни пайтда, ушбу илмий изланишлар денгиздан бир томчи эканлигини ҳам таъкидламоқ лозим. Бугунги кунда АҚШ олимларининг миллий адабиётимизга қизиқиши, эътибор ва эътирофи янги-янги тадқиқотларнинг яратилишига асос бўлмоқда. АҚШ нинг Мичиган университети докторанти, АҚШ ўзбек адабиётшунослигининг ёш вакилларида бири Кристофор Фортнинг Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси қошидаги Тил ва адабиёт институтида Асқад Мухтор, Абдулла Қаҳҳор, Ўткир Ҳошимов ва XX асрнинг 60-70 йилларидаги ўзбек адабиёти таҳлилига оид изланишлар олиб бораётгани, Американинг қатор Институтларидаги “Марказий Осиёни ўрганиш бўлиmlари”да ўзбек адабиёти таҳлилига оид магистрлик диссертациялари ҳимоя қилинаётгани фикримизнинг ёрқин амалий исботидир.<sup>1</sup>

Хорижда, хусусан, Америка Қўшма штатларидаги ўзбек адабиёти, мумтоз ва замонавий адабий сиёсати ҳамда маданияти таҳлилига оид бундай тадқиқотлар кўлами эса ўзбек адабий илмий жамоатчилиги олдига жуда кўп вазифаларни қўяди.

XX аср ва истиқлол даври хорижшунослигини, улардаги уйғун ва тафовут нуқталарни, сифатий силжишларни ўрганиш, тадқиқ ва таҳлил этиш, мазкур йўналишдаги изланишлар изчил бўлишини талаб этади. Шу маънода бугунги кунда ушбу соҳадаги тадқиқотлар-

<sup>1</sup>2009 йилда АҚШ нинг Индиана университетига “Марказий Осиёни ўрганиш” бўлими талабаси Жексон Келлог “Abdulla Qodiriy’s novel “O’tgan kunlar” in its historical context” мавзuida магистрлик диссертациясini ҳимоя қилди.

нинг ўзига хос жиҳатлари, улардаги асосий тамойиллар, йўналишларни яққол ва яхлит тасаввур этиш мақсадида миллий адабиётшуносликдаги хорижшунослик тарихи муаммоларига экскурс қилишни ҳам лозим, деб билдик.

Ўзбек адабиётининг Америкада ўрганилиш генезиси ва тарихи 1930 йилларда Истанбул, Париж, Берлин шаҳарларига кетиб қолган фидой – муҳожирлар Усмон Хўжа ўғли, Мустафо Чўқай, Заки Навидий (Тўғон), Тоҳир Шокир ўғли (Чигатой), Абдуваҳоб Исҳоқ ўғли (Ўқтой) каби миллатпарварларнинг фаолияти, матбуотда улар нашр этган илк тадқиқотлар билан ҳам бевосита боғлиқ.<sup>2</sup> Бундан ташқари географик жойлашуви жиҳатдан Европага яқин бўлган Россия, улар томонидан олиб борилаётган мустамлакачилик ҳаракатлари ҳамда унга қарши маҳаллий озодлик курашларга муносабат таъсири Осиё, Европа, Африка, ундан кейин уммон орти мамлакати – АҚШга ҳам етиб борган. Хусусан, Истанбул, Олмония ва Парижда ўзбек муҳожирлари томонидан нашр этилган илк газета ва журналлар, улардаги мафкура ва адабиёт масалаларига оид тадқиқотлар Америка олимларининг миллий сўз санъатига қизиқишлари, мазкур соҳадаги тадқиқотларнинг ривожланиши ва ҳатто бугунги Америка ўзбек адабиётшунослиги мактабини яратилишида муҳим омил бўлиб хизмат қилган. Мазкур тадқиқотлар хулосалари эвтимолог, дедуктив ва гипотетик мулоҳазалар характерида бўлса ҳам, улар Америка ўзбекшунолари қаторида бошқа ўзбек хорижчиларининг ўзбек адабиёти намуналарини ўрганишга бўлган қизиқиши ва бу жараёнларнинг бошланиши ҳамда жиддий тус олишида муносиб аҳамият касб этган.

Юртимиз мустақилликка эришиб, маънавий қадриятларимизнинг қайта тикланиши, ажодлар меросининг ривожланган мамлакатларда тарғиб этилиши, асарларни таржима қилиш жараёнларининг ривожланиши, собиқ совет давридаги миллатлар ўртасида мавжуд бўлган темир деворларнинг олиб ташланиши ёш истеъдодли шарқшунослар, хусусан ўзбек адабиёти таҳлили билан шуғулланаётган карижлик янги авлод вакилларига ҳам рағбат берди. Эркинлик шабдалари уларнинг Ўзбекистонга келиб эмин эркин изланишларини бориши, муайян даврга хос бўлган қўлғемалардан бемалол

<sup>2</sup> Баранг Хайрулла Исмагулла. Чўлпон ва Жаҳон. Reform Movements and Revolutions in Turkistan: 1900-1924. ed. Timur Kocaoglu. Haarlem, 2001. P.274 (Китоб турк ва инглиз тилларида, миккола ўзбек тилида)

фойдаланиши ва ижодкорлар туғилиб ўсган юртда бемалол тадқиқотлар яратиш имконини яратди. Ушбу китобнинг “Янги давр Америка ўзбек адабиётшунослиги тамойилларида объектив ва субъектив омиллар” деб номланган сўнги бобида 1991-йиллардан кейин Америка ўзбек адабиётшунослигида яратилган изланишлар, тараққиёт тамойиллари, муайян бадиий асар таҳлилидаги объективлик ва субъективлик бугунги адабиётшунослик мезонлари нуқтаи назаридан таҳлил этилди.

Белгиланган муддатли лойиҳа доирасида “XX аср ўзбек адабиётининг Америкада ўрганилиши” муаммоларига оид миллий-эстетик идеал ва интеллектуал қаҳрамон; эстетик идеал ташувчи образлар генезиси, уларнинг миллий-эстетик тафаккур эволюциясидаги ўрни; бадиий матн таҳлил тамойиллари; аналитик ёндашув принципларининг назарий методологик асослари; бадиий тафаккур ва унга эстетик муносабат масалаларини таҳлил қилиш имкондан хориж масала. Шу сабаб биз уларни кейинги изланишларимизга қолдирдик.

Мазкур тадқиқотимиз миллий адабиётшуносликда хорижшунослик муаммоларининг муайян яхлит бир давр ёки босқичидаги генезиси, тарихи, илк изланишлардаги устувор йўналишлар, 1991 йилдан кейин Америка ўзбек адабиётшунослигидаги ёндашув принциплари, тамойиллар тадқиқи, илмий манбалардаги ҳамда жаҳон адабиётшунослигида мавжуд назариялар таҳлилидан ўзбек адабиётшунослиги ривож учун чиқарилган ўзига хос хулосалар бугунги адабиётшунослигимиз тараққиётига муайян туртки беришига умид қиламиз.

## I боб. ХОРИЖ АДАБИЁТШУНОСЛАРИНИНГ ЎЗБЕК АДАБИЁТИ ҲАҚИДАГИ ҚАРАШЛАРИ ТАНҚИДЧИЛАРИМИЗ ТАЛҚИНИДА. МАФКУРА ВА ДУНЁҚАРАШ

Ўтган асрнинг 1940 йиллари, собиқ шўролар даврида бошқа соҳалар қаторида адабиёт шу жумладан адабий танқидчилик ҳам сиёсий-мафкуравий жараёнлар тўфонидан холи ҳаракатлана олмаган ва адабиёт иши ҳам давр мафкурасига хизмат қилган. Совуқ уруш натижасида вужудга келган зиддиятлар, “адабий-сиёсий муҳолиф” излаш ҳаракати олиму таржимонлар, ёзувчию публицистларни “советшунос” ва “хорижшунослар” лагерига ажратиб ташлади. Оммавий ахборот воситалари, коммуникация муассасалари ҳамда илмий марказлар икки қарама-қарши тузумнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, бир-бирларига қарши жон-жаҳди билан курашишга интилди. Бу юмушга давлат сиёсати даражасида аҳамият қаратилди. Натижада, ҳар иккала томон ҳам қайсидир маънода, имконини топиб адабиёт тарихи саҳифаларидан «қора доғ» ларни топишга интилдилар. Гарчанд Ғарб олимлари адабий жараёндан шўроларга қарши бўлган ёзувчилар ва асарларни топишга бир қадар зўрма-зўракироқ ҳаракатлар қилишган бўлишса-да, “қизил империя” зулми остида ўзбек олимлари амалга ошира олмаган талайгина тадқиқот ва мақолаларни яратишга муваффақ бўлдилар. Э.Олворт (АҚШ), Аҳмад Заки Валидий Тўғон (Туркия), Хисао Коматсу (Япония), Ингеборг Балдауф (Германия) ва ҳали ўзбек китобхонига номлари ҳам яхши таниш бўлмаган Х.Б.Паксой, В.Л.Ханавой, У.Фейерман, С.Бекер, Б.Д.Ярошевский, А.Беннигсен, Ламерсье Кулкужае, Элен Каррер д’Энкаус сингари ўнлаб бошқа олимларнинг шарқшунослик, туркчилик, исломчилик ва жаҳид даври адабиёти вакиллари ҳақидаги монография, рисола, мақола ва хотиралари жаҳон илмий-адабий жамоатчилиги орасида эътибор топди.

Биргина АҚШнинг ўзидаги Ўрта Осиёни ўрганувчи институтлар, марказлар, жамиятлар тарихий ва замонавий адабиёт муаммоларини ўрганишга салмоқли ҳисса қўшдилар. Принстон, Гарвард, Колумбия, Индиана, Вашингтон (Сиэтл), Пенсильвания, Калифорния (Лос Анжелос) сингари университетлар, “Рус тадқиқот маркази”, “Шарқий Европа институти”, “Америка илмий жамияти”

лар совети” каби марказларни Форд, Рокфеллер ва бошқа миллиардерларгина эмас, балки АҚШ Федерал ҳукумати ва Конгресси ҳам қўллаб қувватлаб турди. Ўрта Осиёни ўрганишга сарфланган бундай маблағлардан маданий-сиёсий мақсадлар кўзланганлиги сир эмас, албатта. АҚШда 1840 йиллардаёқ миссионерлик мақсадларини кўзловчи “Америка шарқшунослик жамияти” тузилганлиги ёхуд собиқ шўролар мамлакати худудида яшовчи славян бўлмаган: ўзбек, озарбайжон, қозоқ, туркман, қирғиз, ёкут, татар, чуваш, бурят, бошқирд ва бошқа тилларда сўзлашувчи халқлар тили, адабиёти, этнографияси маданий-сиёсий жиҳатдан ўрганилиши “Америка илмий жамиятлар совети”нинг стратегик мақсадларни кўзловчи 1959-1965 йилларга мўлжалланган “Ўрол-олтой тиллари программаси”га киритилганлиги сингари фактлар фикримизни тасдиқлайди.

Бироқ асосий гап уларнинг сони, миқдори ёхуд сарфлаган маблағлари хусусида эмас, балки шарқшунослик ва туркшунослик ривожига қўшган ҳиссаларининг салмоғи хусусида бўлмоғи лозим. Аммо XX асрнинг 90-йилларигача бўлган даврда муаммо моҳиятига бу тарзда соғлом назар билан қараш, толереантлик билан муносабатда бўлиш имкондан хориж машғулот эди. Чунки дунё тамаддунидан ихоталанган дунёқараш, чекланган назарий-методологик тафаккур ҳамда маънавий-сиёсий тазйиқлар залвори остида бор ҳақиқатни ошқор қилиш мумкин эмас эди. Шунинг учун ҳам ўтган асрнинг 50-90-йилларида хорижий мавзуда қалам тебратган маҳаллий зиёлилар партия ва ҳукумат дастурлари, қарор ва кўрсатмалари, собиқ Иттифоқ марказий шаҳарларидаги назарийётчи олимларнинг фикр-қарашларидан андаза олишга, шу йўсинда “*шўро мафкурачиси*” ўлароқ муаммолар моҳиятини ёритишга мажбурият сезар эдилар.

Шукрлар бўлсинки, мустақиллик йилларида плюралистик тафаккур уфқларининг кенгайиши ўзбек илмий жамоатчилигининг қарашларида ҳам кескин ўзгаришлар ясади. Шунинг учун ҳам олимларимизнинг хорижий ҳамкасбларига бўлган муносабатини қуйидаги иккита катта даврга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

1. *XX асрнинг 50-90-йиллари.* Албатта, мазкур даврни ҳам 50-60-йиллар, 70-80-йиллар тарзида ички фаслларга ажратиш мумкин. Бироқ бунда мафкуравий тазйиқларнинг бошланиши, авжи ёхуд

сусайишини кўрсатиш мумкин бўлгани ҳолда умумий моҳият ўзгармайди. Шу маънода, ушбу даврни яхлит кузатиш маъқул деб ўйлаймиз.

2. *Мустақиллик даври*. Ушбу давр эркин дунёқараш ҳамда плюралистик тафаккурнинг шаклланиши ва юксалиши билан характерланади.

Биз ушбу бобда XX асрнинг 50-90-йиллари ўзбек адабиётшunosлигида “хорижшунослик” муаммосини таҳлил этишни ният қилдик. Шу маънода сўзни адабиёт тарихи билан боғлиқ масалалар тадқиқидан бошлаш мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, ўзбек адабиёти тарихи муаммолари билан кенг кўламда шуғулланган ўзбек олимларидан бири профессор Н.М.Маллаев эди. У Ғарб шарқшунослигининг ўзбек классик адабиётига муносабатини шарҳлар экан, М.Никитский, Картмер сингари айрим рус олимларининг мазкур давр адабиёти материалларини тўплаш, библиография тузиш, текстологик ва нашр ишларини амалга ошириш борасида муайян ютуқларга эришганликларини эътироф этади. Бироқ ушбу ишлардан у икки жиҳатдан қониқмайди.

1. Мумтоз адабиётимизни тўплаш, илмий ўрганиш ва нашр этиш ишлари ҳажми ва кўлами ниҳоятда кам эканлиги. Бу жиҳатдан Н.М.Маллаевнинг қуюнчақлиги ва фидойилиги туфайли юзага келган “*Ўзбек адабиёти тарихи*” дарслиги узоқ йиллардан буён Республика Олий ўқув юртлари амалиётидан мустаҳкам ўрин олиб, бир неча авлод адабиётшunosлари ва адабиёт ўқитувчиларининг камолига хизмат қилганлигини таъкидлаш ўринлидир. Зотан, ушбу дарслик 1963, 1965, 1976 йилларда бир неча бор нашр этилди ва ҳамон муҳим кўлланмалардан бири сифатида амал қилиб келмоқда.

2. Даврлар ўтиши, замонлар алмашиниши ва қарашларнинг тубдан янгиланиши билан ушбу дарсликнинг айрим нуқсонлари ҳам кўзга ташлана бошлади. Бу ҳол ўз даврининг фарзанди сифатида муаммолар моҳиятига синфий, мафкуравий ва сиёсий жиҳатдан ёндошишга, давр адабий сиёсатини тасдиқлашга мажбур бўлган муаллифнинг Ғарб Шарқшунослигига муносабати масаласида эркин намоён бўлади. Чунки Н.М.Маллаев Ғарб Шарқшunosларини “*реакцион-буржуа*” лагерининг вакиллари сифатида олиб қарайди. Шунинг учун ҳам муаммоларга инкор позициясидан ёндошади.

Шубҳасиз, бу адабий-сиёсий ёндошув эди. Жумладан, олим шундай ёзади: “Гибб “Турк поэзияси тарихи” асариди ХҲ асрдаги Ўрта Осиё халқлари адабиёти ҳақида сўзлар экан, бу адабиётнинг бутун руҳини тасаввуф мистицизми ташкил этади, дейди. М.Белен, Э.Браун ва бошқалар ўзбек адабиётини “эрон адабиётининг меваси” деб қарайдилар; “эрон адабиёти”га эса, эрон халқи адабиётидан ташқари, турли халқлар томонидан форс-тожик тилида яратилган барча адабиётларни киритиб юборадилар. Уларнинг даъво қилишича, Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари адабиёти тараққиётида муҳим роль ўйнаган улуг ўзбек шоири ва мутафаккири Навоий “эрон адабиётининг таржимони” эмиш. Ўтмиш айрим рус шарқишунослари ҳам шундай хатоларга йўл қўйган эдилар... буржуа миллатчилари ҳам ўзбек адабиёти тарихини сохта-лаштиришига интиладилар. Улар Навоий, Муқимий ва Фурқат каби сўз санъаткорларини камситиб, Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний каби мистик ёзувчиларни кўкларга кўтарадилар”.<sup>3</sup>

Проф. Н.М.Маллаев XV аср Ўрта Осиё халқлари адабиёти тасаввуф ва мистицизм руҳида эканлигини яхши билади. Ғайри табиий кучларга ишонч, инсоннинг ўз яратувчиси билан мулоқоти, ваҳий-кароматлар сингари унсурлар барча диний-фалсафий таълимотлар (конфуцийчилик, брахманизм, ислом, офиклар, пифагорчилар, Платон ва неоплатончилар, неотомизм, персонализм, экзистенциализм, словянофиллар)га хослигини теран англайди. Бироқ у инсон билиши мистик интуиция ва руҳий тажрибага ҳам асосланиши мумкинлигини ошкора тан ололмайди. Чунки бундай йўл туттиш мистицизмда оламнинг бош руҳий ибтидоси саналувчи Худони тан олиш, шу асосда адабиёт тарихини изохлаш бўларди. Бинобарин, “реакцион синф идеологияси” томонга оғиш саналарди. Қолаверса, “диний-мистик таълимот” ёрлиғи ёпиштирилган тасаввуфда реаллик сифатида Худо эътироф этилиши, борлик унинг тажаллийси деб қаралиши, олий мақсад инсон руҳининг илк ибтидога қўшилишидан иборат саналиши ҳам моддиюнчилик методологияси талабларига мутлақо зид эди. Демак, олим Гиббнинг “Турк поэзияси тарихи” асарини танқид қилиши ёхуд Аҳмад Яссавий ва Сулаймон Боқирғонийларни инкор этиши ҳам тасодифий эмас.

<sup>3</sup> Маллаев Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи. Тошкент: Ўқитувчи, 1976. Б.10.

Муаммонинг иккинчи томони ҳам борки, агар эътибор берилса, Н.М.Маллаев Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари адабиётлари доирасида, кенг диапазонда фикрламоқда. Унинг шуури Осиё ва Африка халқлари адабиётларигача қамраб олмақда. Чунки XX асрда мазкур ҳудудларда мустамлака тузумининг емирилиши, миллий озодлик ҳаракатларининг кучайиши кузатиладики, бундай жараёнлар Испания, Франция ва Буюк Британиянинг мағлубияти сифатида қарилар эди. Демакки, ҳукмрон сиёсат Осиё ва Африка халқлари адабиётлари хусусида бемалол сўзлаш имконини берарди. Шунинг учун ҳам Н.М.Маллаев дарсликнинг айрим ўринларида қадимги Вобил ва Шумер халқлари, Ҳиндистон ва Бобурийлар ҳақида, ҳатто эллинизм ҳамда Ўрта Осиё маданиятларининг ўзаро таъсири хусусида бемалол сўзлай олади. Буюк ипак йўлининг маданий-маърифий, ижтимоий-сиёсий аҳамиятини тўғри белгилашга эришади.

Олим М.Белен, Э.Браунларнинг Шарқ халқлари маънавий маданиятини менсимаслик, унинг аҳамиятини инкор этиш, Ғарб маданиятини Шарқ маданиятидан устун қўйишдек тенденциоз интилишларини кескин танқид қилади. Аслида бу моҳият эътибори билан ўзбек адабиётининг бетакрорлигинигина эмас, балки, қайсидир маънода, мистик-диний адабиётда миллий тафаккур ютуқлари мужассамлигини ҳам фидоийларча ҳимоя қилиш эди. Чунки олим ошқ эркинлиги ҳар бир миллатга хос ҳодиса эканлиги фикри билан Ғарб олимларининг европамарказчилик қарашларини кескин фош этади. Халқимизнинг фалсафий-адабий тафаккури тарихи чуқур илмий ва мантикий асосларга эга эканлиги, хусусан Навоий меросини бирёқлама, сохталаштириб талқин этишга уринишларга қарши чиқади. Ўрни билан: *“Ўтмиш айрим рус шарқшунослари ҳам шундай хатоларга йўл қўйган эдилар”*, – дея таъкидлашга журъат этади. Бошқачароқ айтганда, М.Белен, Э.Браунларни танқид қилиш олимга баъзи рус шарқшуносларининг ноҳолис ёндошувларини ҳам асосли тарзда инкор этиш имконини беради. Англашиладики, Н.М.Маллаев Осиё халқларига қарши қаратилган ғайриилмий, бирёқлама қарашларнинг турли кўринишлари шовинистик ва ирқий назарияга асосланишини ўз вақтида англаб етиб, унга қарши курашган олимдир. Бироқ унинг қарашлари ўша давр методологияси имконлари доирасида рўёбга чиққан.

Ўзбек адабиётшуносларининг *“советолог”*ларга муносабати роман жанри билан узвий боғлиқликда кечган. Жумладан, проф.



С.Мирвалиев ўзининг “Ўзбек романи” монографиясида: “М.Пруст, Д.Джойс, Ф.Кафка сингари ёзувчиларни байроқ қилиб кўтараётган А.Роб-Грийе, Натали Саррот, М.Бютер, Бернар Дор сингари модернистлар яратган “янги роман”ларда инсон образи, унинг ҳаёти ва кураши, идеали эмас, балки олди-қочди воқеалар, нарсалар ҳақидаги тушунчалар асосий ўринни эгаллайди”<sup>4</sup>, – деб ёзади. Кўринадики, олим бадий адабиёт, хусусан роман жанрида инсон образи тасвири масаласида шахс ва жамият ўртасида ҳеч қандай зиддият кўрмайди. Чунки у таянган методологияга кўра шахсий ва ижтимоий манфаатлар бир-бирига мослашиб, қўшилиши ва пировардида уйғунлашуви тамойили устуворлик қилади. Соцреализм назарияси ҳам модернизмни: “Буржуа адабиётида пайдо бўлган, халққа ёт, мазмунсиз санъатни тарғиб қилувчи адабий оқим”<sup>5</sup> санайди. Мазкур оқимнинг нореалистик характери эса уни адабиёт ва санъатга ёт, инкирозга маҳкум деб ҳисоблаш учун етарли асос вазифасини ўтайди.

Аслида адабий жараёнда ҳаётни бадий акс эттириш тамойиллари ҳам реалистик ҳам нореалистик хусусиятга эга. Бироқ адабиётнинг моҳияти, билиш имконлари, вазифаси сингари масалалардаги мафкуравий зиддият ижтимоий-тарихий шароит тақозосига кўра анча қуюқлашган ва бир-бирини инкор этиш даражасига борган даврда фикрлаётган С.Мирвалиев уни инкор этишга мажбур бўлади. Демак, олимнинг қарашлари замирида асосан, у таянган дунёқараш ва давр адабий сиёсати туради. Шунинг учун ҳам адабиётшунос ҳаёт ва инсонни доимий ўсиш-ривожланишда олиб қараш, унинг маънавий бойлиги ва гўзаллигини яратувчанлик, жамиятга хизмат қилишда кўриш принципини ёқлайди ва унинг зиддини инкор этади. Тузумлар ўртасидаги ғоявий кураш адабиёт майдонида ҳам давом этиши лозимлиги ақидасига эргашади. Бинобарин, масалалар моҳиятига тузум, синф дунёқараш ва тоталитар мафкура нуқтаи назаридан ёндошади.

Филология фанлари номзоди Ш.Турдиевнинг “Роман ва буржуа “советшунос”лари”<sup>6</sup> мақоласида хорижлик “буржуа” олим-

<sup>4</sup> Мирвалиев С. Ўзбек романи. Тошкент: Фан, 1969. Б. 3.

<sup>5</sup> Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изохли луғати. Тошкент: Ўқитувчи, 1983. Б. 200.

<sup>6</sup> Қаранг: Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари адабиётидаги роман жанрини типологик ўрганиш. Тошкент: Фан, 1991. Б. 259-272.

лари Г.Моррис, Д.К.Матушевский (АҚШ) ларнинг Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари адабиётидаги роман жанри ҳақидаги қарашларига муносабат билдирилади. Жумладан, бир пайтлар Америкадаги Ўрта Осиё бўйича тадқиқот марказининг ходими бўлиб ишлаган Г.Моррис “Сервей”<sup>7</sup> журналининг 1961 йилги 36-сонида: “*Ўрта Осиёдаги совет адабиёти сунъий равишда яратилган, чунки уларда ўтмишда реалистик традициялар бўлмаган ва бу традициялар Ўрта Осиё заминига сингмайди ҳам. Совет раҳбарларининг асосий мақсади бу ерда адабиёт орқали ҳозирги замоннинг роман, ҳикоя, пьеса каби формаларини ўрнатishi ва оммалаштириши, бундан мақсад эса рус тилини ёйишидир*”<sup>8</sup>, деб ёзади.

Демак, Г.Морриснинг назарида ўлкада адабий сиёсат шовинистик мақсадларни кўзлаб амалга оширилмоқда. Бир жиҳатдан у буткул ноҳақ ҳам эмас. Чунки, собиқ шўролар даврида маҳаллий халқларга нисбатан қайсидир даражада руслаштириш сиёсати ўтказилганлиги эндиликда ҳеч кимга сир эмас. Бирок, жаноб Г.Моррис сиёсий муҳолифларига қарши курашда Ўрта Осиёдаги адабий сиёсатдан норозилигини изҳор этар экан, бу ҳудудда яшаётган халқларнинг адабиётлари тақдирига куюнгани учун мазкур ишни амалга оширмайди. У мафкуравий сиёсатни дастак қилиб, асосий “зарба”ни совет раҳбарлари ва уларнинг тил соҳасидаги сиёсатига қаратади. Шунинг учун ҳам ғайриилмий ва носоғлом ғояни ҳимоя қила туриб, ўлкада яшовчи ўзбек, қозок, қирғиз, тожик халқларининг ҳар бирида ўзига хос адабиёт қадим-қадимдан тараққий қилиб келгани, улар айнан бир-бирини мутлақо такрорламаслигини билгани холда, ҳудудий адабиётни яхлит тарзда ягона адабиёт деб қарайди. Қолаверса, мазкур халқлар адабиётида “*ўтмишда реалистик традициялар бўлмаган ва бу традициялар Ўрта Осиё заминига сингмайди ҳам*”, – деган ўта кескин хулоса чиқаради.

Ваҳоланки, бу халқларда ёзма ва оғзаки наср анъаналари, халқ китоблари, дostonчилик (қаҳрамонлик, ишқий-романтик) ва мемуарлар, маърифатпарварлик ҳамда жади́дчилик руҳидаги насрий насарлар мавжуд эдики, улардаги кўпшланлилик, кенг масштаблилик, композицион мураккаблик, сир сақлаш усулларининг кўлланилиши каби кўплаб белгилар романга асос бўла оларди. Қола-

<sup>7</sup> Инглизча “Survey”.

<sup>8</sup> Истибос Ш. Турдиевнинг сўз юритилаётган мақолаидан олинди.



верса, ўзбек романи А.Қодирий тажрибаси орқали тобора сайқалланиб, такомиллашиб борган. Демак, Г.Морриснинг юқоридаги хулосаси кучли пафосга йўғрилганидан ташқари, унда миллий адабиётлар ўтмиши, бугуни ва истиқболга, бу адабиётлардаги жанрлар таракқиётига нисбатан нописандлик билан караш ва менсимаслик оҳанги ҳам бўртиб кўринади.

Миллий адабиётлар ҳимоячиси сифатида майдонга чиққан Ш.Турдиев гарчан шўро адабий сиёсатида шовинистик мақсадлар ҳам мужассамлигини айтишга журъат этолмаса-да, масаланинг моҳиятини тўғри англайди: "...у асоссиз равишда бу ердаги турли тарихий, адабий, маданий анъана ва урф-одатлар ҳам тил хусусиятларига эга бўлган халқларни битта Ўрта Осиё адабиёти номи остида беради"<sup>9</sup>, деб ёзар экан мазкур ёндошувнинг ғайриилмий характерини тўғри кўрсатишга муваффақ бўлади.

Колумбия университетининг яқин ва Ўрта Шарқ бўйича тадқиқотчиси Эдворт Олворт "Ўзбек адабий сиёсати" (Колумбия университети, 1964) китобида: "Совет даврида пайдо бўлган янги ўзбек реалистик прозаси ва драматургия каби жанрларга рус реалистик проза ва драматургиясидан кўра кўпроқ форс, турк, француз ва инглиз адабиёти, романчилиги таъсир қилгандир"<sup>10</sup>, — деган фикрни илгари суради.

Етарли адабий-тарихий факт ва илмий манбалари кўрсатилмаган мазкур даъво умумий тахминларга таянса-да, муайян асослардан ҳам холи эмас. Биринчидан, Европа андазасидаги янги ўзбек реалистик насри ва драматургияси XX аср маҳсули. Иккинчидан, мазкур тур ва жанрларнинг илк ривожда татар, озарбайжон, турк, араб ва форс адабиётлари тажрибасининг муайян ўрни бор. Аммо муаммонинг мазкур жиҳатлари С.Хусайн, С.Мирвалиев каби адабиётшуносларнинг изланишларида бир неча бор таъкидланган. Лекин ўзбек олимларининг ҳеч бири бир халқ адабиётининг таъсирини бошқа халқлар адабиётлари кўрсатган таъсирга қарама-қарши қўйишмаган.

Ўз фикрини Р.Киффер, Ниото Тун, Вернар Баум, Андре Стилъ, Агнесса Юнеман, Б. Шалабаева, Ш.Сатбаева, Ойбек, И.Мирзаев, М.Нурмухамедов сингари америкалик, немис, француз, австралис,

<sup>9</sup> Турдиев Ш. Ўша жойда. Б. 260.

<sup>10</sup> Иқтибос Ш.Турдиевнинг сўз юритилаётган мақоласидан олинди.

козок, ўзбек, қорақалпоқ олиму адибларининг фикр-қарашлари асосида тасдиқлаган Ш.Турдиев Эдворт Олвортни ўзбек адабиётига форс, турк, француз ва инглиз адабиётларининг таъсирини улуғлагани ҳолда, илғор рус адабиётининг таъсирини камситишга урингани учун танқид қилади. Зотан А.С.Пушкин, Н.В.Гоголь, И.С.Тургенев, А.П.Чехов, Л.Н.Толстой, А.М.Горький, М.Шолохов ва бошқа рус шоир, носир ва драматурглари меросининг ҳаётбахш таъсиридан ташқарида ўзбек реалистик прозаси ва драматургияси ривожинигина эмас, М.Авезов, Ғ.Мусрепов, Ч.Айтматов асарлари моҳиятини белгилашга уриниш мантиқан нотўғри, илмий жиҳатдан асоссиз эди. Бинобарин, Э.Олворт ўз сиёсий-мафкуравий концепциясини тасдиқлаш мақсадида Ўрта Осиё ва Қозоғистон регионларидаги шўро адабий сиёсатидан восита сифатида фойдаланишга интилган. АҚШ “советолог”ларидан бири Д.Матушевский 1982 йил Вашингтонда босилган “Коммунизм проблемаси” тўплами XXXI том, 4-сонидagi “Совет келажасида турк ўтмиши” мақоласида Ўрта Осиё ва Қозоғистон адабиётларида тарихий ўтмиш мавзусига тўхталади. Асосий диққатини тарихий романларга қаратган тадқиқотчи: “Турк халқлари ўз ўтмишларининг маданий эсиҳатдан эсаҳолат ва истиқболсиз эмаслигини кашф қила бошладилар. Улар ўзларининг қадимий ўтмишларини қайта идрок этиш билан жуда банддирлар. Бунн ҳозирги замон Ўрта Осиё романлари ҳам тасдиқлайди. Юқорида кўриб ўтганимиз тўртала адабий асарнинг ҳар бири ҳам қадимий Осиёдаги турк-форс ўтмишидаги ҳаётний муҳим илдизларни чуқур тадқиқ қилиш руҳи билан сузорилгандир.”<sup>11</sup>, – деб ёзади.

Агар биз Д.Матушевский сўз юритаётган асарлар А.Мухторнинг “Чинор”, Мирмуҳсиннинг “Меъмор”, Ў.Сулаймоновнинг “Аз и Я”, Ч.Айтматовнинг “Асрга татиғулик кун” романлари эканлигини эсласак, гап ўзбек, қозоқ ва қирғиз тарихий романлари хусусида бораётганлиги ойдинлашади. Маълумки, ушбу халқлар азал-азалдан бир-бирлари билан ёнма-ён, аҳил ва иноқ яшаб келадилар. Аммо уларнинг ҳар бири ўз иқтисодий-сиёсий, маданий-тарихий, адабий-илмий, тил ва этник хусусиятларига эга бўлган халқлардир. Демак улар яратган романларда “қадимий Осиёдаги турк-форс ўтмишидаги ҳаётний муҳим илдизлар” чуқур тадқиқ қи-

<sup>11</sup> Иктибос Ш.Турдиевнинг сўз юритилаётган мақоласидан олинди.

линиши мумкин эмас. Келтирилган иқтибосдан яна шу нарса англашиладики, гўё бу халқлар ўз ўтмишларини энди кашф қила бошлаганлар. Шунингдек, уни қайта идрок этиш билан жуда банд ҳам эканлар. (Биз чиздик – З.М.)

Таъкидлаш ўринлики, аввало гап бадий асарлар, хусусан тарихий роман хусусида кетмоқда. Бинобарин, эпик турнинг мазкур жанри имкониятлари: *(ҳаётни кенг кўламда тасвирлаш, қаҳрамон ҳаётидан катта даврни олиб, турли ижтимоий муносабатлар билан боғлаб талқин қилиш, кўплаб кишиларнинг тақдирлари орқали жамиятнинг тарихий ҳолатини акс эттириш, мураккаб ҳамда кўп чизиқли сюжетга эга бўлиш, шунингдек, бир-бирини тақозо этувчи романий муаммо, романий қаҳрамон, романий тафаккур ва б.)* ҳамда спецификаси эътиборга олинмоғи лозим<sup>12</sup>.

Демак, романда инсон ва жамият, инсон ва оламнинг ўзаро муносабати бадий тадқиқи орқали оламу одам моҳияти англанади. Муаммони ҳал қилишда қаҳрамон дунё билан зиддиятга киришади. Қаҳрамон жамиятда яшагани ҳолда ўз индивидуаллигини теран идрок этади. Ўзини бутун бир олам сифатида идрок этгани учун ҳам роман қаҳрамони муҳит билан зиддиятга киришади. Роман марказида шахс ҳаёти, унинг зиддиятларию тўқнашувлари туради. Маълум бўладики, жанр спецификаси ва имкониятларининг ўзи қайта идрок этиш ва кашфиётни тақозо қилади. Ҳар бир давр роман олдига ўзига хос талаб ва эҳтиёжлар қўядики, бу ҳол жанрнинг янада такомиллашиб боришини таъминлайди.

Шубҳасиз, юқорида саналган тўртта романга бир хил мезонлардан ёндошиб бўлмайди. Чунки улар турли даврларда яратилганидан ташқари, учта халқ вакиллари бўлган ижодкорлар, қолаверса ҳар бири ўз индивидуал услубига эга қаламкашлар ижодининг маҳсули. Ҳар бир адибнинг ўз эстетик идеали, романий тафаккур тарзи, ифода йўсини мавжуд бўлганидек, ҳар бир халқнинг ҳам ўз романчилик тажрибалари бор. Боз устига, ҳар битта роман яратилган давр китобхонининг маънавий-руҳий эҳтиёжлари инobatга олинган. Демак, уларни яхлит тарзда баҳолаб бўлмайди ва ушбу романлар турк-форс ўтмиши билан боғлиқ тарихни ҳам акс эттирмайди. Ўзбек, қозоқ ва қирғиз халқларининг адиблари ҳеч қачон ўз

<sup>12</sup> Бу ҳақда тўлиқроқ маълумот олиш учун қаранг: Д.Қуроно, З.Мамажонов, М.Шералиева. Адабиётшунослик лугати., Тошкент: Академнашр, 2010. Б. 257-258; 373-374.

ўтмишларига нисбатан “маданий жиҳатдан жаҳолат ва истиқболсиз”, – деб қарашган ҳам эмас. Агар биз П.Загребельнийнинг “Ярослав Мудрий”, Иван Ленинг “Богдан Хмельницкий”, И.Калашниковнинг “Қаттол аср” сингари романлари Д.Матушевский фикр юргизаётган даврда дунё юзини кўрганлигини инобатга олсак, ўтмиш мавзуига фақат туркий халқларга мансуб ёзувчилар мурожаат қилишмаганлиги ҳам аён бўлади. Шунингдек, тадқиқотчи “Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён” (Қодирий), “Қуллар” (С.Айний), “Абай йўли” (М.Авезов), “Қутлуғ қон”, “Навоий” (Ойбек) сингари кўплаб тарихий романларни мутлақо тилга олмайди.

АҚШ тадқиқотчиси бир жиҳатдангина ҳақ. Бу ҳам бўлса, шўро адабий-мафкуравий сиёсати мустамлака халқлар ўтмиши қоронғу эди. Улар октябрдан кейин рўшнолик кўрди, тарзида баҳолашга майл билдирган, бу ҳол тенденция тусини ола бошлаган эди. Бу тарихий ҳақиқатни “улуғ турк ўтмишини улуғлаш” тамойили орқали тасдиқлашга интилган Д.Матушевский юқоридаги сингари факторларни инобатга олмайди. Натижада, гўё зоҳиран туркий халқлар ўтмиши ҳимоячиси сингари майдонга чиққандай кўрингани билан, аслида бу халқларга нисбатан умумий назар билан менсимасдан қарайди. Муайян романда ёзувчи кўзда тутган мақсад, етакчи ғоя билан боғлиқ фикр-қарашлар ифодасини синфий-мафкуравий йўсинда баҳолашга уринади. Шунинг учун ҳам ёзувчи Мирмуҳсин ўзининг “Меъмор” романи ҳақидаги Д.Матушевский фикрларига эътироз билдирар экан, “қора кўзойнақдан боқибди”<sup>13</sup>, – дея истехзо қилган эди. Ш.Турдиев ўз фикрларини тарихий-адабий фактлар, шунингдек, Мирмуҳсин ҳамда немис тадқиқотчиси Герберт Кремпиен фикр-қарашлари асосида тасдиқлайди. Бироқ унинг шўро адабий-мафкуравий сиёсатининг айрим жиҳатларига очикдан-очик қарши чиқиши имконсиз эди. Шунинг учун ҳам адабиётшунос олимнинг айрим ўринлардаги инкорларида мафкуравий-сиёсий пафос ёрқин намоён бўлади.

Ўрни келганда таъкидлаш лозимки, академик М.К.Нурмухамедовнинг “Адабиёт фани ва идеологик кураш” (1976), “Адабиёт ва мафкура” (1977) проф. Л.П.Қаюмовнинг “Меридианлардаги учра-

<sup>13</sup> Мирмуҳсин. “Меъмор”га қора кўзойнақдан боқибди. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1984, 17 февраль.

шувлар” (1976) китобларида ҳам Г.Моррис, Эдворт Олворт, Денис Огден, Г.Кранхельс, Боймирза Ҳайит сингари Фарб “советолог”-ларининг қарашларига худди шу йўсиндаги муносабат кузатилади. Тадқиқотчилар ўз фикр-қарашларини Луи Арагон, Жан поль Сартр (Франция), Пабло Неруда (Чили), Жон Боинтон Пристли, Питер Темпест (Англия), Жон Монифольд (Австралия), Энрика Буэнавентура (Колумбия) сингари чет эл адибларининг эътирофлари орқали тасдиқлаш йўлидан борадилар. М.К.Нурмухамедов Г.Кранхельснинг “*Совет адабиётида ёзувчининг шахсий услуги ҳақида гап бўлиши мумкин эмас, чунки социалистик реализм уни шак-шубҳасиз рад қилади*”<sup>14</sup>, деган кескин фикрини асосли тарзда танқид қилади. Бироқ олим мазкур сохта методнинг туб моҳиятини инкор эта олмаганидек, баъзан Э.Олвортнинг Фитрат ва Чўлпон ҳақидаги фикрларини асосиз равишда инкор этади. Чунки ўтган асрнинг 70-йилларида ҳукмрон мафкура адабий сиёсатини рад этиш ҳам, бу адабий шахсиятлар ҳақида очиқ-ошқора ижобий фикр билдириш ҳам имконсиз эди.

Шўро адабиётининг ижодий методи ушбу утопик ғояларни улуғловчи адабиётнинг ўзи сингари XX асрда туғилди, сунъий равишда амалда бўлди ва таназзулга учради. Шу маънода “*социалистик реализм*” аталувчи “*ижодий метод*”ни феноменал ҳодиса санаш ҳам мумкин. Бадиий ижодни моддийонча дунёқараш, синфийлик, партиявийлик сингари тамойилларга кескин боғлаб талқин қилган ушбу метод адабиёт ишини партиявий юмушнинг узвий бўлаги, аниқроғи мафкуравий-сиёсий тарғибот-ташвиқотнинг “*винти*” санаган эди. Ўзбек зиёлилари ҳам партия қарор ва кўрсатмаларини дастуриламал деб билиш ва уни бадиий ижодга тадбиқ этишга мажбур эдилар. КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь пленуми материаллари ана шундай дастурий характердаги қарорлардан бири бўлган эди. Бунда давр “ижобий” қаҳрамони яъни давр “*илгор*” ғояларини ўзида мужассамлаштирган коммунист образини яратиш, “*муаммо кўтариш*”га алоҳида эътибор қаратилганди. Табиийки, бадиий адабиётнинг барча тур ва жанрларигина эмас, балки кино ва тасвирий санъат асарларида ҳам бу интилишнинг самаралари намоён бўлган эди. Бинобарин, ада-

<sup>14</sup> Мирзаев С. Адабиёт ва мафкуравий кураш. Қаранг: Адабиёт ва замон (Макола, очерк, адабий портретлар). Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980. Б. 115.

биётшунослик ҳам мазкур юмушдан ташқарида туриши мумкин эмасди. Жумладан, Л.П.Қаюмов “*Адабиёт гоёвий курашда*”<sup>15</sup> номли мақоласида барча ижодкорлар, хусусан ёш талантлар олдига: “*Ёш шоир ва адиблар илгор замондошлари ҳаётига жуда диққат билан қарашлари, ўз авлодларининг меҳнат ва кураш қаҳрамонликларини бадиий образларда муҳрлаб, тарихда қолдириши йўллари ҳақида жиддий ўйлашлари керак*”, – деган вазифа кўйиш билангина чекланмайди. У “*адабиёт гоёвий кураш майдонидир. Ўзбек адабиёти ҳам бу қонуниятдан мустасно эмас*”, – дея алоҳида таъкидлайди. Ваҳоланки, бу даврда ўзбек бадиий адабиёти тамомила янгича ўзанга ўта бошлаган эдики, мунаққид жорий адабий жараён матнидан эмас, қарор ва кўрсатмалардан келиб чиқиб хулосалар билдиради. Олим анашу концепциясидан келиб чиқиб Э.Олворт, Д.Монтгомери, А.Беннигсен, Э.Уимбуш, Гулермо Моронни, Генри Кон, Даниель Матушевский, эр-хотинлар Робин ва Мишель Поултон, Чигатой Кўчар, Анна Просик, Николас Поппе, Боймирза Ҳайит, Мануэль Саркисянц, Роберт Ж.Баррет, Жеффри Уилерларнинг китоблари, мақола ва маърузаларига муайян муносабатлар билдиради. Улар орасида: «*Совет Иттифоқида миллий коммунизм*», «*Ўзбек адабий сиёсати*», «*Венесуэла тарихи*» сингари китоблар, «*Турк ўтмиши ва совет келажаси*», «*Ўзбек миллий туйғуси ҳозирги замон ўзбек адабий ижодини ўрганиши*», «*Самарқанд ва Бухорога яқинда қилган саёҳатимиз*», «*Ўрта Осиёда миллий масала ва меросни ўрганиши*», «*Совет Ўрта Осиёсида миллий масала*» каби мақолалар, «*Ҳозирги замон Туркистон поэзиясида дўстлик мавзуи*» (Чигатой Кўчар, 1982 йил 20-25 сентябрь, Истанбул., IV халқаро туркология конгресси) типидagi маърузалар мавжуд эди. Масалан, улардан бирида илгари сурилган: «*Ижтимоий тузумидан қатъий назар дунёдаги ҳамма мамлакатлар учун миллатчилик характерлидир*», – қабилидаги қараш “*ягона кўп миллатли давлат*” ҳимоячиси ўлароқ рад этилади. Д.Матушевский “*Ҳозирги замон туркий халқлар адабиёти киноя ва мажозлар йўли билан, ўтган ўн йилликларда мажбуран унутилган миллий ўтмишини улуглаш ва оқлаш*” ҳаракатини кузатганида қисман ҳақли эди. Л.Қаюмов мажоз Шарқ адабиётининг анъанавий усули эканли-

<sup>15</sup> Қаюмов Л.П. Адабиёт гоёвий курашда / Гоёвий кураш ва ўзбек адабиёти / Л.Қаюмов, М.Нурмухаммедов, М.Қўшжонов ва б.; Тошкент: Фан, 1985. Б. 5-23.



гини таъкидлагани ҳолда, хорижлик оппонентини рад этади. Чунки ўзбек адабиётининг “мазмунан миллий” бўлиши расмий мафкурага маъқул келмас, унга кўра миллий адабиётлар “шаклан миллий, мазмунан социалистик” бўлиши лозим эди. Бу жиҳатдан проф. Фейерманнинг: “Ўзбек совет ёзувчилари Москва кўрсатмаси билан ишлаётдилар», – деган фикри тўла ўзини оқлайди. Таъкидлаш ўринлики, Мирмухсиннинг «Меъмор», Асқад Мухторнинг «Чинор», Чингиз Айтматовнинг «Асрга татиғулик кун» романлари таҳлилида Д.Матушевскийни, А.Мухторнинг “Она сингиллар” романи шарҳида Э.Олвортни инкор этишда Л.Қаюмов ва Ш.Турдиевнинг қарашлари ўзаро уйғун келади. Академик М.Қўшжонов “Ҳозирги адабий жараён ва буржуа советшунослари”<sup>16</sup> мақоласида Игару Комацу, Ало Раун, Андре Шоберг, Николас Поппе, И.Сиртаутас, Карл Райхл, Бурбон Бухорий сингари хорижлик адабиётшунос, тилшунос ва журналистларнинг фаолиятини ижобий баҳолайди. Бироқ у Даниэль Матушевскийнинг «Коммунизм проблемалари» журнали 1982 йил июль-август сонидан наҳр қилинган «Туркий халқларнинг ўтмиши ва совет келажаси» номли мақоласига муносабатда Л.Қаюмовнинг «Литературная газета» (1983 йил 18 май)да эълон қилинган ва «Ўзбекистан адабиёти ва санъати» газетасида кўчириб босилган (1983 йил 27 май) «Қатъий жавоб» мақоласидаги фикр-қарашларни тасдиқлаш йўлидан боради.

Шубҳасиз, Д.Матушевский “миллат ўз ўтмишини эндигина қайта идрок этмоқда” сингари фикрларида ноҳақ эди. Бироқ, ижобий маънодаги “миллатчилик” СССР аталмиш империя ўрнида мустақил миллий Республикаларни вужудга келтирганлиги, улар эркин ва демократик тараққиёт йўлига чиқиб олишгани Л.П.Қаюмовнинг айрим қарашлари субъектив характерда бўлганлигини кўрсатади.

Л.П.Қаюмовнинг Ўзбек адабиёти ва унинг чет эллик “танқидчилари”<sup>17</sup> номли мақоласида Эдворт Олворт, Девид Монггомери, Гедрик Смит, Горольд Р.Беттерсбиларнинг айрим қарашларига

<sup>16</sup> Қўшжонов М.Ҳозирги адабий жараён ва буржуа советшунослари / Гоявий кураш ва ўзбек адабиёти / Л.Қаюмов, М.Нурмухамедов, М.Қўшжонов ва б.; Тошкент: Фан, 1985. Б. 35-45.

<sup>17</sup> Қаюмов Л. Ўзбек адабиёти ва унинг чет эллик “танқидчилари”. Қаранг: Адабиёт ва замон. (Мақолалар, адабий ўйлар, суҳбатлар). Тошкент: Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. Б. 55-63.

муносабат билдирилади. Жумладан, Э.Олворт “Ўзбек адабий сиёсати” (1964) китобида ўзбек адабиётини яхлит ва умумий тарзда олиб кузатган ва унда миллатчилик руҳини кўришга интилганликда айбланади. Бироқ олим ўз фикрларини аниқ мисоллар орқали далиллаш йўлидан бормади.

Ғарб олими Девид Монтгомери Ҳамид Олимжоннинг 1937-1938 йиллардаги шеърляти хусусида шундай сатрларни битади: “Ҳамид Олимжоннинг бу даврдаги лирик поэзияси таъсирчан ва интим характерга эга, чунки уларда шоирнинг ўз хотинига, оиласига ва табиатга нисбатан кучли муҳаббати ифодаланганки, бу ёвузликдан паноҳ толувчи бир нарса сингари тасвирланган. Баъзи ҳолларда шундай тунги фикрлашлар мавзуси учрайдики, бу кенг жамоатчилик учун мўлжалланган айрим фикрлар, мавзулар Олимжон учун тез ва осонликча келмаганлигини кўрсатади”<sup>18</sup>. Афсуски, шоирнинг бахт ва шодлик ҳақидаги шеърларини интим характер билангина чеклашни тиламаган, унинг поэзияси лейтмотивида ижтимоийликни кўрган Л.П.Қаюмов Девид Монтгомерининг 1975 йилда Канадада нашр этилган Ҳамид Олимжон ҳақидаги тадқиқотини шоир ижодини сохталаштиришга уриниш тарзида бирёклама баҳолайди. Маълумки, ушбу тадқиқот-мақолага Д.Монтгомерининг Осиё тадқиқоти бўйича ўтказилган қуйидаги учта конференциядаги маърузалари асос бўлган эди:

1. Ҳамид Олимжон – совет шоири ва публицисти. (Осиё тадқиқоти бўйича ассоциациянинг Ғарб конференцияси. 1973 йил сентябрь, Альбукерк, Нью-Мексико)

2. Ҳамид Олимжон: мансабдаги омади ва Совет Ўзбекистонда адабий тан олинishi. (Осиё ишлари бўйича ўрта Ғарб конференцияси, 1974 йил, ноябрь, Лоренс, Канзас)

3. “Зайнаб ва Омон” – муҳаббат ва 1930 йиллардаги совет ўзбек колхозчи хотин-қизларининг озодлиги; Ҳамид Олимжоннинг шеърлий қиссаси” (Осиё тадқиқоти бўйича ассоциациянинг Ғарб конференцияси, 1974 йил, декабрь, Темпе, Аризона)

Албатта, Л.Қаюмовнинг интим туйғуларда ижтимоий оҳанг акс этиши мумкинлиги ҳақида фикри асосли. Бироқ унинг шўро воқелиги акс этмаси, Ҳ.Олимжон шеърларининг қадри тушиши мумкинлигидан ташвишда эканлиги ойдин кўриниб туради. Чунки

<sup>18</sup> Қаюмов Л. Ўша жойда. Б. 59.

Л.Қаюмов АҚШ олимини ўзбек шоири ва публицисти ижодий меросининг мазмуни ҳамда моҳиятини бузиб кўрсатганликда айб-лар экан, шоирнинг *“тўғри партиявий позицияда”* эканлигини ало-ҳида таъкидлаб кўратади. Ижтимоий-сиёсий лирика ҳар жиҳатдан рағбатлантирилиб, интим лирикага эътибор берилмаётган шўро даврида Л.П.Қаюмовнинг ўзгача йўл тутиши мумкин эмас эди. Шунинг учун ҳам у Ҳ.Олимжон лирикасидаги интим туйғуларни ижтимоий оҳангларга буткул боғлаб қўйишга мажбурият сезади. Инсон қалбининг муҳаббат туфайли тозариши, муҳаббат уни маъ-нан юксалтириши, ана шу юксакликдан туриб покиза қалб билан борликқа боққан шоир оламни кўламдор тарзда қамраши мумкин-лиги ҳақида ошкора гапира олмайди. Ҳ.Олимжон интим лирикаси-нинг хануз севиб ўқилиши, юксак қадрланиши, муҳаббат сингари боқийлиги шуни кўрсатадики, уларда ўта шахсий, ички кечинмалар нафис ифодасини топган. Демак, бу жиҳатдан Девид Монтгомери-нинг кузатишлари асосли бўлган эди.

Гедрик Смитнинг *“Нью-Йорк таймс”* да 1974 йил 4 июнда чоп этилган *“Қаттиқ линия бўлишига қарамай совет ёзувчиси обрўда”* номли мақоласида: *“Айтматов сталинизмни жаноб Солженицин каби ҳужжатлар кучи билан бўлмаса ҳам, билвосита ёритиб берди”*<sup>19</sup>, – деган сатрлар мавжуд. Маълумки, Нобель мукофоти совриндори – рус ёзувчиси, драматург ва шоири Александр Исаевич Солженицин 1945 йилдаёқ аксилшўровий ташвиқотда айбланиб, ҳибсга олинган. У Сталин вафотдан сўнг қамоқдан чиқ-қан бўлса-да, *“Иван Денисовичнинг бир куни”* қиссасидан сўнг яна таъқибга учраган, асарлари қатоғон қилинган. Унинг ўзи хорижий мамлакатларда яшашга мажбур бўлган. Аниқроғи 1976-1994 йил-ларда АҚШнинг Вермонт штатида яшаган. Ёзувчининг *“ГУЛАГ архипелаги”*, *“Биринчи айланади”*, *“Саратон касалликлари бўли-ми”* сингари асарлари расмий мафкура томонидан тақиқланган, ўзи эса собиқ СССРдан чиқариб юборилган экан, уни Ч.Т.Айтматов билан қиёслаш энг камида бу иккита ижодкорни ҳаммаслак қилиб кўяр эди. Шунинг учун ҳам Л.П.Қаюмов Гедрик Смитнинг юқо-ридаги фикрини *“Ч.Айтматовга қоракуя чаплаш”* тарзида баҳо-лайди. Аслида эса Г.Смит кузатишлари илмий ҳақиқатдан йирик эмас эди. Демак, ўзбек олими ҳукмрон мафкура қолиплари доира-сида фикрлагани учун асосиз инкорларга йўл қўяди.

<sup>19</sup> Қаюмов Л. Ўша жойда. Б. 62.

Гарольд Р.Беттерсби “*Сентрал Эйшетик джорнел*”<sup>20</sup>нинг 1971 йилги сонисида эълон қилган “*Ўзбек ёзувчиси Асқад Мухтор ва унинг асарлари*” номли мақоласида: “*Мухтор рус тилини билса-да, у ўз асарларини рус тилидан ўзлаштирилган сўзлар билан тўлдиришга ҳаракат қилмайди*”<sup>21</sup>, – деб ёзади. Бу билан у ўзбек ёзувчисининг рус тили таъсирига қарши эканлигини исботламоқчи бўлади. Лекин Р.Беттерсби бадиий асарнинг қиммати персонажлар тилининг ҳаётийлиги билан белгиланишини ҳисобга олмайди. Буни тўғри англаган Л.П.Қаюмов Э.Олвортнинг “*Она сингиллар*” романи 1955 йилги наشري юзасидан олиб борган тадқиқотларига таянган ҳолда ўз оппонентини асосли танқид қилади.

Иттифоқ марказқўмининг «*Партия идеологик, оммавий-сиёсий ишининг актуал масалалари*» номли қарори, Д.С.Лихачев, Э.Юсупов, М.Нурмухамедов, Л.Қаюмов, Х.Иноятов, М.Қўшжоновнинг тадқиқотларига назарий-методологик асос сифатида таянган академик С.Мамажоновнинг “*Ўзбек совет адабиёти тарихи буржуа советшунослари кўзгусида*”<sup>22</sup> номли мақоласида ўзбек шўро адабиётини ўрганган Э.Олворт, Роберт Баррет, Д.Монтгомери, Джеффери Э. Уилер, Сеймур Беккер, Ян М. Мэтли, Эден Наби, Бэрри Роусен, М.Мобин Шориш, Д.Матушевский, Анна Просек, Грегори Дж.Массел, Александр Беннигсен, Гарольд Р.Беттерсби каби хорижлик олимларнинг ишлари ёппасига инкор этилади. “*Уларнинг бирорта йирик китоби ёки кичик мақоласи бўлмасинки, унда ўзбек совет адабиётининг ривожланиш йўллари, унинг мазмуни, зояси, моҳияти, ютуқлари ва бу адабиётни яратган ёзувчиларнинг ижоди қасддан бузиб, нотўғри кўрсатилмаган бўлсин*”, деб ёзади олим. У хорижлик ҳамкасбларини: “*Кўй терисини ёпинган бу бўрилар*”, – дея ҳақорат қилишгача бориб етади.

Икки система – социализм ва империализм ўртасидаги кураш ўзининг авж нуқталарига кўтарилган тарихий шароитда қалам тебратган академик Б.А.Назаров ҳам “*Мафкуравий кураш ва ўзбек*

<sup>20</sup> Мазкур журнал хорижшунослик масалаларига бағишланган миллий манбаларнинг даярли барчасида мана шундай нотўғри берилган бўлиб, аслида у Ғарбда нашр этиладиган, Марказий Осиё масалаларини ёритувчи жаҳон миқёсидаги энг обрўли журнал (“*Central Asian Journal*” – “*Марказий Осиё журнали*”)лардан биридир – З.М.

<sup>21</sup> Қаюмов Л. Ўша жойда. Б. 62.

<sup>22</sup> Мамажонов С. Ўзбек совет адабиёти тарихи буржуа советшунослари кўзгусида // Л.Қаюмов Ўзбек адабиёти ва унинг чет эллик “танқидчилари”. Қаранг: Адабиёт ва замон. (Мақолалар, адабий ўйлар, суҳбатлар). Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. Б. 45-67.

танқидчилиги”<sup>23</sup> мақоласида адабий танқид масаласига партиявий-мафкуравий нуқтаи назардан ёндошишга мажбур бўлади. У компартиянинг амалий дастур ва кўрсатмалари, хусусан, идеологик оммавий-сиёсий ишлар махсус муҳокама қилинган КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленуми қарорларига методологик асос сифатида таянади. Олим назарий-методологик асос сифатида таянган манбалар орасида А.А.Беляевнинг «*Мафкуравий кураш ва адабиёт*», В.Озеровнинг «*Жаҳон ташвишлари ва ёзувчи қалби*», А.Дымшицнинг «*Советологлар ва ревизионизмнинг қашшоқлиги*», А.Зиснинг «*Эстетикадаги конфронтация*», В.Боршуконинг «*Совет адабиёти ҳақидаги ҳақиқат ва бухтон*», «*Ғояларнинг жанг майдони*» сингари монографиялари, «*Рус адабиёти ҳозирги чет эллик танқидчилар талқинида*» сингари жамоатчилик асосида тайёрланган тўпламлар мавжуд эди. Мазкур манбаларда таҳлил ва талқин асносида марксча-ленинча методологияга таянилар, миллий республикаларнинг олимларига йўл-йўриқ ва кўрсатмалар берилар эди. Демак, Б.А.Назаровнинг бадиий адабиёт, хусусан, адабий танқидчилик соҳасидаги “мафкуравий душман”ларни фош этишни муҳим санаши сиёсий-мафкуравий адабий сиёсатнинг кучли таъсири остида кечган. Мунаққид Марк Твеннинг «*Гекльберри Финнинг саргузаштлари*», «*Том Соёр*», Дж.Стейнбекнинг «*Нафрат шодаси*» асарлари мактаб кутубхоналари учун «*қора рўйхат*»га киритилганлиги, «*Робин Гуд ҳақида балладалар*»ни қайта нашр этишдан воз кечилганлиги сингари АҚШдаги адабий сиёсатдан ташвишга тушади. У Иллинойск университетининг профессори Ч.Харриснинг «*Трибюн*» газетасидаги хабарига таяниб, Рейган ҳокимиятга келганидан буён олти юзга яқин китоб «*қора рўйхат*»га киритилганлигидан афсусланади. Чунки тараққийпарвар ёзувчилар ва уларнинг асарлари қатоғон қилиниши инсоният маънавий-руҳий ривожига қарши қаратилган хуружлар эди. Бинобарин, тарихий шароитнинг ўзи адабиёт ишини сиёсий аҳамиятга молик машғулотга айлантирган эди.

Демак, олим ўтган асрнинг 70 йилларида юзага келган Х.Иноятовнинг «*Совет Ўрта Осиёси ва Қозоғистон тарихини бузиб кўрсатувчиларга жавоб*» (1962), «*Ленинча миллий сиёсат*

---

<sup>23</sup> Назаров Б.А.Мафкуравий кураш ва ўзбек танқидчилиги / Қаюмов Л. Ўзбек адабиёти ва унинг чет эллик “танқидчилари”. Қаранг: Адабиёт ва замон (Мақолалар, адабий ўйлар, сўхбатлар) Тошкент: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. Б.85-113.

ҳаракатда» (1973), Г.Хидоятловнинг «Бўхтонга қарши ҳақиқат» (1964), «Ленинча миллий программа ва ҳозирги мафкуравий кураш» (1972), Р.Аминовнинг «Совет ҳукуматининг аграр сиёсати ва уни бузиб кўрсатувчиларни танқид» (1972) номли фундаментал тадқиқотлари, ижтимоий фанлар мутахассислари ҳамкорлигида яратилган «Совет тузумининг улғворлиги ва уни бузиб кўрсатувчиларнинг оғизлиги» (1975) номли коллектив тўпламларини мафкуравий-сиёсий ютуқлар сирасида санаши бежиз эмаслиги аён бўлади. У республика ижтимоий фанлар мутахассислари олдига «Хорижий олимларнинг қарашларини тезкорлик билан фош этишга қодир коллектив тўпламларни ҳар икки уч йилда яратиб туриш» вазифасини кўяди. Чунки бир неча йиллар олдин яратилган юқоридаги тўпламларнинг хулосаларидан қаноатланмайди. Бошқачароқ айтганда, мафкуравий курашда Ғарб «советолог»ларидан орта қолмасликка даъват этади.

Б.Назаров адабий танқидчиликдаги мафкуравий кураш масалаларига эътиборнинг бошланишини XX асрнинг 50-йиллари охирилари, аниқроқ қилиб айтганда, Ойбек варшавалик Юзеф Генга жавоб сифатида битган «Ёмон мўридан ёмон тутун чиқади» («Қизил Ўзбекистон», 1958 йил, 15 декабрь) мақоласи ва унинг типологик-қиёсий усулидан бошлайди. Ушбу йўналишни янада чуқурлаштиришга чақиради. Демакки, танқиднинг курук даъволар асосига қурилмаслиги, балки қиёсий-типологик йўсинда бўлиши лозимлиги тамойилини илгари суради. Ўзбек танқидчилиги ва адабиётшунослигида сўнгги йилларда юзага келган М.Нурмухамедовнинг «Адабиёт фани ва мафкуравий кураш» (1976), «Адабиёт ва мафкура» (1977), Л.Қаюмовнинг «Меридианлардаги учрашувлар» (1976) номли китоблари, матбуот саҳифаларидаги Ш.Турдиевнинг «Тухматнинг умри қисқа» типидagi қатор мақолалар: (Л.Қаюмов, Ш.Каримов, Ш.Рўзиев ва бошқаларнинг чиқишлари – 3.М.)ни ўзбек танқидчилиги «тажрибалари»нинг такомиллашиб бориши тарзида баҳолайди. Ойбекнинг «Ёлгончи тўти» мақоласидаги. «Ёлгон - кўркувдан чиқиб келади» мўъжаз афоризми мунаққиднинг диққатини тортади. Чунки «советолог»лар «изво»ларини шўро тузumi галабаларидан талвасага тушиш натижаси сифатида баҳолайди.

Маълумки, Ойбек Б.Ҳайитнинг: «Инқилобдан аввал ҳам мустақил маънодаги ўзбек адабиёти бўлган эмас, балки Ўрта Осиё регионидagi умуман туркий халқларнинг ҳаммаси учун мансуб

«*Чизатой туркий адабиёти*»гина бўлган», – деган ғайриилмий қарашларини Аҳмад ибн Маҳмуд Югнакийдан бошланиб, Хоразмий, Дурбек, Отойи, Лутфий, Навоий, Бобур, Машраб, Муқимий ва Фурқатлар сиймосида давом этган ва ривожланган адабиёт умумтуркий эмас, конкрет миллий ўзбек адабиёти бўлганлиги мисолида инкор этган эди. Ушбу фикрни тасдиқлашда Ойбекка эргашган Б.Назаров тўғри позицияда тургани ҳолда, Б.Ҳайитнинг: «*Ҳозирги ўзбек адабиёти ўзига хос кўринишли миллий адабиёт бўлмай, “муайян сиёсий кўрсатма” туфайли яратилаётган адабиётдир*», – қабалидаги ҳақли эътирозларини ҳам инкор этади.

Бемалол айтиш мумкинки, Ойбек анъаналарини изчил давом қилдиришга интилган Б.А.Назаров қарашлари мафкуравий кураш масалаларига бағишланган адабий-публицистик ва илмий-танқидий мақолаларнинг умумий йўналишдан муайян проблематик мақолалар ва тадқиқотлар сари силжишига муайян туртки бўлди. Бу ҳол 50–60 йиллардаги мақола ва тадқиқотлардан 70-йиллардаги изланишларнинг бирқадар фаркланишида ёрқин кўзга ташланади.

Академик М.К.Нурмухамедовнинг «*Адабий мерос ва мафкуравий кураш*» китобини таҳлилга тортган мунаққид Ғарб «*советолог*»ларининг адабий мерос масаласига муносабатида қуйидаги урта принципни ажратиб кўрсатади:

1. Адабий меросга «*мусулмон позицияси*» нуқтаи назаридан қараш, яъни, диний принцип.

2. Адабий меросга ягона «*Туркистон адабиёти*» нуқтаи назаридан қараш, яъни туркий тиллар оиласи ва территориал принцип.

3. Адабий меросга «*ягона миллий адабиёт*» нуқтаи назаридан қараш, яъни синфсизлик принципи.

Шубҳасиз, академик М.К.Нурмухамедов Э.Олвортнинг «*Ўзбек адабий сиёсати*» (1967) номли китоби, «*Ўрта Осиё, Рус ҳукмронлигининг юз йиллиги*» (1967) ва «*Совет Ўрта Осиёсида миллий масала*» (1973) тўпламларидаги мақолаларини, «*Сэнтрэл Айшн Ревью*»<sup>24</sup> номли журналда эълон қилинган «*Ўрта Осиёнинг энг янги адабиёти*» (1959), «*Ўрта Осиё ва Қозогистонда энг янги адабиёт*» (1962) сингари редакцион мақолалар ва обзорлардаги фикрлар, шунингдек, Колумбия университетининг ходими Анна Просикнинг «*Ўрта Осиёда миллий масала ва меросни ўрганиши*»

<sup>24</sup> «Central Asian Review» – 3.М.

асарларини атрофлича таҳлил этиш орқали юқоридаги принципларнинг юзага келиш сабаблари ва улар замирида ётувчи мақсадларни очиб беришга интиланган эди. Афсуски, у таянган назарий-методологик асослар олимни чалғитган ва ҳамиша ҳам холис илмий позициясини изчил ҳимоя қила олмаган эди. Натижада, ягона адабийётни “*прогрессив*” ва “*регрессив*” тарзида баҳолаш шўроча тамайилини тасдиқлашга мажбур бўлганди. Б.А.Назаров ҳам бу анъанага эргашади ва М.К.Нурмухамедов билан ҳамфикрлигини яширмайди.

Б.Назаров М.К.Нурмухамедов асарларига муносабат билдириш жараёнида диққатимизни Покистондаги журналлардан бирида «*Ўрта Осиё мусулмонлари*» номли мақола эълон қилган Имтиёз М.Хоннинг: “*Ўрта Осиё туркий тилларига форс тили таъсирини кучсизлантириш учун Навоий асарлари қайта-қайта нашр этилмоқда*”, – деган фикрни илгари сурганлиги ва унга олимнинг муносабатига қаратади. Маълум бўлишича, М.Нурмухамедов мазкур фикр асоссизлигини улуғ Навоий асарлари туркий тилда яратилганлигини таъкидлаш орқали илмий холис тарзда инкор этибгина қолмай, бу ҳаракатни: “*Писта пўчоғидан кема ясашга уриниш*”, – дея образли тарзда баҳолаган экан. Шунингдек, тадқиқотчи М.Нурмухамедов фикрлари Э.Фозилов ва М.Маҳмудованинг «*Ўзбекистонда ленинча лисоний сиёсат тантанаси ва буржуа фальсификаторларини танқид*» номли мақоласига руҳан яқин эканлигини ҳам кузатадики, бу ўринда қиёсий-типологик методдан фойдаланиш ҳақидаги назарий қарашларини амалиётга тадбиқ этиш йўлидан боради. Мазкур фикрни Анна Просик, Д.Матушевский, Чиғатой Кўчар, Дж.Уиллер, шунингдек ўзбек олимлари Х.Т.Турсунов ва Н.Иброҳимова қарашлари қиёсий-типологик аспектда кузатилган ўринлар ҳам тасдиқлайди. М.Нурмухамедов услубига хос яна бир жиҳат шунда кўринадики, у Б.Ҳайит қарашларини Виолетта Конолли фикрларидан фойдаланиб инкор этади. Мазкур инкор бугунги кунда мафкуравий-сиёсий тарафкашликка асосланганлиги аён бўлса-да, мунаққид услубида Б.Назаров кузатган ҳодиса оппонентни ўз “*маслакдошлари*”нинг қуроли билан уриш услуби эди. Албатта, ўзбек-классик поэзиясининг рус тилига таржима қилиниши каби хайрли ишларда ҳам “*ёш авлодни миллий классикларни рус тилида ўқишга мажбур қилиш*” мақсади кўзланган қабилдаги Б.Ҳайит иддаоларида ҳеч қандай илмий асос йўқ эди.



Маълумки, Ғарб тадқиқотчилари диққат қаратган муаммолардан бири – рус адабиётининг ўзбек адабиётига таъсири масаласи ва унинг талқини билан боғлиқ. Жумладан, Э. Олворт ўзининг «*Ўзбек адабий сиёсати*» китобида бу таъсири «*руслаштириши*», «*советлаштириши*» дан бошқа нарса эмас, деб изоҳлайди. М.К.Нурмухамедов, Ш.Турдиев, Х.Ш.Иноятов тадқиқотларини қиёсан ўрганган Б.Назаров Э.Олворт, Б.Ҳайит каби Ғарб тадқиқотчилари бадиий адабиёт спецификасини шўро сиёсатини ўтказиш билан айнанлаштиришган, яъни «*қилдан қийиқ қидириши*» га уринишган деган хулосага келади.

Кўринадики, мунаққид Б.Назаров «*идеология чегарачилари*» А.А.Беляев, В.Озеров, А.Дымшиц, А.Зись, В.Боршуков, М.Нурмухамедов, Г.Ҳидоятлов, Р.Аминов, Л.П.Қаюмов, Ш.Турдиев, Х.Ш.Иноятов, Х.Т.Турсунов, Н.Иброҳимова, Ё.Шермухамедов, Ҳ.Абдусаматов ва бошқалар билан бир сафда туриб Э.Олворт, З.Бенезинский, Э.Уимбуш, Д.Монтгомери, Г.Смит, Д.Матушевский, А.Бетгерсби, В.Фейерман, А.Жекоб, Боймирза Ҳайит, Чигатой Кўчар, Булоқбоши, Рўзи Назар сингари Ғарб тадқиқотчиларининг ишларига баҳо берар экан, ҳамisha сиёсий-мафкуравий хушёр позицияда туришга интилган. Шунга қарамасдан, у мақола ва рисолалар, монографияларнинг зоҳирий белги-аломатларига эмас, балки муайян фикр-қарашнинг пайдо бўлиш сабабларини аниқлашга, улар замирида яшириниб ётган ниятни англаб олишга, шу тариқа уларни озиқлантириб турган методологик асосларни топишга алоҳида эътибор берган.

Н.Каримовнинг «*Ҳозирги адабий жараён буржуа олимлари талқинида*»<sup>25</sup> номли мақоласида ижтимоий-сиёсий кураш адабиётшуносликдаги икки хил дунёқараш курашига айланганлиги ҳақли эътироф этилади. Бироқ иттифоқ МКнинг 1983 йил июнь плеиуми қарорларига методологик асос сифатида таянган олим Ғарб олимларининг кураш усуллари АҚШда давлат сиёсати даражасида ишлаб чиқилган деган хулосага келади. Бунинг учун Жон Кеннедининг «*Тинчлик стратегияси*» (1960) китобидаги: «*Биз ҳозир темир парданинг хар бир тешигига озодлик уруғларини экиб, уларни*

<sup>25</sup> Каримов Н.Ф. Ҳозирги адабий жараён буржуа олимлари талқинида / Қаюмов Л. Ўзбек адабиёти ва унинг чет эллик «танқидчилари». Қаранг: Адабиёт ва замон. (Мақолалар, адабий ўйлар, суҳбатлар) Тошкент: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981.Б. 67-85.

аста-секин ва эҳтиёткорлик билан парвариш этишимиз лозим», — деган фикрларни келтиради. Демак, Н.Каримов буни социалистик тузум негизларига шикаст етказувчи зарарли қараш сифатида қабул қилади. Унинг назарида АҚШда барпо этилган Ўрта Осиё республикаларининг ўша даврдаги ҳаёти, тарихи ва маданиятини ўрганиш марказлари ғоявий-сиёсий мақсадларгагина хизмат қилади. У АҚШ ва бошқа мамлакатларда ўзбек тилига бўлган қизиқишнинг кучая бораётгани ўзбек шўро адабиёти билан шуғулланувчи “советолог”лар сафининг ортиши мумкинлиги белгиси эканлигидан ташвишга тушади.

Олимнинг социологик кузатишларига кўра Ғарб олимлари асосан адабиётимиз тарихи бўйича ихтисослашганлар. Чунки улар иккинчи жаҳон урушигача (1936-1937 йилларгача бўлган давр) ўзбек адабиёти тарихидангина бохабарлар. АҚШ ва бошқа Европа мамлакатларининг китоб фондларида, асосан, урушгача нашр этилган ўзбек совет адабиётининг намуналаригина мавжуд. Қолаверса, бу мамлакатларда бевосита ўзбек тилидан фойдалана олувчи кадрларнинг янги авлодини тарбиялашга 1960 йиллардан эътиборан киришилган. Бинобарин, улар адабиётимизда рўй бераётган ижодий жараён ҳақида аниқ тасаввурга эга эмаслар. Олимнинг бундай таҳлиллари асослидир. Аммо Н.Ф.Каримов Ғарб олимларининг XX аср 20-йиллар ўзбек адабиёти энг яхши намуналар берганлиги, 1929 йилдан кейин эса тамомила ижтимоийлашганлиги ҳақидаги ҳақли эътирозларини ўринсиз равишда инкор этади. Юрген Рюленинг “социалистик реализм” методига нисбатан билдирган танқидий фикрлари, Петер Йокострунинг адабий жараёнда шўро адабиёти ижодий методини четлаб ўтиш ижобий силжишларни юзага чиқарганлиги, Томас Уитнинг бадиий адабиётда оддий одамнинг ўй-ташвишларига эътибор ортгани ҳақидаги ҳақли эътирофларини ҳам асоссиз рад қилади. Айни пайтда Э.Олворт, Иоганнес Бенц, Я.Мюллер Удейс сингари олимларни аниқ далилларга таянмай, юзаки хулосалар чиқариши нуктаи назаридан асосли танқид қилади.

Тановар Шарипованинг “Ўзбек адабиётининг халқаро алоқалари тўғрисида”<sup>26</sup> номли мақоласида миллий адабиёт шўро ада-

<sup>26</sup> Шарипова Т. Ўзбек адабиётининг халқаро алоқалари тўғрисида / Қаюмов Л. Ўзбек адабиёти ва унинг чет эллик “танқидчилари”. Қаранг: Адабиёт ва замон. (Мақолалар, адабий ўйлар, суҳбатлар) Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981.Б.113-120.

биётининг “*таркибий қисми*” сифатида олиб текширилади. У адабиётни ғоявий-бадиий куч, мафкуравий курол сифатида англайди. Икки тузум ўртасида ғоявий курашнинггина кўрган олима Ғарб мамлакатларида жойлашган турли махсус марказлар ва сон-саноксиз радио «овоз»лар («*Америка овози*», «*Озодлик*», «*Озод Европа*» ва *ҳоказолар*) ни ёппасига шўро маданияти, санъати, адабиётини бузиб кўрсатувчи, ҳақиқатни сохталаштирувчилар сифатида баҳолайди.

АҚШ, ГФР, Буюк Британия каби мамлакатлардаги туркий тиллар ва шу тиллардаги адабиётларни ўрганувчи ташкилотлар, хусусан АҚШнинг Вашингтон университети (Сиэтл ш.), Колумбия университети (Нью-Йорк ш.) ва Блумингтон университети (Индиана ш.), Гарвард ва Жанубий Калифорния университетлари сингари туркшунослик масалалари билан кенг кўламда шуғуланувчи ўқувтадқиқот муассасалари, Ўрта Осиёни ўрганувчи махсус марказлар коммунизмга қарши тарғибот-ташвиқот олиб борувчи муассасалар сифатида баҳоланади. Мазкур ташкилотлардаги тадқиқотчи олимлар эса мамлакатимиздаги адабий жараёни сохталаштириб, иғво ва уйдирмаларни тўқиб чиқараётган «*советшунос*»лар саналади.

Т.Шарипова Ўзбекистонда нашр этилган монография ва рисоалар турли конференция тўпламларида “*буржуа советшунос*”-лари фош этилганлигини адабий-сиёсий ва мафкуравий ютуқлар сифатида мамнуният билан қайд этади. Улар қуйидагилардан иборат:

1. “*Совет тузумининг улусворлиги ва уни сохталаштирувчиларнинг ожизлиги. Ўзбекистоннинг ўтмиши ва ҳозирги аҳволини сохталаштирувчиларни танқид*”. Монография. (Тошкент, 1975).

2. «*Миллий масала ва ҳозирги шароитда идеологик кураш*». 1975 йилда бўлиб ўтган конференция материалларини умумлаштирувчи тўплам (Тошкент, 1977).

3. “*Ҳозирги замон шароитида идеологик курашнинг актуал масалалари ва Ўзбекистондаги ижтимоий фанларнинг вазифалари*” (1979 йилнинг декабрида Тошкентда ўтказилган илмий конференция.)

Т.Шарипова методологик асос сифатида КПСС Марказий Комитетининг «*Идеология на сиёсий- тарбиявий ишларни янада яхшилаш*» тўғрисидаги қарори, академиклар Э.Юсупов, М.К.Нурмухамедов, проф. Л.П.Қаюмовларнинг маъруза матнларига таянади.

Бундай ҳужжатларда асосан, “капитализм маддоҳлари” кескин қораланган эди. Шубҳасиз, олиманинг фикрлари буткул асоссиз ҳам эмас. Жумладан, М.Саркисянц «Ўтган кунлар» романида фақат муҳаббат мавзуини, «рўёбга чиқмаган фожиали севгининг классик талқини», кўрар экан, романи хотин-қизларни рўшноликка чиқаришга ундовчи асар сифатида талқин этади. Т.Шарипованинг “бундай талқин асарнинг ижтимоий моҳиятини камситади”, -дея баҳолаши илмий жиҳатдан ўзини оқлайди. Шунингдек, олиманинг Д.Монтгомерининг Х.Олимжон ҳақидаги тадқиқот-мақоласига: “Ҳамид Олимжон ҳаёти ва ижодига оид маълумотларни совет матбуотидан олади, лекин уларни бузиб, тескари, ўзининг советларга қарши бўхтон руҳига мослаб талқин этади” қабилида берган баҳоси ҳам мантиқан далилланган.

Таржима адабиёти ҳақида сўз юритган ўринларда Т.Шарипованинг илмий салоҳияти чинакамига очила боради. Чунки у социалистик йўлни танлаган ГДР, Франция, Италия, Болгария, Венгрия, Польша, Руминия, Чехословакия сингари мамлакатларда ижод қилувчи социалист ёзувчи ва адиблар, маданият ҳамда санъат ходимлари ҳақида эркин гапириш имконига эга эди. Масалан: “Германияга ўзбек адабиёти ва илмий тафаккури қадим замонларданоқ аслида таржима ҳолида ҳам кириб келган. Немис китобхони XVI асрдаёқ ўзбек адабиёти билан танишишга муваффақ бўлган. Маълумки, 1583 йили Базель шаҳрида Алишер Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достони немис тилида нашр этилган эди. XIX асрда Германияга ўзбек адабиёти намуналари «Ўғизнома», «Муҳаббатнома», «Шажараи турк», «Бобирнома», «Қутадғу биллик» каби асарлар кириб келади. Кейинчалик мазкур асарлар Г.Вамбери, Броккельман, Ф.Хоммель таржималарида нашр этилади”, деб ёзади олима. У немис ўқувчиларини ўзбек ёзувчиларининг асарлари билан таништиришда кўп хизмат қилган Зигрид Клайнмихел, Ян Петере, Альфред Курелла, Карл Райхель, Ильза Лауде-Сиртатутас, Г.Борн, Е.Брюммер, Г.Лайсте, Э.Айхорн, Х.Хупперт, С.Остерайхер, Н.Петере ва бошқа ёзувчи ҳамда олимлар ҳақида ифтихор билан сўзлайди.

Ўзбекистон ва Франция адабиётлари ўртасидаги дўстона алоқаларни эслаганида: “Францияда ўзбек адабиёти дастлабки бор XVII асрда маълум бўлган. 1697 йили Парижда француз шарқшуноси Бартоломей Эрбеллоннинг «Шарқ кутубхонаси» китоби

нашр этилди. Ушбу асарда Навоий хаёти хақида маълумот берилди ва унинг асарларидан намуналар келтирилади. XIX асрнинг охирларида француз олими А.Паведо Куртейль «Бобурнома»ни француз тилига таржима қилган», - сингари фактларни келтиради. Кейинги 20 йил давомида Францияда С.Айний, Ойбек, Ғ.Ғулом, Х.Олимжон, Зулфия ва бошқаларнинг асарлари нашр этилгани, атоқли француз адибларидан Луи Арагон, Андре Вюрмсер, Ж.-П.Сартрларнинг мазкур ижодкорлар асарлари хақидаги илмий мақолалари чоп этилгани хусусидаги адабий қайдлар ҳам диққатга лойиқдир.

Лондонда машҳур «Кўрўгли» достонининг бир неча бор чоп этилганлиги, 1972 йилда «Китоби Дада Куркут» таржима қилиниб нашр этилганлиги, Нью-Йоркда Хўжа Насриддин номи билан аталадиган нашриёт борлигию кейинги 20 йил давомида мазкур нашриётда «Насриддин латифалари» инглиз тилида беш марта қайта нашр этилганлиги, шунингдек «Гул ва Наврўз» достонининг ягона кулёмаси, Алишер Навоий айрим асарлари ва XV асрда яшаган бошқа ўзбек шоирларининг кулёмалари ҳам Лондондаги Британия музейида сақланаётганлиги хақидаги адабий-тарихий фактлар ўша давр учун муҳим маълумотлар эди, албатта.

Италияда Алексию Бомбачининг «Турк адабиёти тарихи» ва Этторе Россининг «Турк адабиёти» каби асарлари юзага келгани, Чехославакияда олий мактаблар учун «Осиё ва Африка адабиётлари тарихи» дарслиги нашр этилганлиги, унинг учинчи томи «СССРнинг Осиё адабиёти» деб аталиши, унда ўзбек адабиётининг тарихи, йирик ўзбек адибларининг ижоди таҳлил этилганлиги хақидаги библиографик маълумотлар ҳам шулар жумласидандир.

Т.Шарипова Ўзбекистонда ҳам хорижий мамлакат адибларининг асарлари минглаб нусхаларда нашр этилаётганлигини қайд этар экан, Ф.Шиллер, Г.Гейне, Б.Брехт, Ф.Рабле, В.Гюго, А.Дюма, Стендаль, П.Мериме, Флобер, Ж.Верн, Мопассан, Байрон, Шекспир, Т.Драйзер, М.Твен, Жек Лондон, Ж.Беранже, Э.Потье, А.Зегерс, Ф.Вольф, Л.Арагон, Э.Хемингуэй ва бошқаларнинг асарларини ўзбек китобхони ўз она тилида ўқиётганлигидан ифтихор туяди. Адабий алоқалар кўламининг кенгайиб бориши чин маънода ҳам фахрланишга лойиқ эди. Бироқ олима халқаро алоқалар масаласида ҳамisha ҳам бағрикенглик билан муносабатда бўла олмаганлиги юқоридаги фактлардан ойдин кўриниб турибди.

Кўринадики, ўзбек олимларининг тадқиқотларида ҳам, хорижлик ҳамкасбларимиз ижодида ҳам мафкуравий мухолифотнинг ўрни ёрқин сезилиб туради. Эътироф этмоқ лозимки, хорижлик мутахассисларнинг мақола ва тадқиқотлари салмоқли қисмида асосли гаплар айтилган эди. Уларни қуйидагича умумлаштириш мумкин:

– *ўзбек жадид адабиёти миллатпарварлик ва истиқлол руҳидаги адабиёт эди;*

– *Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Элбек каби адиблар халқ душмани эмас, аксинча, ватанпарвар, фидойи сўз усталари эдилар;*

– *XX аср 20-йиллар ўзбек адабиётида рус босқинчилиги ва истибдодига қарши кураш ёрқин ифодаланган;*

– *шўро адабиёти жасар солган социалистик реализм методи ва ижод эркинлиги ҳақидаги фикрлар гоятда сохта эди;*

– *шўро адабиёти сўз санъатини бир қолипга солишига ҳаракат қилди;*

– *адабий-мафкуравий қатагон бадийятнинг сусайишига олиб келди ва б.*

Ўзбек адабиётшуносларининг аксарият қисми бундай қарашларни “ғоявий ва мафкуравий душманларимизнинг кирдикорлари ва тухматлари, буржуа ғанимларининг найранглари”, – деб баҳолашди. Социологик метод мавқеини мутлақлаштириш оқибатида вульгар социологизм кўринишларига йўл қўйилди, адабиёт аксарият ҳолларда ижтимоий омилларгагина боғлаб қўйилди. Унинг предмети, қизиқтирган масалаларининг гоят серқирралиги етарлича инобатга олинмади. Чунки хорижшунос олимларимиз таянган назарий-методологик асослар, адабий-сиёсий қарашлар Ғарб мамлакатларида амалга оширилган ишлар тўғрисида холис ва ҳаққоний фикрларни баён қилиш имконини бермади. Шунга қарамадан, 1950-1990 йиллар ўзбек адабиётшунослигида қалам тебратган хорижшунослар тадқиқотларида жиддий фикр-қарашлар ҳам илгари сурилди:

– *бадий адабиёт, адабий ҳодиса ва фактлар ижтимоий ҳаёт билан узвий алоқада ўрганилди;*

– *адабий асарлар бағридан маълум бир даврдаги “халқ руҳи”, миллатимизнинг тафаккур даражаси, турмуш тарзи кузатилди;*

– *бадий воқелик билан реаллик муносабатлари, унинг тарихан ҳаққонийлик даражаси, ҳаёт ҳақиқати билан бадий ҳақиқат муносабатлари каби масалалар тадқиқ этилди;*

– бадий асарларнинг зоявий-мафкуравий томонлари, қаҳрамонларнинг характер хусусиятлари, конфликтлар табиати, образлар тизими сингари поэтик унсурларнинг ижтимоий илдизлари очилди;

– ижод жараёни билан боғлиқ ҳаёт ҳақиқатининг бадий ҳақиқатга айланиш жараёни, характер ва прототип, тарихий шахс образи ва реал тарихий шахс муносабати каби муаммолар ўрганилди;

– адабий ҳодисалар ўзаро қийсланиб, уларнинг ўхшаш ва фарқли томонлари, буларни келтириб чиқарган омиллар аниқланди;

– бадий адабиёт ҳамда адабиётшунослик тараққиётига оид умумий қонуниятларни аниқлашга ҳаракат қилинди. Қийсий методни қўллаш имкониятлари кенгайди;

– миллий адабиётимизнинг ўзаро алоқалари ва адабий таъсир муаммолари тадқиқ этилди;

– хорижий ҳамкасбларимиз бадий матни бирламчи манбалар орқали чуқур билишга чорланди;

– чет эллик олимлар маълумотларни бузиб талқин қилмасликка даъват этилди;

– назарий муаммоларни талқин қилиш жараёнида илмий ноҳоллик ва бирёқламаликдан асраниш лозимлиги таъкидланди.

Биз эркин дунёқараш, плюралистик тафаккурга асосланган **мустақиллик даври ўзбек адабиётшунослигидаги хорижшунослик** ни кейинги бобда махсус ўрганишни ният қилдик.

## II боб. ХОРИЖИЙ ТАДҚИҚОТЛАРНИ БАҲОЛАШДА СИФАТ СИЛЖИШЛАРИ (ФИТРАТ ВА ҚОДИРИЙ ИЖОДИНИ ЎРГАНИШ МИСОЛИДА)

Жадид адабиёти ва унинг амалий кўриниши бўлган жадидчилик ҳаракатлари масалалари Туркистон тарихи, этнографияси, адабиёти ва санъати билан махсус шуғулланувчи хорижлик олимларнинг доимо диққат марказида бўлиб келди. ўрганишди. Улар қаторига қатагон йилларида чет элларга кетишга мажбур бўлган ўзбек, татар, қozoқ ва бошқа миллатга мансуб зиёлилар ҳам қўшилдилар.

Хорижда Фитрат серқирра фаолияти ва ижодини ўрганиш ўтган асрнинг 40-йилларидан бошланди.<sup>27</sup> Миллий истиқлолга эришилган илк йилларидаёқ мазкур жараёнларни биринчилардан бўлиб ўрганишга қўл урган ўзбек фитратшунос олими проф. Ҳ.Болтабоев *“Хорижда фитратшунослик”* номли мақоласини бундан 20 йиллар олдин эълон қилган эди<sup>28</sup>. Ушбу мақоланинг қиммати шундаки, унда чет эл олимларидан Фуод Кўпрули, Аҳмад Заки Валиди Тўғон, Камол Эраслон, Маҳмуд Сарой, Исмоилбей Гаспрали, Боймирза Ҳайит, Темур Хўжа ўғли, Хисао Коматсу, Эдворт Олворт, Элен Каррер, д’Энкос, Ингеборг Балдауф, Мареа Бутино, Т.Раковска-Хейстонларнинг Фитрат ҳақидаги алоҳида асар ва мақолалари имкон қадар қамраб олинди. Уларнинг адиб меросига қай жиҳатдан ёндашиб, тадқиқу таҳлилга тортишгани ўрганилди. Ушбу тадқиқотларнинг йўналишлари тасниф этилди. Шунинг учун ҳам мақола тезда фитратшунослар назарига тушди ва тегишли тарзда баҳосини олди<sup>29</sup>.

---

<sup>27</sup> Айни муаммонинг муайян жиҳатлари бизнинг вақтли матбуот нашрларидаги айрим чиқишларимизда муайян даражада ёритилган. Бу ҳақда тўлиқроқ маълумот олиш учун “XX аср ўзбек адабиётининг Америкада ўрганилиши” Т.: Фан, 2011 китобимизнинг “Абдурауф Фитрат фаолиятининг ўрганилиши: ўзига хос ёндашув ва қарашар” мақоласига қаранг. Б.197-205. Ушбу китоб академик Бахтиёр Назаров томонидан хорижшунослик борасида “истиклол давридагина юзага чиқиши мумкин бўлган изланишлардан бири” сифатида баҳоланди. Қаранг: Назаров Б.А. “Зулхуморнинг дадил қадами ёки хосиятли изланишлар”. Китобга сўзбоши. Б.3.

<sup>28</sup> Болтабоев Ҳ. Хорижда фитратшунослик // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1992 йил, 27 март.

<sup>29</sup> Ганиев И. Хорижий фитратшуносликка бир назар. Қаранг: Илҳом Ганиев. Фитратшунослик. Тошкент, 1992. Б. 85-96.



Ҳ.Болтабоев бу йўналишдаги изланишларини изчил давом эттирди. Натижада кейинчалик мақоладаги айрим ноаниқ маълумотлар тузатилди ва тўлдирилди. Шундан сўнг адабиётшуноснинг “*Абдурауф Фитрат ва жадиждчилик*”<sup>30</sup> китобига: “*Хорижий фитратшуносликдан лавҳалар*”, номи остида киритилди. Мазкур китобдан ўрин олган “*Фитратнинг Америкалик дўсти*”, “*Япон олимнинг ўзбекча шижоати*” номли мақолаларда ҳам Фитрат ижодининг хорижда ўрганилиши муаммоларига муносабат билдирилган. Зотан, Фитрат ижодининг илк босқичида битилган “*Сайҳа*”, “*Мунозара*”, “*Сайёҳи ҳинди*” асарлари, шунингдек олимнинг ўзбек адабиёти, санъати тарихи ва назариясига доир изланиш ва тадқиқотлари ўша давридаёқ хорижий олимлар диққатини тортган эди.

Ҳ.Болтабоев ахборот беришича, Фитрат ҳақидаги илк маълумотлар Истанбул матбуотида пайдо бўлган. Буни олим: Фитратнинг 1909-1914 йилларда Истанбулда таҳсил олиши билан боғлайди. Чиндан ҳам, *Фиёсиддин Ҳасаний*нинг “*Сиратул мустақим*” саҳифаларида эълон қилган “*Бухорода интибоҳ*”, “*Бухоро аҳволина доир*” сингари мақолаларида Фитрат Бухорода матбаачилик ва маориф ишининг фаолларидан бири сифатида тилга олинади. Фитрат ижодига қизиқиш ортишида *Бухородан Германияга жўнатилган талабалар*<sup>31</sup> фаоллиги ҳам муҳим роль ўйнаган. Хусусан, унинг “*Ҳинд ихтилолчилари*” драмаси илк бор Берлинда нашр этилган.

*Мустафо Чўқай* (Чўқаев) (1886-1942) муҳаррирлик қилган “*Ёш Туркистон*” журнали<sup>32</sup> Фитратнинг “*Миррих юлдузига*” шеърини

<sup>30</sup> Болтабоев Ҳ. Фитрат ва жадиждчилик. Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007.

<sup>31</sup> Бу ҳақда батафсилроқ маълумот олиш учун қаранг: Турдиев Ш. Улар Германияда ўқиган эдилар. Т., 1992.

<sup>32</sup> Журнал Париж ва Берлинда ўзбек тилида чиққан. Мустафо Чўқай унга 1929-1939 йилларда муҳаррирлик қилган. (М.З.)

**Изоҳ:** Асли Қозоғистонлик бўлган Мустафо Чўқай – Туркистон мустақиллиги учун фаол курашчилардан бири. У Туркистон мухторияти ҳукумати ташқи ишлар вазири, муайян муддат бош вазири лавозимларида ишлаган. 1917 йил февралигача Россия 4- Давлат думасининг Туркистон ишлари бўйича котиби бўлган. Кейинчалик, Муваққат ҳукумат Бош вазири А.Ф.Керенский бошчилигидаги комиссия таркибида Туркистонда бўлиб, Тошкентдаги сиёсий воқеаларда иштирок этган. Чунки у Туркистон ўлкаси мусулмонлари Марказий Шўроси раиси, “Бирлик туғи” (қозоқча) газетанинг муҳаррири эди. Мустафо Чўқай Тифлисте яшаган пайтлари (1919 йил, феврал) да Европа давлатларига махсус меморандум билан мурожаат қилиб, Туркистондаги истиқлолчилар курашини қўллаб-қувватлашга, большевиклар режимини ағдаришга чақирган. У мухожирликда ҳам

чош этиш билан бир қаторда, уни “*миллат ва миллий руҳ моҳиятини теран англаган*” ижодкор сифатида ҳам эътироф этган. Мажалла саҳифаларида туркистонлик қаламкашлар Фитрат, Чўлпон билан бир қаторда А.Бойтурсун, М.Давлат, М.Жумабой номлари ҳам “*миллий туйғу ва миллий руҳ ифодачилари*” сифатида санаб ўтилган. Характерли жиҳати шундаки, Мустафо Чўқай ўғли ўзга мамлакатлардаги нашрларни ҳам фаол кузатиб борган. Хусусан, унинг Парижда чош этиладиган “*Ле моис*” журналида “*Ўзбек ёш шоирлари*” (1922) тўпламидан айрим парчалар: Фитрат, Чўлпон, Боту, Элбек ижодидан намуналар берилиши муносабати билан битган “*Туркистон миллий адабиёти ҳақида француз мажмуаси нима дейди?*” (1931) номли мақоласида мазкур шоирлар ижодидаги “*миллий руҳ, янги вазн ва таъсирчан фикр*”лар қизгин қўллаб қувватланган.

Умуман, Ҳ.Болтабоев Ғиёсиддин Ҳасаний ва Бухородан Германияга жўнатилган талабалар фаолиятини синчковлик билан кузатибгина қолмай, Мустафо Чўқайнинг “*Туркистон миллий адабиёти ҳақида француз мажмуаси нима дейди?*” (1931), “*Бухоро инқилоби*” (1931), “*Туркистон ва Бухороми, йўқса тўғридан тўғри Туркистонми?*” (1932), “*Жадидчилик қутқуси*” (1935), “*Қайғу ва ҳасрат мамлақати*” (1937) сингари мақолалари, шунингдек, “*Туркистон шўролар остида. Пролетариат диктатурасига характеристика*”<sup>33</sup> (Париж, 1935) китобида Фитратнинг жадидчилик фаолияти, адабий бадий ижодига оид кузатишлар мавжуд эканлигини ижобий ҳол сифатида баҳолайди.

---

Туркистон қайғуси билан яшаган. Хусусан, 1929 йилдан эътиборан Туркистон Миллий бирлиги Марказий кўмитасининг раиси бўлиб ишлаган, Компсън концлагериди тутқунликда вафот этган эди.

Мустафо Чўқай ўғли мухожирликда яшаган пайтларида Париж ва Лондон каби йирик шаҳарларда ўтказилган турли халқаро анжуманларда иштирок этган. У Туркистоннинг ХХ асрдаги тарихига оид кўплаб мақола ва китобларнинг муаллифидир. Жумладан, “1917 йил, хотира парчалари” (Берлин, 1937; ўзбек тилида) китоби анча шуҳрат қозонган. Масалан, мазкур асар турк (Анқара, 1988), рус (Германия, 1989; Токио – Москва, 2001), ўзбек (Тошкент, 1992) тилларида алоҳида китоб сифатида нашр қилинган.

Мустафо Чўқай ўғли ҳаёти ва ижоди муайян даражада ўрганилган. Бу ҳақда тўлиқроқ маълумот олиш учун қаранг: Шарафиддинов О. Мустафо Чўқай, Чўлпон, Отажон Ҳошим. Т., 1993; Из истории Российской эмиграции: письма А.З.Валидов и М.Чокаева (1924-1932гг.), М., 1989; Ўзбекистоннинг янги тарихи 2- китоб (Ўзбекистон совет мустамакчилиги даврида), Т.: 2000; Ражабов Қ., Ҳайдаров М. Туркистон тарихи, Т., 2002. (М.З.)

<sup>33</sup> Мустафо Чоқай-оглы. Туркестан под властью советов. К характеристике диктатуре пролетариата. – Париж: Издание «Яш Туркестан», 1935.

Ҳ.Болтабоевнинг диққатини тортган хорижлик тадқиқотчилардан яна бири ўз асарларида Фитрат адиблик ва жади́дчилик фаолиятига кенг тўхталган Истанбул университети профессори Аҳмадзаки Аҳметшахович Валидов - *Аҳмад Заки Валидий Тўғон* (1890-1970) дир<sup>34</sup> Ҳ.Болтабоев олимнинг *“Туркистон тарихи”* (1939), *“Бугунги турк эли: Туркистон ва яқин тарихи”* (Истанбул, 1947; 1981) ва *“Хотиралар”* (Истанбул 1969; Москва 1987) китобларига муносабат билдиради. Жумладан, *“Бугунги турк эли: Туркистон ва яқин тарихи”* (Баку-Истанбул, 1981) китобининг *“Ерли туркларда сиёсий ташкилот”*, *“Бухоро халқ жумҳурияти”*, *“Янги ўзбек адабиёти”*, *“Илмий жамиятлар, кутубхона ва музейлар, янги илмий ва маданий қувватлар”*, *“Театр ва муסיқий”*, *“Панисламизм, пантуранизм, пантуркизм”* сингари боб ва фаслларида кўтарилган масалалар Туркистон тарихининг талай мавҳум жиҳатларини ҳаққоний ёритиши эътироф этилади.

Дарҳақиқат, Аҳмад Заки Валидий Тўғон мазкур китобда *“Тарбияти атвол”* жамияти ва унинг Истанбулдаги шўъбаси (*“Бухорода*

<sup>34</sup> *Изоҳ:* Асли бошқирдистонлик бўлган бу инсонни Туркистон билан боғловчи жиҳатлар жуда кўп. Жумладан, Заки Валидий 1913-1914 йилларда Фарғона водийси ва Бухоро амириликда яшаган. Туркистонда Бехбудий, Мунавварқори, Чўлпон, Мустафо Чўкай, Назир Тўракулов ва бошқа арбоблар билан танишган. 1917 йилда Тошкентга келиб ўлкадаги сиёсий жараёнларда қатнашган. 1917 йилнинг 16-23 апрелида ўтказилган Бутун Туркистон мусулмонлари 1- курултойида тузилган Туркистон ўлкаси мусулмон шўроси бош қотиби ва унинг органи “Кенгаш” газетасининг муҳаррири бўлган. Ўлка халқлари мухторият ҳаракатида фаол иштирок этиб, туркий эл-элатларнинг бирлиги ва мустақиллиги ғоясини изчил ҳимоя қилган. 1917 йилда Тошкент шаҳар думасининг депутатлигига сайланган. 1920 йилда яна Бухорога келиб истиқлолчи гуруҳларга сиёсий раҳбарлик қилувчи марказ тузиш мақсадида Бухоро ҳукумати бошлиғи Ф.Хўжаев билан музокара юритган. 1921 йилнинг 21 августида Бухоро шаҳрида Миллий бирлик конгрессида ташкил этилган Ўрта Осиё миллий мусулмон жамиятлари федерациясига (кейинчалик *“Туркистон миллий бирлиги”* деб аталган) раис қилиб сайланган. Истиқлолчилик ҳаракатининг ғоявий жиҳатлашуви учун курашган.

Заки Валидийнинг Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Туркия ва Европа мамлакатлари, хусусан Истанбул, Бонн, Гётенген университетларида ишлаган даврида битган аксарият асарларида юртимиз тарихи, маданияти, адабиёт ва санъати муаммолари ёритилган. Унинг муҳим асарлари қуйидагилар: *“Туркий халқлар тарихига кириш”*, *“Ўрта Осиё тарихининг ислом даври”*, *“Туркистон”*, *“Туркийлар шажараси”*, *“Темурнинг ғарбга юришлари”*, *“Темур авлодлари”*, *“Бугунги турк эли Туркистон ва яқин тарихи”*, *“Шарқда шўролар сиёсати”*, *“Туркистоннинг истиқлол ҳаракатига қарши”*, *“Берунийнинг дунёқарashi”*, *“Алишер Навоий”*, *“Шайбонийхон шеърляти”*, *“Тарихда турклар ва форслар”*, *“Хотиралар”* ва б. Мамлакатимиз истиқлолга эришгач, унинг *“Бўлинишни бўри ер. Туркистон халқларининг миллий мустақиллик учун кураш тарихидан”* (*“Хотиралар”*) асари нашр қилинган. Т., 1997. (М. 3.)

таъмими маориф жамияти”) ташкилотчилари, шунингдек Фитратнинг “Мунозара”, “Сайёҳи ҳинди” асарлари Истанбулда форс тилида чоп этилиши ҳақидаги тарихий маълумотларни қайд этади.

Асарда Фитратнинг Бухорода Халқ нозири сифатида амалга оширган эзгу ишларига тўхталинади. Унинг “*драмалари ўзбек театр санъати шаклланишига адабий манба бўлган*” лиги таъкидланар экан, “*Баёноти сайёҳи ҳинди*”, “*Мунозара*” (таржимон Ҳожи Муин), “*Або Муслим*”, “*Чин севиш*”, “*Ҳинд ихтилолчилари*”, “*Ўғузхон*”, “*Темур сағанаси*”, “*Абулфайзхон*” каби асарлари тилга олинади. Маълум бўладики, Фитрат драматургияси ўз давридаёқ адабий ва ижтимоий аҳамият касб этган. Эҳтимол шунинг учун ҳам, Фитратнинг ўз ҳажвий ва танқидий руҳи билан Туркистону Афғонистонда маъруф бўлган аксарият катта-кичик ҳажмдаги пьеса ва драмалари ҳукумат томонидан расман таъқиқланган. Унинг “*Арслон*” ва “*Абулфайзхон*”, Чўлпоннинг “*Ёрқиной*” драмаларигагина дахл қилинмаган.

Аҳмад Заки Валидий Тўғон Фитратнинг тарих, адабиёт ва тилга оид асарлари ҳақида ҳам қимматли маълумотлар берган. Айни пайтда, у 1928 йилдан эътиборан шўролар Ўзбекистони илмий муассасаларида туркий миллатга мансуб олимларга раҳбарлик лавозимлари камдан-кам ҳоллардагина берилаётганини таассуф билан баён этади. Фитратни сиёсий қарашлари жиҳатидан қозонлик Олимжон Иброҳимов, Жамолиддин Валидий билан чоғиштиради. Заки Валидий асари юзага келган ўтган асрнинг 40-йиллари иккинчи ярмида бизда жаҳид зиёлилари номлари ҳали расман оқланмаган, асарлари эса халқдан пинҳон тутилар эди. Бу ҳол яқин ва олис хорижий мамлакатларнинг олимлари ўша даврдаёқ шўро тадқиқотчиларига нисбатан анча эркин фикрлаш имконига эга бўлганлиги фактини тасдиқлайди. Айни пайтда, олим тарихий маълумотлари қимматини ҳам оширади. Буни тўғри англаган Ҳ.Болтабоев: “*Йигирманчи аср янги ўзбек адабиётининг тамал тошини қўйган Бехбудий, Фитрат, Қодирий ва Чўлпон сингари улуг адиб ва олимлар фаолияти шўро даврида ҳар қанча “беки-тиқ”ларга қарамай ўз давридаёқ хорижий олимларнинг эътиборини торттиб улгурган эди*”<sup>35</sup>, деб ёзади.

<sup>35</sup> Болтабоев Ҳ. Фитрат ва жаҳидчилик. Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007. Б. 225.

Аҳмад Заки Валидий Тўғоннинг *“Хотиралар”* (Истанбул, 1969; *“Бўлингани бўри ер”*, Т., 1996; *“Воспоминания”*, М., 1997) мемуари илгариги асарларини мантиқан тўлдириши Туркистон тарихининг яна бир қатор қоронғу жиҳатларини ёритиши билан муҳим қиммат касб этади. Кези келганда таъкидлаш ўринлики, бошқирд олими ва жамоат арбобининг *“Берунийнинг дунё ҳақидаги тасаввурлари”* (Бонн., Готтенген университети, 1940), *“Умумий турк тарихига кириш”* (Истанбул, 1950) асарларида ҳам Туркистон тарихининг айрим жиҳатлари ҳақидаги маълумотлар берилган. Унинг *“Хоразмча таржимали “Муқаддиматул адаб”* (Истанбул, 1951), *“Қуръон ва турклар”* (Анқара, 1951), *“Ўғуз дастони”* (*“Ўғузнома”* назарда тутилмоқда, Анқара, 1972) сингари тадқиқотларида ҳам Фитрат қаламига мансуб асарлар ҳақида илиқ фикрлар билдирилган. Ҳ.Болтабоев олим илмий изланишлари ва тарихий мемуарлари қимматини тайин этар экан: *“Заки Валидий Тўғоннинг илмий ва мемуар китоблари Фитрат қаламига мансуб асарларни тиклашда, улуғ адиб фаолиятининг айрим қирраларини ўрганишда муҳим тарихий манба сифатида асқотиши мумкин”*<sup>36</sup> деб баҳолайди.

Бизнингча, Заки Валидий мероси умумтуркистон тарихи, фольклори, адабий ёдномалари, илмий ва бадий мероси, халқ эътиқоди ҳақидаги кенг кўламли маълумотларни камраб олади. Уларда олис ва яқин тарихимиз, соҳибқирон Амир Темур, Замахшарий, Беруний, Навоий, Шайбонийхон каби давлат арбоблари ва алломалар дунёқарашини, ижоди ҳақида кенг маълумотлар келтирилган. Шунингдек, ижтимоий-сиёсий, адабий-маърифий жамиятлар, илмий муассасалардаги кадрлар муаммоси билан боғлиқ реал вазият, ўзбек театр санъати шаклланишига асос бўлган адабий манбалар илмий-ижтимоий қиммати баён қилинган. Фитрат дунёқарашининг у битган асарлар руҳи ва тақдирига таъсири сингари талай масалаларга муносабат билдирилган. Бинобарин, Заки Валидий қарашлари қиммати Фитрат қаламига мансуб асарларни тиклаш, адиб фаолияти айрим қирраларини ўрганишдан бир қадар кенгрокдир.

Ҳ.Болтабоев ўша пайтда рус матбуоти, хусусан *“Туркестанские ведомости”* саҳифаларида, шунингдек *“Ўзбекишунос”* лар: *Ж.Бойбўлатов*нинг *“Чигатаизм и пантюркизм в узбекской литературе”*

<sup>36</sup> Болтабоев Ҳ. Ўша жойда. Б. 228.

(М.-Т.: САОГИЗ, 1932), *А.Аршаруни ва Х.Габидуллинларнинг “Россияда панисламизм ва пантиюркизм очерклари”* (“Очерки панисламизма и пантиюркизма в России”, М.,1931), *Л.И.Климовичнинг “Ислом чор Россиясида”* (“Ислам в Царской России”, М., 1936) сингари чиқишларида мутлақо тескари ҳол намоён бўлганлигини таассуф билан қайд этади.

Дарҳақиқат, жадидчиликни “*миллатчилик*”, жадид зиёлиларини “*миллатчи*” “*пантуркист*”, “*панисламист*” тамғалари билан “*сийлаш*”дек тенденциоз ҳолат шўро мафкуравий сиёсати бош йўналишига айланган эди. Бу курашда жадидчилик муҳолифлари исломчилик ва туркчиликка қарши муросасиз ҳужум уюштирдилар. Мазкур хуружлар Фитратнинг “*Мунозара*”, “*Ҳинд сайёҳи баёноти*”, “*Сайҳа*” каби асарларини ҳам четлаб ўтмаган эди. Шунинг учун Ҳ.Болтабоев бу типдаги “*асар*”ларни моҳият эътибори билан шўро мафкураси манфаатларинигина ҳимоя қилувчи битиклар сирасига киритади. Бизнингча, адабиёт ва санъатдан йироқ кимсаларнинг “*пролетар маданияти*”ни тарғиб қилиш йўлидаги мазкур тенденциоз хуружлари нафақат Фитрат ва унинг айрим асарлари, балки миллат руҳи, тафаккури, тарихи, маданияти, азалий кадриятлари ва маданий меросига қарши қаратилган эди.

Жадидчилик ҳаракати ва хусусан Фитрат фаолияти ҳақида салмоқли мақола ва тадқиқотлар ёзган *Боймирза Ҳайит*<sup>37</sup> изланишлари ҳам Ҳ.Болтабоев назаридан четда қолмади. Ўзбек олими унинг “*Советлар бирлигида туркликнинг ва исломнинг баъзи масалалари*” (Истанбул, 1987) китоби хусусида тўхталар экан, ўз изланишлари билан Туркистон эркинлиги учун курашган “*шоир* (Фитрат назарда тутилмоқда – М.З.)ни бутун дунё туркларига таништирди”<sup>38</sup>, деб ёзади.

---

<sup>37</sup> Ватандошимиз бўлмиш файласуф олим, доктор Боймирза Ҳайитнинг “Абдурауф Фитрат” (“Миллий Туркистон”, 1952), “Туркистон XX асрада” (Жархундерг-Дармштат, 1956), “Ёш ўзбек адабиёти” (Марказий Осиё Журнали,1962), “Ҳозирги замон Туркистон адабиётининг баъзи масалалари” (1963), “Туркистонда рус-совет империализми” (Нидерландия, 1965), “Россия ва Чин-ўртасида Туркистон” (Амстердам, 1971), “Туркистонда ўлдирилган турк шоирлари: мусулмон турклар ҳаётидан парчалар” (Анқара, 1971) сингари мақолалари, шунингдек “Советлар бирлигида туркликнинг ва исломнинг баъзи масалалари” (Истанбул, 1987) китобида Абдурауф Фитрат фаолиятининг айрим қирралари ўрганилган.

<sup>38</sup> Болтабоев Ҳ. Ўша жойда. Б. 230.

Ҳ.Болтабоев келтирган қимматли маълумотлардан шу нарса аён бўладики, яна бир ватандошимиз доктор *Темур Хўжа ўгли*нинг “*Туркистон олими Абдурауф Фитратнинг туркология соҳасидаги унутилган асарлари*” (Анқара, 1986), “*Чоғдош* (ҳозирги – З.М.) *турк адабиётлари*” (Измир, 1988) асарларида Фитрат “*ислоҳотчи, сиёсатчи ва давлат арбоби, ношир, муҳаррир, публицист, ҳикоянавис, шоир, драматург, адабиёт тарихчиси, адабиёт танқидчиси, тилшунос, мушиқа тарихчиси, фольклоршунос олим*” сифатида таърифланган. Шунингдек у: “*Ўзбек шеърининг зарб тушунчасидаги “модерн” услубининг асосчиси*” деб баҳоланган. Ҳ.Болтабоев Фитрат ташаббуси билан Германияга жўнатилган ўзбек олимлари *Тоҳир Чигатой*<sup>39</sup> (1902-1984) асарларида социологик таҳлил, *Иброҳим Орифхон ўгли Ёрқин*<sup>40</sup> (1902-1995) тадқиқотларида эса тарғиботчилик руҳи устуворлигини кузатади.

Ҳ.Болтабоев *Элен Каррер, д’Энкос*нинг “*Рус империяси муслмонлари учун ислоҳот ва инқилоб: Бухоро 1867-1924*”<sup>41</sup> (Париж, 1966) асарининг инглиз тилига ўгирилган (1988 йил) варианты (“*Ислоҳот ва Русия империяси: Ўрта Осиёда ислоҳот ва инқилоб*”) умумий мундарижасини келтириш билан чекланади. Шунга қарамасдан, ўша мундарижанинг ўзиёқ Марказий Осиёда XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида юз берган ижтимоий сиёсий, маданий, таърифий, фалсафий ва адабий ҳаётнинг қайси жиҳатларига урғу берилганлиги тўғрисида муайян тасаввурлар туғдиради.

“*Рус ва совет халқларига доир ёзишмалар*” (Берлин, 1991) мажмуасида олмониялик олима *Ингеборг Балдауф* “*Ўзбек миллатининг шаклланишига доир айрим мулоҳазалар*” мақоласи билан қатнашган. Ушбу мақолага тўхталар экан, Ҳ.Болтабоев: “*Тадқиқот ўзи-*

<sup>39</sup> Тоҳир Чигатойнинг “Туркистон миллий адабиёти ва адиблар фожиасига доир” (1935), “Туркистонда туркчилик ва халқчилик. I ва II бўлимлар” (Истанбул, 1951; 1954), “Туркистонда миллатлар масаласи чўзилганими?” (1971) сингари асарларида ўлкадаги жаҳидчилик ҳаракати миллий озодлик кураши, Фитрат эса унинг раҳбарларидан бири сифатида тилга олинади. (М.З.)

<sup>40</sup> Иброҳим Ёрқиннинг “Туркистоннинг миллатчи (хурриятчи дейилмоқчи М.З.) шоири Чўлпон” (1970), “Туркистонли олим, адиб ва шоир Абдурауф Фитрат” (1975) каби мақолаларида адабиёт ва санъат масалалари ўрганилади. Жукмладан, Чўлпон ва Фитрат ижоди юксак баҳоланади. (М.З.)

<sup>41</sup> Ҳ.Болтабоев мазкур асарнинг Квинтин Ор томонидан инглиз тилига ўгирилган, 1988 йилда доктор Максим Родинсон сўзбошиси билан Калифорния университети томонидан чоп этилган варианты (“Ислоҳот ва Русия империяси: Ўрта Осиёда ислоҳот ва инқилоб”) дан фойдаланган.

нинг ўрганилиши кўлами ва илмий аҳамияти эсиҳатидан шунчалар диққатга сазоворки, ўзбек халқининг кейинги саксон йиллик ўзгаришларига сабаб бўлган воқеалар илдизларини олима чуқур текширади ҳамда ўз давридаёқ бу “ўзгариш”ларнинг оқибатларини кўриб улгурган Беҳбудий, Фитрат каби улкан олим ва адибларнинг ижодини фақат ислоҳотчи нуқтаи назаридан эмас, балки халқ ва миллатнинг келажagini кўра олган ҳамда миллатнинг бундай аянчли оқибатларига келмаслиги учун курашган миллат қаҳрамонлари назаридан келиб чиқиб ўрганади”<sup>42</sup>, деб юксак баҳолайди. Олим жадидчилик масалалари билан бир қаторда Фитрат фаолиятини ўрганган *А.Беннингсен, Л.Калкажсей, М.Бутино, Раковско-Хайстон, Й.Бензинг, Ж.Соупер, Адиб Холид сингари гарблик, шунингдек, Чигатой Кўчар, Эртўғрул Яман, Юсуф Авжи* сингари турк олимлари ҳақида ахборот типидаги маълумотларни келтиради.

Қолаверса, *биринчидан*, миллий истиклолнинг илк йиллари (1992) йилда ёзилган ушбу мақоладан кўзда тутилган мақсад ҳам кенг таҳлиллар эмас, балки тадқиқот ва мақолалар таснифини бериш, халқимизга ташвиқ ва тарғиб қилишдан иборат бўлган. *Иккинчидан*, олимнинг диққати Фитрат ва жадидчилик муаммосига қаратилган. *Учинчидан*, уларда Абдурауф Фитрат фаолияти ва ижодининг барча қирралари тўла қамраб олинмаган. *Тўртинчидан*, Х.Болтабоев кўлида барча манбалар тўла мавжуд бўлмаган.

Х.Болтабоев АҚШлик туркшунос олим проф. *Эдворт Олворт*нинг<sup>43</sup> фитратшуносликка доир изланишларини махсус ўрганади<sup>44</sup>. Зотан, олимнинг йигирмага яқин тадқиқотларида Фитрат йирик

<sup>42</sup> Болтабоев Х. Ўша жойда. Б. 233.

<sup>43</sup> Колумбия университети фахрий профессори, хориж ўзбекшуносларининг етакчиси ва раҳбари Эдворт Олворт қарийиб 70 йилдан бери ўзбек жадид адабиёти, маданияти, тарихи бўйича изланишлар олиб бормоқда. 2010 йилнинг апрел ойида АҚШ Колумбия университетига ўтказилган олимнинг муборак 90 йиллик юбилейи тантаналарида катнашиш бахти Марказий Осиёдан фақат бизгагина насиб қилган эди. Биз ушбу имкониятдан имкон қадар унумли фойдаланиб, унинг шогирдлари доктор Питер Синнот ва Артур Боннер жаноблари кўмагида у киши билан шахсан учрашиб суҳбатлашиб, исарларида акс этган ҳақиқатлар тўғрисидаги айрим эътирофларини ёзиб олишга муваффақ бўлдик. Бу ҳақда “XX аср ўзбек адбиётининг Америкада ўрганилиши” (Т.: Фан, 2011) китобимизнинг “Манзилян - олис, кўнгилга яқин” мақоласига қаранг. Б. 219-230.

<sup>44</sup> Болтабоев Х. Фитратнинг Америкалик дўсти. “Туркистон”, 1997 йил, 24 октябрь. Шунингдек, қаранг: Болтабоев Х. Фитрат ва жадидчилик. Тошкент: Алишер Навоий номидagi Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007. Б. 235-237.



олим ва адиб сифатида тилга олинган.<sup>45</sup> Хориж олимнинг “*Замонавий ўзбеклар: XIV асрдан ҳозиргача маданий тарих*” китоби, “*Бухороли Абдурауф Фитратнинг аргументлари*” мақоласини (Мазкур мақола кейинчалик алоҳида рисола ҳолида чоп этилиб, унга Фитрат асарлари библиографияси илова қилинган) таҳлилга тортади. Унинг Фитрат қаламига мансуб “*Мунозара*”, “*Ҳинд сайёҳи баёноти*” асарлари, “*Туркистон ва Бухорода ёш бухороликлар тарихининг қоронғи саҳифалари*” мақоласига бўлган муносабатини ойдинлаштиради. Ф.Хўжаев, С.Айний, М.Мухаммаджоновлар қаламига мансуб китобларнинг шўро давридаги нашрларида қисқартирилган қисмларини инглизчага таржима қилиб, хорижда нашр қилдириш сингари бир катор хайрли ишларини санаб ўтади. Ҳ.Болтабоев Эдворт Олворт шахсияти ва ижодини: “*адабиётимизнинг жаҳон миқёсида барқарор бўлиши*” да муносиб хизмати бор. Битикларига: “*миллатимизга бўлган чуқур ҳурмат сингган*”<sup>46</sup>, деб баҳолайди.

Проф. Ҳ.Болтабоев “*Япон олимнинг ўзбекча шижоати*”<sup>47</sup> номли мақоласида Токио давлат университети Туркшунослик маркази раҳбари профессор Хисао Коматсунинг<sup>48</sup> жаҳон туркшунослари эътиборига тушган “*Фитратнинг “Мунозара”си хусусида қайд-*

---

<sup>45</sup> Олворт Э. “Ўзбек адабий сиёсати” (Гаага, 1964), “Марказий Осиёда нашр ишлари ва миллатчилик” (Нью-Йорк, 1965), “Чор Марказий Осиёсида “миллат” гоёси” (Нью-Йорк, 1968), “Совет миллатчилигининг муаммолари” (Нью-Йорк, 1971), Совет Марказий Осиёсида миллий масала” (Нью-Йорк, 1973), “Совет Марказий Осиёсида этник гуруҳланишнинг ниҳояси” (Вашингтон, 1982), “Замонавий ўзбеклар: XIV асрдан ҳозиргача маданий тарих” (Колифорния, Станфорд университети, 1990), “Бухоролик Абдурауф Фитратнинг аргументлари” (Берлин, 2000), “Абдурауф Абдурахим ўғли Фитрат асарлари библиографияси” (2000) ва б.

<sup>46</sup> Болтабоев Ҳ. Фитратнинг Америкалик дўсти // Туркистон. 1997. 24 октябрь.

<sup>47</sup> Болтабоев Ҳ. Абдурауф Фитрат ва жадидчилик. Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007. Б. 238-242. Мақолада профессор Хисао Коматсунинг жаҳон туркшунослари эътиборига тушган “Фитратнинг “Мунозара”си хусусида қайдлар” (Анкара, 1981), “1911-1928 йилларда Бухоро зиёлилари ўртасида миллий фарқланишнинг тадрижи” (Токио, 1989) мақолалари ва “Марказий Осиё ихтилолчилари: Абдурауф Фитрат” (Токио, 1996) монографиясига асосий диққат қаратилган. Унинг илмий-ижодий услубига хос хусусиятни кўрсатиш мақсадида бошқа айрим тадқиқотлари ҳам эсга олинади.

<sup>48</sup> Хисао Коматсу ижоди адабиётшунослигимизда оз бўлса-да ўрганилган. Қаранг: Турдиев Ш. Фитрат жаҳон кезади. // Фан ва турмуш. 1991, 12 сон; Ўша муаллиф. Хисао Кўмитсу. Фитрат – буюк шахс // Туркистон”, 1992, 25 апрель; Болтабоев Ҳ. Хорижда фитратшунослик. // ЎзАС, 1992, 27 март; Ўша муаллиф. Мумтоз сўз қадр Т.: Адолат, 2004. Б.63-65; Ғаниев И. Фитрат ва фитратшунослик Т.: Фан, 2005. Б. 71 ва б.

лар” (Анқара, 1981), “1911-1928 йилларда Бухоро зиёлилари ўрта-сида миллий фарқланишининг тадрижи” (Токио, 1989) мақолалари ва “Марказий Осиё ихтилолчилари: Абдурауф Фитрат” (Токио, 1996) монографиясига асосий диққатини қаратади. Унинг илмий-ижодий услубига хос хусусиятни кўрсатиш мақсадида бошқа айрим тадқиқотлари ҳам эсга олинган.

Ўзбек олими Хисао Коматсу: “Хорижий фитратшунослар орасида энг изчил ва сермахсул олимлардан бири. Япон олимнинг ўзбек адаби ижодига бундай изчил ва чуқур ёндашиши бизнинг фитратшуносларимиз учун ҳам ўрнакдир”<sup>49</sup>, қабилда юксак баҳолайди. Зотан, Ҳ.Болтабоев япон профессори улуғ адиб ва аллома Фитрат шахсияти ва фаолиятига муносабатини Хисао Кўмитсунинг халқимиз ва унинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнига нисбатан эҳтиромни сифатида англайди.

Кўринадики, Ҳ.Болтабоевнинг хориж олимлари изланишлари натижаларига муносабатида хорижшунослик (адабиётшунослик) илгариги босқичларида кузатилган мафкуравий найзабозлик асоратлари умуман кўзга ташланмайди. Аксинча, имкон қадар аслиятга таяниш, самимий хайрихошлик ва илмий ҳақиқатга садоқат руҳи устувор мавқеда туради. Эътирофлар билан бир қаторда, айрим фактик чалкашлик ва қусурларга йўл қўйилгани сабаблари ҳам холисона кўрсатилади. Бу ҳол миллий истиқлол йилларида томонларнинг ўзаро бир-бирини англашларида эҳтиромли муносабат шаклланиб, тобора ривож топаётганлигини кўрсатади.

Фитратшунос олим проф. И.Ғаниевнинг “Хорижий фитратшуносликка бир назар”<sup>50</sup> мақоласида айтилиши соҳага дахлдор Ҳ.Болтабоев тадқиқотлари эслатишга ҳолда ундаги фикрлар такрорланмайди. Муаллиф асосан тўртта ижодкор: **Боймирза Ҳайит**, **Иброҳим Ёрқин**, **Элен Каррер**, **д’Энкос**, **Эдворт Олворт** асарларига тўхталади. **Боймирза Ҳайит**нинг “Туркистонда ўлдирилган турк шоирлари” (1971), “Туркистон XX асрда” (1956) китоблари мазмуни билан таништиради. Афсуски, жадидчилик ҳаракати тарихи ва Туркистонда ноҳақ қатл этилганлар қисмати ҳақидаги тарихий фактологияга бойлик унинг илмий қимматини белгилайди, деган биртомонлама хулоса чиқаради.

<sup>49</sup> Болтабоев Ҳ. Фитрат ва жадидчилик. Тошкент: Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти, 2007. Б.239.

<sup>50</sup> Ғаниев И. Хорижий фитратшуносликка бир назар. Қаранг, китобда: Ғаниев И. Фитрат ва фитратшунослик Т.: Фан, 2005. Б. 85-96.

Ваҳоланки, дастлабки асарда шўро ижтимоий ва мафкуравий-адабий сиёсати психологияси таҳлил этилган. Фитрат ижтимоий-сиёсий фаолияти кўламини кўрсатиш ва адабий ҳаётдаги ўрнини белгилаш, асарларини Чўлпон, Ҳамза, А.Қодирий, С.Айний, Элбек, Ботулар ижоди билан қиёсий-типологик асосда ўрганишга ҳаракат қилинган. Кейинги асарда эса Фитрат ижоди жадидчилик ҳаракати билан узвий алоқадорликда ўрганилади.

Назаримизда, И.Ғаниев Б.Ҳайит фикр-қарашларини тасдиқлаш ва маъқуллаш йўлидан боради. Бу ҳол мустақил муносабат асосидаги батафсил таҳлилларга имкон бермайди. Шунга қарамадан, Б.Ҳайит жадидчилик ҳаракати ва Фитрат фаолиятини чуқур ўрганиши, шоир шеърларига хос образлар тийнатиши инкишоф этиши, драмалари моҳияти, фалсафий-адабий аҳамиятини тўғри тушуниши билан боғлиқ айрим таҳлилий хулосаю фактик қайдлар фитратшунослик 2000 йиллардаги равнақи учун муайян қиммат касб этди.

*Иброҳим Ёрқин* Фитратнинг бутун фаолиятига разм солган эсада, кўпроқ муаммонинг ижтимоий-сиёсий жиҳатига боғлиқ фактлар устида тўхталганлиги масаласида биз И.Ғаниев фикрларига қўшилаемиз. Зотан, И.Ёрқин Фитрат драмалари хусусида тўхталганида ҳам, ҳаётий воқелик бадий тажассуми, яъни ижтимоий-сиёсий ғоялар ифодасига эътибор қаратади<sup>51</sup>.

Тадқиқотчи француз олими *Элен Каррер, д'Энкос*нинг *“Ислому ва рус империяси: Ўрта Осиёда ислоҳот ва инқилоб”* (Лондон, 1938) китобини таҳлилга тортади. Бу гал ҳам асарнинг тарихий фактларга бениҳоя бойлиги ҳақидаги ахбороту қайдлардан нарига ўтилмайди. Таассуфки, *Э.Олворт* ўз асарларида Туркистон тарихи, умуммаданиятини ёритгани, Фитрат ҳаёти ва ижодига тўхталгани ҳақидаги фикрлар ҳам шунчаки қайдлар холос. И.Ғаниев олимнинг *“Ўзбек адабий сиёсати”* (1964), *“Чор Ўрта Осиёсида миллат зояси”* (1964), *“Чор Ўрта Осиёсида миллий масала”* (1973), *“Замонавий ўзбеклар”* (1990) сингари китобларини келтирса ҳам, ушбу санокдаги илк асар шарҳи, унга асос бўлган манбаларни санаш билан чекланади.

Демак, И.Ғаниев келтирган хориждаги фитратшунослик ҳақидаги хабар, ахборот ва эътирофлар миллату Ватан тақдирига қай-

---

<sup>51</sup> Қаранг: Ёрқин И. Туркистоннинг жадидчи олими, ёзувчи ва шоири Абдурауф Фитрат. “Турк маданияти”, 1975, 1-3 қўшма сонлар, Б. 183-188.

фурган, шу йўлда курашиб қатағонга учраган улуг аллома ҳақидаги тасаввуримизни янада бойитиши, соҳа мутахассислари эътиборини тортишни кўзлаши жиҳатидан муайян қиммат касб этади.

Мустақиллик даври ўзбек адабиётшунослиги хорижшунослик йўсинида фитратшунослик билан бир қаторда қодирийшунослик муаммоси ҳам муайян даражада ўрганилди. Бу борада адабиётшунос олим Б.Каримов изланишлари айниқса диққатга лойиқдир. Унинг *“Хорижда қодирийшунослик”*<sup>52</sup> номли тадқиқотида муҳожиротдаги туркий миллат вакиллари, шунингдек Ғарб ва АҚШ олимлари: *Азимзода, Боймирза Ҳайит, Эдворт Олворт, Ниота Тун, Эден Наби, Христофор Мурфи, Рудольф Радлер, Ингеборг Балдауф, Зигред Клайнмихел* изланишларига муносабат билдирилади.

Б.Каримов хориж олимларининг айрим кузатишларидаги ўзбек адабиётшунослигидаги мавжуд қарашларга ҳамоҳанг ва кўпинча, тубдан фарқ қилувчи жиҳатларга эътибор қаратади. Тадқиқот асносида қиёсий методга кенг мурожаат қилиб, ўхшаш ҳамда фарқли жиҳатларни келтириб чиқарган омилларни аниқлаб, муайян илмий хулоса ва умумлашмалар чиқаради. Зотан, айна муаммо бўйича қиёслаб ўрганишга арзийдиган объектлар доираси бениҳоя кенг. Аммо, мақола мақсад-мундарижаси, муаллиф илмий-ижодий ниятига кўра, унда тарихий шахс ва адабий ҳодисага миллий ҳамда хорижий муносабат масаласи доминантлик қилади. Тарихий-типологик (тарихий-минтақавий) қиёс эса кўламдор назарий умумлашмалар сари йўл очади.

Маълумки, собиқ шўролар даврида юзага келган турли мақола ва хотира, эътироф ҳамда иқдорларда ўзбек романчилигини юзага келтирган А.Қодирий сиймоси, унинг хизматлари гоҳ эътироф этилар, гоҳида эса инкор қилинади. Адабий алоқаларни ўрганган марҳум адабиётшунос олим Р.Иноғомов, ўзбек романчилиги тарихи ва тадрижини монографик йўсинда тадқиқ этган устоз С.Мирвалиев изланишларида масаланинг ушбу жиҳатлари ўрганилган<sup>53</sup>. Жумладан, татар олими З.Башир ва қозоқ адиби М.Авезов мулоҳазаларида ахборот ҳамда эътироф руҳи ёрқин кўзга

<sup>52</sup> Каримов Б. Хорижда қодирийшунослик. Абдулла Қодирий: танқид, таҳлил ва талқин. Тошкент: Фан, 2006. Б. 203-220.

<sup>53</sup> Бу ҳақда қаранг: Иноғомов Р. Қодирий жаҳон кезади // Шарқ юлдузи., 1994, № 34; Мирвалиев С. Ўзбек романи. Т., 1969.

ташланади. Ўтган асрнинг 60-йиллардан кейин шўро адабиётшунослигида юзага келган “*нисбий эркинлик*”дан сўнг асосан, А.Қодирий новаторлиги ва устозлигини улуғловчи фикрлар илгари сурилган. Хориж адабиётшунослигидаги талқинлар эса бирқадар “ўзгача” эканлиги жиҳатидан диққатга лойиқдир. Б.Каримовнинг сўз юритилаётган тадқиқоти илмий жамоатчиликда бу хусусда муайян тасаввурлар пайдо қилиши жиҳатидан эътиборлидир.

Жумладан, “*Ёш туркистон*” (Юқорида эслатилганидек, Парижда чоп этиладиган бу журналга Мустафо Чўқай муҳаррирлик қилган – М.З.) саҳифаларида Азимзода<sup>54</sup>, Ўктой<sup>55</sup>, Берлинда нашр этилган “*Миллий адабиёт*” мажмуасида эса Қ.Исроилжон<sup>56</sup> мақолалари чоп этилган. *Азимзода* чиқишларида Қодирий “*бўлшавикларга сотилгон*”, Боту уларнинг “*ишончли хизматчи*”си, Миртемир эса “*малайи*”га чиқарилади. Агар диққат қилинса, 1930 йиллардаги хуруж муаллифлари адибнинг яқин ўтмишга нисбатан танқидий муносабатини “*миллат ва миллият туйғусига хилоф ва большевиклар манфаатига мос*”лиги учун танқидга гирифтор этишган. Б.Карим айни ҳолни Сотти Хусайн ва Миён Бузрук Солиҳовларнинг “*миллатчи, майда буржуачи*” сингари талқинлари билан қиёслайди. 1930 йиллар шўро матбуоти, аниқроқ айтганда мафкуравий сиёсати А.Қодирий ва унинг романларини маъқулламаган. Хориж матбуоти эса, адибни большевой манфаатларини ёқлаганликда айбситган. Бу шаклан икки хил типдаги ҳодисадай кўринса ҳам, аслида ҳар иккала инкор теран илмий-эстетик талқинларга асосланмасди. Демак, тарихий ва бадиий ҳақиқат ҳақида етарлича тасаввурга эга бўлмаган, матндан ташқарида фикрлаб А.Қодирийни “*хиёнатчи ва сотқин*”га чиқарган оппонентларнинг чиқишларида бирёқлама қуруқ иддао ва асоссиз танқидий хуруж руҳи ёрқин кўзга ташланади.

Ўтган аср 60-йилларига келиб, шўролар тасарруфида бўлган республикаларда қатоғон қурбонлари оқланди. Улар ҳақида бирқадар илиқроқ фикрлар билдирила бошланди. Айни шу ҳол хорижда А.Қодирийга бўлган муносабатга ҳам муайян таъсир этган кўринади. Жумладан, *Б.Ҳайит*нинг адиб ҳаёти ва ижоди хусусидаги

<sup>54</sup> Азимзода. Ўткан кунларимиз // Ёш Туркистон., 1931, № 18.

<sup>55</sup> Ўктой. Туркистон адиблари вазифаси // Ёш Туркистон. 1937, № 95.

<sup>56</sup> Исроилжон Қ. Туркистон ёзувчилари ҳақида бир неча сўз // Миллий Туркистон. 1942. № 11.

умумий хулосаларида<sup>57</sup> Россия Туркистонни ўзига “қўшиб” эмас, балки “босиб олган” лиги қайд этилади. У А.Қодирий ва унинг романлари хусусидаги на шўролар бирлигидаги, на Европача талқинлардан қаноат туймайди. “Ўткан кунлар”нинг турли нашрларини қиёслар экан, “таҳрир” қилинган ва қисқартирилган ўринларни кўрсатиб ўтади. Б.Карим тўғри таъкидлаганидай, Б.Ҳайит қарашлари ўз даврига хос адабий-мафкуравий моҳият касб этса-да, хориждаги эркин фикрлаш имконидан ҳам дарак беради. Ўзбек қодирийшунос олими ёзади: “XX аср жамиятида бир бирига муҳолиф бўлган икки лагерь идеологлари битта адабий тарихий воқеликка икки хил назар билан қаради. Ҳаявий кураш майдонида бу идеологлар мурасага кела олмайдиган масалалар бор эди. Рус босқинчиларига, жаҳидларга, Чўлпон, Фитрат ва шу жумладан Қодирийга муносабат шу доирага қиради.”<sup>58</sup>

Б.Каримов Э.Олвортнинг “Ўзбек адабий сиёсати” (Лондон-Париж, 1964) китобини “Мафкуравий сиёсий адабиётшунослик намунаси” деб баҳоласа-да, унинг қатор тўғри қарашлардан холи эмаслигини ҳам эътироф этади. Умуман олганда, Б.Каримов Э.Олвортни “муҳолиф лагерь идеологи” санайди: “...адабиётшуносликнинг бундай ўзак масаласи бу тип олимлар зиммасига тушмас ҳам эди”, деб ёзганидан англашиладики, у Э.Олворт чиқишларида Қодирий асарлари махсус талқин қилинмаслигини табиий ҳол деб билган.

Б.Каримов таъкидлашича, Германия (ўша пайтдаги ГДР – М.З.) лик адабиётшунос **Ниота Тун**<sup>59</sup> қарашлари собиқ иттифок адабиётшунослигидаги фикр-мулоҳазаларга ҳамоҳанг бўлиши табиий эди. Дарҳақиқат, 1960-йилларда Москвадан бошқарилган дасти узун шўровий сиёсат ГДР ижтимоий-сиёсий, адабий-мафкуравий ҳаёти, хусусан Ниота Тун ижодий тафаккурини ҳам ўз исқанджасида тутиб тургани айни ҳақиқатдир. Чунки, талқин табиати ҳамиша ҳам тарихий муҳит билан чеклангандир.

<sup>57</sup> Боймирза Ҳайит. Туркистон янги адабиётида икки сиймо: Қодирий ва Чўлпон. // Миллий Туркистон. 1964, № 11. Б. 22-26.

<sup>58</sup> Каримов Б. Ўша жойда. Б. 207.

<sup>59</sup> **Ниота Тун** – 1968 йилда немис тилида нашр этилган “Тошентлик севишганлар” (“Ўткан кунлар”нинг рус тили орқали ўғирилган варианты) га Сўнгсўз битган Олмониялик олим.

Ўзбек қодирийшуноси Б.Карим Э.Олвортнинг шоғирди *Эден Наби* докторлик диссертацияси<sup>60</sup> нинг “*Маданий анъаналарнинг таъсири*” номли иккинчи бобига тўхталар экан, ишни: “*анча фактларга бой ва ҳолис ёзилган*”<sup>61</sup>, деб баҳолайди.

Дарҳақиқат, Эден Наби С.Айний ва А.Қодирий таълим ва таҳсили, асарлари моҳиятини қиёслаш асносида, ўзбек адаби романлари “*тарихий роман элементларини кўрсатишига анча яқинлашиши*” жиҳатидан С.Айний асарларидан устун туришини эътироф этади. “*Ўткан кунлар*” ва “*Меҳробдан чаён*” нинг Ғарб романчилигидан фарқланишини тўғри англайди. У А.Қодирий реализмини хотин-қизлар образини ҳис-туйғулари, ички ва ташқи дунёси билан ёрқин тасвирлашда кўради. Хусусан, А.Қодирийнинг Зайнаб ҳолат-этиробларини таҳлил ва талқин этишдаги мелодрамалардан фарқли ўларок, образга зуғум ўтказмаслик инсонпарвар ҳамда реалистик позициясини ёқлайди. “*Меҳробдан чаён*”, “*Қалвак маҳзумнинг хотира дафтаридан*” асарлари тилига хос жозиба, шўро сиёсатига ҳолис муносабат билдириш сингари ғоявий-бадий хусусиятларини қадрлайди.

Б.Карим тўғри кузатганидек, Эден Наби тадқиқотида нафақат ўз устози Э.Олворт, балки Ҳ.Қодирий, Ғ.Ғулом, Ҳ.Олимжон, И.Султон, В.Зоҳидов, Л.Қаюмов, У.Норматов, С.Мирвалиев, Н.Владимирова, Р.Иноғомов сингари ўзбек шоиру олимлари ижод намуналарига ҳам фаол мурожаат қилинади. Бинобарин, ўзбек хорижшунослигида Э.Наби тадқиқотининг қиёсий услуби эътироф этилиши бежиз эмас. Б.Карим Э.Наби тадқиқоти: “*обзор характерига эга*”, деган фикрга келар экан, бу борада Хайрулла Исмагуллаев қарашларига эргашади<sup>62</sup>.

Б.Каримов *Христофор Мурфи* докторлик диссертацияси<sup>63</sup> хусусида ҳам фикр юртади. У диссертациянинг таркибий тузилиши,

<sup>60</sup> *Эден Наби* – 1975 йилда АҚШнинг Колумбия университетида “Ўрта Осиёнинг ўтиш даври адабиёти: 1909 йилдан 1932 йилгача тожик ва ўзбек прозаси” мавзuida фалсафа фанлари доктори илмий даражасини олиш учун (14 боб, 240 саҳифа ҳажмида М.З.) диссертация ҳимоя қилган олима.

<sup>61</sup> Каримов Б. Ўша жойда. – Б. 209.

<sup>62</sup> Қаранг: Исмагулла Х. Абдулла Қодирий абадияти. “ЎЗАС”, 1994 йил, 14 октябрь, 11 ноябрь.

<sup>63</sup> *Христофор Мурфи* – 1980 йилда Вашингтон университетида “Абдулла Қодирий тарихий романларининг илк ўзбек адабий анъаналарига алоқаси” мавзuida докторлик диссертациясини ҳимоя қилган. Мазкур тадқиқот “Қириш” ва “Хулоса” қисмлари билан бирга 7 бобдан таркиб топган. (М.З.)

методологияси (структурал таҳлил М.З.), “Ўткан кунлар”нинг баён услуби ҳақидаги қарашларини ёритади.

Абдулла Қодирий “Ўткан кунлар” романинг “Ёзувчидан” номли муқаддимасида : “Модомики биз янги даврга оёқ қўйдик, бас, биз ҳар йўсинда ҳам шу янги даврнинг янгиликлари кетидан эргашамиз ва шунга ўхшаш дostonчилик, романчилик ва ҳикоячиликда ҳам янги асарлар яратишга, халқимизни шу замоннинг “Тоҳир ва Зухра”лари, “Чор дарвеш”лари, “Фарҳод ва Ширин” ва “Баҳромгўр”лари билан таништиришга ўзимизда мажбурият ҳис этамиз”<sup>64</sup>, деб ёзган эди. Кўринадики, муаллиф “Тоҳир ва Зухра”, “Чор дарвеш”, “Фарҳод ва Ширин” ва “Баҳромгўр” каби асарларни тилга олади. Гарчан романда мозийга қайтиб иш кўрилган, яъни энг сўнгги “хон замонлари” қаламга олинган бўлса ҳам, А.Қодирий янги типдаги асарларда “шу замон” (ўтган асрнинг йигирманчи йиллари назарда тутилмоқда – М.З.) қаҳрамонларини акс эттириш лозимлигини назарда тутди. Аммо, Христофор Мурфи адибнинг юкоридаги фикрини сал ўзгачароқ талқин этади. Натижада, романи халқимизнинг “Алтомши”, “Қунтуғмиш” қаҳрамонлик ва роман-ник эпослари, Навоийнинг “Лайли ва Мажнун”, “Фарҳод ва Ширин” дostonлари, “Маҳбул-қулуб” асари, Бобирнинг “Бобурнома” тарихий мемуари, шунингдек “Тоҳир ва Зухра” халқ китобига киёслайди. Бундай таққослаш асосида романинг баён услубида анъанавий ўзбек халқ ижоди ва мумтоз адабиёт дostonчилик ҳамда бадиий наср анъаналарига хос қирралар мавжуд деган фикрга келади.

У янги замон романчилиги мумтоз намунаси “Ўткан кунлар”ни халқ дostonлари услубидан кенг фойдаланиш асосида, “Меҳробдан чаён”ни эса, халқ дostonлари структурасидан узоқлашиш йўсинида битилган деб ҳисоблайди. Бу фикрни умуман инкор этмаган ҳолда, таъкидлаш ўринлики, хориж олимнинг “Ўткан кунлар”ни романдан ўзгачароқ асар сифатида баҳолашига қўшилиш қийин. Қолаверса, адиб романларида халқ донолигига хос ҳикматлар ва халқ кулгиси акс этганлиги миллий қодирийшунослик томонидан кашф этилган<sup>65</sup>. Б.Каримов унинг Туркистон халқи ўтган асрнинг

<sup>64</sup> Абдулла Қодирий. Ўткан кунлар. Роман. Тошкент: Ўқитувчи, 1980. Б. 3.

<sup>65</sup> Ушбу фактни барча қодирийшунослар изланишларида кузатиш мумкинлигини таъкидлаган ҳолда битта манба билангина чекланамиз. (М.З.) Қаранг: Собиров О. Сарчашма адиб ижодида. Т., 1975. Б.68.



10-20-йилларида тўрт фоиз саводли эди. Қодирий романлари илгари халқ оғзаки ижодига мутлақо қиёсланмаган эди, қабилидаги фикрларини инкор этади. Зотан, Х.Мурфининг мазкур мулоҳазалари қисман шўро матбуотига эргашиш, қисман эса ўзбек қодирийшунослигида мавжуд материаллар билан етарлича танишмаслик асосида илгари сурилган.

Б.Каримов ҳақли тарзда мазкур тадқиқот структурал методга асосланиши, қаҳрамонлар характери махсус жадвалларда акс этирилиши, сюжет ривожини таснифланиши сингари жиҳатларини: “*бизнинг адабиётшунослигимизда кўрилмаган йўл*” сифатида қадрлайди. Х.Мурфи томонидан илгари сурилган ҳар иккала роман қаҳрамонлари исмига рамзий маъно юклатилганлиги, адиб замон ва макон реаллигида новаторликка эришганлиги билан боғлиқ фикрларини маъқуллайди.

Бизнингча, Х.Мурфи тадқиқоти Абдулла Қодирий сиймоси ва қодирийшуносликни хорижда танитишни кўзлаши жиҳатидан Ойбек, И.Султон, Ҳ.Қодирий асарларида билдирилган фикр-қарашларни шарҳлаш билан чекланилган ўринлардан ҳам холи эмас. Муҳими, унда А.Қодирий романларида исмлар талқинида рамзийликдан ташқари, сюжет ва конфликт, поэтик тил муаммолари ҳам қисман ўрганилган.

Христофор Мурфининг “*Абдулла Қодирий ва большевиклар. Ислоҳотдан инқилобгача*”<sup>66</sup> мақоласига муносабат билдирган Б.Каримов уларда А.Қодирий ижтимоий қарашлари ўрганилганлигини тўғри таъкидлайди. Бироқ хориж олимнинг Қодирий қарашларини ислоҳотчиликдан холи, инқилобий руҳга эга деб яхлит тарзда баҳолашига қўшилиш қийин. Зотан, жадидчилик ижтимоий-маърифий ҳаракатининг ўзи маърифатчилик, ислоҳотчиликдан миллий давлатчилик асосларини бунёд этишгача тараққий қилиб борган. Бинобарин, А.Қодирий ҳам жамиятни ўрта асрчилик иллатлари, хурофот, маданий қолоқлик ва мустамлака зулмидан озод этиш, халқимизни замонавий тараққиёт йўлига олиб чиқишни кўзлаганди.

Умуман олганда, Б.Каримов Христофор Мурфи тадқиқотларини: “*қодирийшуносликда мавжуд ишларни тўлдирувчи ва айна*

---

<sup>66</sup>Христофор Мурфи. Қаранг: “Ўрта Осиё мусулмонлари. Ўзликнинг ифодаланиши ва ўзгаришлар” тўплами, 1992.

чоғда, тадқиқот услубидаги оригиналлик билан фарқланиб турувчи муҳим иш”<sup>67</sup> сифатида ижобий баҳолайди.

Гумбольд университети профессори *Ингеборг Балдауф* қаламига мансуб “*Ҳақиқат ахтариб*”<sup>68</sup> (Бамберг. Отто Фредрич университети, 1990) номли мақолани таҳлилга тортган Б.Каримов олима А.Қодирий тақдиридан яхши бохабарлигига диққат қаратади. Шунинг учун ҳам, “*Шубҳа*” ҳикоясида “*шубҳа*” характер табиатида кузатилади. Қолаверса, адибнинг шўро адабиёти методига ишончсизлик билан қараганлигини ҳам англатади, деган қарашларини маъқуллайди. Б.Каримов Балдауф хоним проф. У. Норматовнинг “*Обид кетмон ҳақиқати*”<sup>69</sup> мақоласига ҳам ўз изланишларидаги илмий фалсафий мезон<sup>70</sup> билан ёндашган. Олиманинг Қодирий ўз қаҳрамонлари синфий жиҳатдан табақаларга ажратмай, инсоф, иймон эътиқод тарозисида ўлчаганлиги фикрига қўшилган олим, У.Норматов қисса фазилятларини янгича шароитдаги янгича талқинларда кўрган, дея эътироз билдиради. Бизнингча, айнан шундай бўлганида ҳам, И.Балдауф томонидан илгари сурилган “ҳақиқат” эврилувчанлиги ҳақидаги концепция ўз тасдиғини топади. Б.Каримов мақола мақсадидан келиб чиқиб, унинг қодирий-шунослик ҳақидаги қарашларигагина муносабат билдиради. Назаримизда, Балдауф хонимнинг Бехбудий, Фитрат, Ҳамза, Чўлпон, Ш.Сулаймон каби шоиру адиблар ҳақидаги мулоҳазаларини кузатиш ҳам адабиётшунослигимизда мавжуд қарашларни муайян даражада тўлдиришга хизмат қилган бўларди.

Б.Каримов *Зигрид Клайнмихел* хонимнинг айрим тадқиқотларини<sup>71</sup> ҳам кузатади. Олима китобининг “*Туркистон ҳаётидан Абдулла Қодирийнинг икки романи*” бўлимини таҳлилга тортар экан, С.Хусайн ва Ойбек тадқиқотларига мурожаат қилинганлиги фактига диққат қаратади.

<sup>67</sup> Каримов Б. Ўша жойда. Б. 214.

<sup>68</sup> Ингеборг Балдауф. Ҳақиқат ахтариб. (Таржимон Йўлдош Парда) // Миллий тикланиш” газетаси, 1998 йил, 20-27 октябрь. (қискартирилган нусха. М.3.)

<sup>69</sup> Норматов У. Обид кетмон ҳақиқати. // ЎзАС. 1989. ноябрь.

<sup>70</sup> *Изоҳ*: Ингеборг Балдауфга кўра “ҳақиқат” эврилувчандир. У ҳар бир даврда турлича моҳият ташийди. Бинобарин, ҳар замоннинг ўз ҳақиқати мавжуд. Қодирий учун ҳақиқат “очиқ сўзлаш”дан иборатдир (М.3.)

<sup>71</sup> Зигрид Клайнмихел. Шаркона ёзиш анъанасининг ривожланиши. 1910-1934 йиллар ўзбек драмаси ва насрий асарлар тадқиқи. Будапешт, 1993. (279 б.)

Дарҳақиқат, *Зигрид Клайнмихел* бу иккала олим адабий илмий концепциясини белгилашга уринган. А.Қодирийнинг ҳар иккала романини ёнма ён уйғунликда қиёсий талқин этган, ўрни-ўрни билан халқ оғзаки ижодига таққослаб борганди. У Уста Олим ва Анвар образлари ижтимоий келиб чиқиши (етимлиги назарда тутилмоқда М.З) жиҳатидан анъанавий характерга эга эканлигини кузатган. Отабек образида мумтоз Шарқ шеърлятига хос ошиқона сифатларни кўрган, Юсуфбек Хожи ва Отабек муносабатларида халқ адабиёти ва классик дostonчилик анъаналарию Жўржи Зайдонда учрамайдиган хусусиятлар мавжудлигини илғаганди. Романлар ечимига тўхталиш асносида, “*Ўткан кунлар*” ва “*Меҳробдан чаён*” романларида икки ечимлик: ҳам халқ эртақларига хос, ҳам реалистик жиҳатлар мавжудлигини кузатган эди.

Б.Карим Зигрид Клайнмихел хонимнинг юқоридаги каби эътиборли қарашларини эътироф этади. Унинг 1930-1980 йиллар ўзбек қодирийшунослиги, хусусан С.Хусайн, Ойбек, И.Султон, М.Кўшжонов, И.Мирзаев, А.Алиев тадқиқотлари рационал мағзидан баракали фойдаланганлиги, баъзан эса баҳс- мунозарага киришганлигини ижобий ҳол сифатида баҳолайди.

Зигрид Клайнмихел қаламига мансуб яна бир манба “*Ёзувчи Абдулла Қодирийнинг Ўзбекистон маънавий ва маданий ҳаётидаги ўрни*”<sup>72</sup> асарида А.Қодирий ҳаёти ва ижоди И.Султоннинг “*Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар”и пьесаси*” (1988), Ҳ.Қодирийнинг “*Қодирийнинг сўнги кунлари*”<sup>73</sup> хотира-қиссаси эслатилади. Адиб таржимаи ҳолига оид маълумотлар архив ҳужжатлари асосида ёзилган манбаларга эътибор қаратилади. Б.Каримов бу каби маълумотларни кенг жамоатчиликка етказишни хайрли иш деб билади. Зотан, хориждаги тадқиқотлар билан танишув адиб ҳақидаги фикрлашув майдонини янада кенгайтиради. Шу маънода, биз Б.Каримовнинг: “*Хориждаги олимларнинг бу хизматлари ўзбек адабиётини, хусусан, Абдулла Қодирий ижодини дунё адабий жамоатчилигига таништиришда катта аҳамият касб этади,*”<sup>74</sup> деган хулосасига қўшиламиз.

<sup>72</sup> Зигрид Клайнмихел. Бомберг илмий анжуманида ўқилган маъруза матни, Берлин, 1994.Б. 153-168.

<sup>73</sup> Қодирий Ҳ. Қодирийнинг сўнги кунлари. // Ёшлик. 1989, № 4-7.

<sup>74</sup> Каримов Б. Ўша жойда. Б.220.

Мустақиллик даври ўзбек адабиётшунослигида “хорижшунослик” мавзуси фитратшунослик ва қодирийшунослик билангина чекланмайди. Агар биз Тоҳир Қаҳҳор изланишларини кузатсак, бунга тўла амин бўламиз. Олим ўзининг мақолалари, рисола ва номзодлик диссертациясида<sup>75</sup> 1920-1930 йиллар ўзбек адабиётининг Туркияда ўрганилиши муаммоси монографик йўсинда тадқиқ этди. Шунингдек, ўзбек адабиётини Туркияда тарғиб қилди.

Хусусан, диссертацияда миллий истиқлол ғоялари *Чўлпон*, *Фитрат*, *Элбеклар* ижоди мисолида ёритилади. Унинг тадқиқоти Кириш, Хулоса, Фойдаланилган адабиётлар рўйхати сингари анъанавий бўлимлардан ташқари мустақил уч бобдан иборат. Дастлабки боб 1927-1960; иккинчи боб 1961-1990; сўнги боб эса 1990-2000 йилларда ўзбек адабиётининг Туркияда ўрганилиш тарихини қамраб олади.

Иш ижоддаги миллий руҳнинг бадий-ижтимоий талқинларини очишга ва уни миллий мафкура билан боғлашга йўналтирилган. Олим илмий тадқиқотга кўплаб турк нашрларини жалб қилган<sup>76</sup>. Мавжуд манбалар билан имкон қадар холис танишган Т.Қаҳҳор қиёсий-типологик методдан баракали фойдаланиб зарур хулосалар чиқаради. Хусусан, Хусайн Ўзбойнинг “*Чўлпон шеърлари*” китобини ўзбек чўлпоншуносларидан В.Маҳмуд, А.Саъдий, О.Шарафиддинов, Н. Каримов шунингдек хорижлик Темир Хўжа ўғли ва Эдворт Олворт қарашлари билан таққослайди. Демак, олим

<sup>75</sup> Қаҳҳоров Т.Ю. (Тоҳир Қаҳҳор). Хур Туркистон учун. Т.: Чўлпон., 1994; Шу муаллиф. Буюк хуррият шоири. // ЎзАС. 1990. 23 март; Шу муаллиф. Туркия - хур турклар диёри. // ЎзАС. 1990. 1 ноябрь; Шу муаллиф. Таслим бўлмаган миллат. // ЎзАС. 1992. 10 январь ва б.; Таъкидлаш ўринлики, Тоҳир Қаҳҳор туркиялик ноширлар томонидан нашр қилинган “Туркий адабиётлар антологияси” 34 жилдигининг ўзбек адабиётига бағишланган уч жилди (14-жилд 448 бет; 15-жилд 448 бет, 16-жилд эса 464 бет ҳажмида - М.З.) ни тайёрлаган. Китоблар энг қадимги даврдан бугунгача бўлган адабиётимизни кенг акс эттиради. Уларда 200 дан ортиқ ижодкор ҳақидаги маълумотлар жамланган. Бу китоблар 2000 йилда Анқарада нашр этилган. Ниҳоят, у 2004 йилда ўз изланишларини жамлаб, филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун «20- 30- йиллар ўзбек адабиётининг Туркияда ўрганилиши» мавзуида диссертация ҳимоя қилди. (М.З.)

<sup>76</sup> “Йени Туркистан”, “Еш Туркистон”, “Турк тили” журналлари; Заки Валидийнинг Бугунги Туркестан Туркистон ва яқин тарихи (Истанбул, 1981), “Хотиралар” (Анқара, 1999), Т.Чигатойнинг “Туркистонда туркчилик ва халқчилик” (Истанбул, 1954), В.М.Хўжатуркнинг “Турк адабиёти тарихи” (Анқара, 1964), Б.Хайитнинг “Туркистонда ўлдирилган туркий шоирлар” (Анқара, 1971), А.Ш.Туроннинг “Туркистон библиографияси” (Анқара, 1979, 10), Насратдин ўғлининг “Замонавий ўзбек шеърини антологияси” (Анқара, 1988), Х.Ўзбойнинг “Чўлпоннинг шеърини” (Анқара, 1993) ва б.

икки ўлкада ўз замонида ёзилган китоблар, мавжуд қарашлар билан кифояланмайди. Ҳар бир ижодкор шахсияти ва меросига тарихий нуқтаи назардан баҳо беради. Айни муаммо тадқиқининг илгариги босқичларида ҳар икки ўлкада юзага келган айрим изланишларга хос ё мақтовга, ё қоралашга берилиб кетишдек тенденциоз ҳолатлардан сақланади.

Умуман, диссертацияда 1920 йиллар шеъриятидаги муҳим мавзулар, истиқлол учун кураш, миллий давлат қуриш ва озодлик орзуларини кўрсатиш ўша даврнинг ижтимоий қиёфасини очишга, бугунги мустақиллик қадрини янада теранроқ англашга ёрдам берибгина қолмай, изланувчиларни бу йўлга йўналтиради. Монографик изланишда *Т.Хўжаёгли, У.Хўжаёгли, Н.Аҳмад, М.Чўқай, З.Валидий, М.Ўқой, В.Тўзон, Т.Чизатой, И.Ёрқин, Ҳ.Ўзбой, А.Ҳамид, Т.Фикрат, М.Эмин, В.М.Кўжасатурк, Б.Ҳайит, Ш.Турон, И.У. Нусраттинўгли, А.Б.Эржисласун, К.Эраслан, Н.Кўсўгли, С.Турал, М.Жоннўлат, Ё.Оқиннар, Ч.Қўчар, Б.Ўроқ, Ш.Қорақош, Ю.Авжси, Р.Тўнарли, Ф.Ўзўндар, Р.Ўзтурк, Ў.Ўзегин, Э.Йаман, Ф.Соғлом, Ф.Қирбашиўгли, О.Ўз, М.Ача, А.Туймас, Ҳ.Барган* сингари ўнлаб муҳаррир, шоир ва таржимон, тадқиқотчи олимлар номи келтирилади. Уларнинг ўзбек адабиётини Туркияда тарғиб этиши шунчаки таъкидланмайди. Балки айрим изланишларга хос ютуқ ва нуқсонлар ҳам кўрсатилади. Жумладан, *Васфи Моҳир Кўжасатурк, Боймирза Ҳайит, Ҳусайн Ўзбой, Тоҳир Чизатой* сингари олимлар ижоди нисбатан кенгрок ўрганилади.

Хуллас, Т.Қаҳҳор мавзу тадқиқида сўнги саксон йилда Туркия ва Ўзбекистонда яратилган тадқиқот ва манбаларга таяниб иш кўрган. Муаммо адабий жараён аспектида қиёсий йўсинда ўрганилган. Бадиий асарларнинг сиёсий-тарихий жиҳатигагина эмас, балки поэтик жилваларига ҳам эътибор қаратилган. Жумладан шеърӣ тафаккур, шоир мушоҳада тарзи, мураккаб мажозлар қўллаш маҳорати, ижодкор шахси ва дунёқарашининг ижтимоий муҳит билан боғлиқлиги, адабий ташкилотлар, адабий таъсир, миллий адабиёт-шунослик тарихини ўрганиш сингари талай назарий ва амалий масалалар ҳақидаги таклиф ва истаклар илгари сурилган. Бу ҳол Туркиядаги тадқиқотчиларнинг Чўлпон, Фитрат, Элбеклар ижоди билан чамбарчас боғлиқ хизматлари истиқлол йилларида ижтимоий-адабий қиммати нуқтаи назаридан ҳолис ўрганилаётганлигини кўрсатади.

Шермурод Субҳоннинг *“Шеърят иқлими”*<sup>77</sup> рисоласида янги аср бўсағасида ўзгараётган ўзбек шеърятининг: Фахриёр, Баҳром Рўзимухаммад, Гўзал Бегим, Даврон Ражаб, Дилрабо Мингбоева сингари вакиллари ижоди Ғарб, хусусан турк замонавий поэзияси тадқиқотчиларидан бири **Аҳмад Қобиқли** назарий қарашлари ва услубига хос йўсинда ўрганилади. Турк модерн шеърятига хос хусусиятлар тадқиқ этилиб, унинг Тўғрул Танёл, Муротхон Мунган, Анвар Эржан, Кичик Искандар, Рафиқ Дурбош, Сунай Оқин, Ойдин Ўзтурк каби вакиллари ижодидан таржималар берилди. Бу ҳол ўзбек хорижшунослиги назарий ва амалий аспектда ривожланаётганлигини кўрсатади.

Абусаид Абдуллаевнинг *“XX аср Афғонистон ўзбек адабиёти”* (Т., 2003) ўқув қўлланмасида ҳозирги Афғонистон ўзбек шеърятига хос хусусиятлар талқин қилинади. Шарафиддин Шараф, Муқимий Андхўйи, Устод Курбат, Эргаш Учқун, Ашраф Азимий, Тошқин Баҳойи сингари жами ўттиз учта шоир ижоди ҳақидаги мухтасар маълумотлар ва улар ижодидан намуналар берилди. Бу ҳол хорижшунослик масалалари нафақат янгича ўзанда кенг ўрганилаётгани, балки таълим тизими турли босқичлари амалиётига ҳам дадил кириб бораётганини кўрсатади.

Кези келганда алоҳида таъкидлаш лозимки, хорижшунослик илгариги босқичларида кузатилмаган янги-янги шакллар пайдо бўлмоқда. Жумладан, ўзбек адабиётининг чет эллик тадқиқотчилари билан суҳбат-мулоқотлар уюштириш бунга мисол бўла олади. Бунга Б.Каримовнинг ўзбек адабиётининг Германиялик тадқиқотчиси Зигрид Клайнмихел ва бизнинг 2010 йилнинг апрелида америкалик ўзбекшунос олим **Эдворт Олворт** билан Нью Йоркда ва АҚШ Мичиган университети тадқиқотчиси **Рейчел Харрел**, билан **Нью Жерсида**, таржимон **Марк Риис** билан **Аризонада**, француз навойишунос олими **Марк Тоутант** билан Парижда ва ёш тадқиқотчи Кристофор Форт билан Тошкентда ўтказган суҳбатларимиз бунинг ёрқин далилидир<sup>78</sup>.

<sup>77</sup> Субҳон Ш. Шеърят иқлими. Тошкент: Зарқалам, 2005.

<sup>78</sup> Бу ҳақда қаранг: Мирзаева З. XX аср ўзбек адабиётининг Америкада ўрганилиши. Т.: Фан, 2011. Б. 219-241.

### Ш боб. XX АСР ЎЗБЕК АДАБИЁТИНИНГ ХОРИЖДА ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИГА ДОИР

Уч минг йиллик тарихга эга Марказий Осиё, хусусан, Туркистон замини турли даврларда ҳар хил мустабид ҳукмронлар таъсири остида қолиб, кескин тарихий эврилишларни бошидан кечирди. Жумладан, бир асрдан ортиқ давр мустамлакачилик сиёсатини юргизиб, сўнгги истибдод эгалари сифатида тарихда қолган шўролар империяси «*замонавийлаштириш, ижтимоий тенглик, интернационализм*» ниқоби остида маҳаллий халқни ўз ўтмишидан айириш, улар идрокида мутеъликни шакллантиришга астойдил ҳаракат қилди. Тоталитар тузум маданий қадриятлар ва миллий меросдан мосуво қилиш орқали миллатни манқуртлаштиришга интилди. Маҳаллий халқнинг асрий орзулари ҳамда жамият мафкурарий-сиёсий талаблари ўртасидаги кескин номутаносиблик халқ онгини уйғотибгина қолмай, ҳар хил кўламдаги миллий озодлик ҳаракатларини ҳам келтириб чиқарди. Ушбу миллий мужодалалар халқимиз ўз тақдирини белгилашида муҳим аҳамият касб этди.

Маълумки, муайян даврдаги сиёсий-ижтимоий вазият тақозоси сабаб амалда бўлган адабий-эстетик мезонлар ижодкорлар ғоявий-бадий мақсадининг туб негизларига ўз таъсирини ўтказмаслиги мумкин эмас эди. Шуниси эътиборга лойикки, XX асрнинг биринчи чорагида яратилган, ижтимоий-эстетик қарашлар мажмуидан иборат бўлган, 100 йиллик адабиётнинг энг курашчан ва сермахсул даври бўлмиш жадид адабиёти ўзбек мухожирлари биринчи авлодининг ҳам диққат марказида бўлди.

Америка Қўшма Штатларидаги машҳур Нью-Йорк миллий кутубхонаси (“New York National – Public Library”), Германиянинг Берлин шаҳридаги Марказий (Grimm Zentrum) ва Миллий (Staatsbibliothek zu Berlin) кутубхоналари архивида сақланаётган, XX аср ўзбек адабиётининг чет элдаги тадқиқига оид манбаларни яхлит ўрганиш натижасида ўткан асрда юртимизда содир бўлган ижтимоий-сиёсий ҳаётни ўрганишга бўлган интилиш хорижда 1925 йилдан бошлангани маълум бўлди. Усмон Хўжа ўғли, Мустафо Чўқай, Заки Валидий Тўғон, Тоҳир Шокир ўғли Чиғатой, Абдуваҳоб Исҳоқ ўғли Ўқтой каби миллатпарвар юртдошларимиз миллий адабиётимизнинг хориждаги илк тарғиботчилари эдилар.

Ўтган асрнинг 20-йилларида ўлкадага қатли ом сабаб Истанбулга келган Усмон Хўжаўгли 1927 йилдан бошлаб ўз фикрдоши Маждиддин Аҳмад билан бирга “Ени Туркистон” (“Янги Туркистон”) журналини чиқара бошлайди. “Янги Туркистон” (“Yeni Turkistan”) 1927-1929 йилларда араб, 1930-1932 йилларда лотин алифбосида нашр этилган.<sup>79</sup> Журнал саҳифаларидан Туркистондаги сиёсий-ижтимоий воқеаларга муносабат, мустамлакачиликка қарши кураш ғоялари акс этган мақолалар ва ўзбек жаҳид адабиёти вакилларининг озодлик кураши руҳида ёзилган ижтимоий-сиёсий шеърлари ўрин олган. Мана шундай кичик тадқиқотлардан бири Усмон Хўжа қаламига мансуб “Янги Туркистон”нинг 1927 йил 1-сонидан нашр этилган “Туркистонда турк адабиётининг мафкуравий таҳаввулларина умумий бир назар” номли мақоласи эди. Унда асосий эътибор Туркистондаги мафкура ва адабиёт масалалари таҳлилига қаратилган бўлиб, Чўлпоннинг “Халқ”, Зиёи камар” номли шеърлари мақолага илова шаклида илк бора нашр этилади. “Чўлпон шеърларининг Усмон Хўжа томонидан амалга оширилган бу наشري ҳамда унга билдирилган муносабат шоирнинг хорижий дунёда чоп этилган биринчи асари ва унга берилган илк юксак баҳо ҳисобланади”, деб ёзган эди Хайрулла Исмагуллаев.<sup>80</sup>

Туркистон озодлиги учун кураш ғояларини тарғиб қилиш, халқ ва озодлик курашчувлари ўртасида робита ўрнатишни мақсад қилган яна бир Туркистонлик муҳожир Мустафо Чўқай эди. У Париж яқинидаги кичик бир шаҳарчага келиб, оддий халқ тушуна оладиган тилда газета нашр этишни режа қилади. Шу мақсадда 1922 йили Тошкентдан Олмонияга ўқишга борган Тоҳир Шокир ўғли Чигатой ва Абдихаҳоб Исҳоқ ўғли Ўқтойларни ҳамкорлик қилишга таклиф этади. Шу тарзда 1922 йилдан 1939 йилга қадар Парижда “Ёш Туркистон” журналини нашрга тайёрлашади ва Берлиндаги босмаҳонада Тоҳир Шокир ўғли (Чигатой) бошчилигида чоп этишади. Х.Исмагуллаевнинг берган маълумотига кўра, журнал ходимлари ўзлари мақолалар, хабарлар ёзишади, босмаҳо-

<sup>79</sup> Бу ҳақда қаранг: Хайрулла Исмагулла. Чўлпон ва Жаҳон. Reform Movements and Revolutions in Turkistan: 1900-1924. ed. Timur Kocaoglu. Haarlem, 2001.P. 274 (Китоб турк ва инглиз тилларида, мақола ўзбек тилида)

<sup>80</sup> Хайрулла Исмагулла. Чўлпон ва Жаҳон. Reform Movements and Revolutions in Turkistan: 1900-1924. ed. Timur Kocaoglu. Haarlem, 2001.P. 229.



нада ҳарф теришади ҳамда чоп этилган журналларни Туркистон тақдири билан қизиқувчи Осиё, Европа, Африка ва Америка қитъасидаги илм аҳлига, кутубхоналарга тарқатишади.<sup>81</sup> Чўлпоннинг “Япроқлар” номли шеъри ҳам “Ёш Туркистон” журналининг 1929 йилдаги илк сонидан наشر этилади.

1942-1945 йилларда Туркистоннинг ижтимоий сиёсий ҳаётига оид навбатдаги газета яна “Янги Туркистон” номи билан наشر этилади. Бу газета Вали Қаюмхон ва Абил Завқий (Вали Зуннун) томонидан таҳрир этилиб, лотин алифбосида ўзбек тилида чиқарилган.<sup>82</sup>

Иккинчи жаҳон урушидан кейин Вали Қаюмхон муҳаррирлиги остида Берлинда яна бошқа бир “Миллий Туркистон” журнали фаолият кўрсата бошлайди. Журналнинг шу пайтга қадар хорижда, ушбу йўналишдаги нашрлардан фарқи у айна пайтда ўзбек ва инглиз тилларида чиқарилган. Бу эса журнал аудиториясини кўпайтириш билан ғарб китобхонларининг ўзбек адабиётига қизиқишларига ҳам сабаб бўлган.

Журналнинг ҳар бир муқовасида “Миллий Туркистон Бирлик қўмитасининг Туркистон Миллий Истиклоли учун курашувчи журнали” каби жумлалар қайд этилган бўлиб, унда ҳам юртимиздаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар, Туркистон миллий адабиёти тарғиботига оид мақолалар ўрин олган. “Миллий Туркистон” саҳифаларида Вали Қаюмхон, Абил Завқий, И.Тўлқин, А.Тошкантли, Боймирза Ҳайит, “Кузатувчи”, ва “Т.О” имзолари билан мақолалар ёзган мунаққидлар фаол иштирок этганлар.<sup>83</sup>

Журналнинг инглиз тили вариантыда чоп этилган Абил Завқий ва И.Тўлқин қаламига мансуб “Шоир Чўлпон” номли мақола эътиборга молик тадқиқотлардан биридир. Унда шоирнинг ҳаёти ва ижоди, таниқли ижодкор бўлиб шаклланишига таъсир этган омиллар, унинг “Вақт” газетасидаги фаолияти ҳақида маълумот берилади. Шунингдек, мақолада шоир ижодига “Чигатой гурунги”нинг таъсири масаласи алоҳида эътироф қилинган. Чўлпоннинг “Бу-

<sup>81</sup> Хайрулла Исмагулла. Чўлпон ва Жаҳон. Reform Movements and Revolutions in Turkistan: 1900-1924. ed. Timur Kocaoglu. Haarlem, 2001. P. 229.

<sup>82</sup> Timur Kocaoglu. A Nationality Abroad: The Turkestani Emigree Press (1927-1997). Central Asia Monitor, No. 1, 1998. P.23.

<sup>83</sup> Мазкур журналда Туркистоннинг ижтимоий сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётига оид мақолалар ҳам наشر этилган. Биз фақат бадиий адабиёт масалаларига бағишланган кичик тадқиқотларга тўхталамиз.

зилган ўлкага”, “Виждон эрки”, “Япроқлар”, “Яна олдим созимни”, “Қўлимда сўнгги тош қолди”, “Сомон парча”, “Чекинг “Эпоха”ни, қуллари кўкларга соврилсин” каби шеърлари илк бора инглиз тилига таржима қилиниб, китобхонлар эътиборига ҳавола қилинади.<sup>84</sup>

Мақолада Чўлпоннинг илк шеърӣ тўплами (“Уйғониш”1922)га киритилган манзумалари таҳлил қилинади. Муаллифларнинг таъкидлашича, Чўлпоннинг мазкур тўпамини “Уйғониш” деб номлаши тасодиф эмас. Унда акс этган шеърлар мустамлакачиликка қарши дастлабки уйғониш эди, шунинг учун ҳам шоир шеърларида Туркистон халқи изтироблари, дард аламлари жуда таъсирли ифода этилган.<sup>85</sup>

Мақоланинг характерли жиҳатларидан бири, унда шоирнинг ўз дврида кўшлаб шов-шувларга сабаб бўлган шеърлари таҳлилга тортилган. Чўлпоннинг мана шундай ижоди намуналаридан бири “Кўсақлар” деб номланади. Х.Исмагуллаев шоирга яқин бўлган кишиларнинг хотираларига таяниб, куйидаги фикрларни илгари суради: “Чўлпон тасавурида туғилган шеърларни кўпинча кўлига тушган қоғоз парчалари, газета журнал хошияларига, баъзан эса папирос қутиларига ҳам ёзиб юрган. Мана шу йўл билан “оёқ устида” яратилган шеърларининг бир қисми шоир таниш билишларининг кўлида қолиб кетиб, чоп этилмаган. “Кўсақлар” тўртлиги ҳам мана шундай бир сонияда туғилган, бир нафас билан айтилган шеърлар сирасига киради”.<sup>86</sup>

*Дийдираб ётаркан ерда кўсақлар,  
Номард чангалига тушган кўсақлар.  
Беҳисоб кўсақлар бутун ўлкада  
Шу қишга ўхшаган қора ўлкада.*

Боймирза Хайит “Туркистон янги адабиётида икки сиймо: Қодирий ва Чўлпон” номли мақоласида мазкур тўртликнинг

<sup>84</sup> Zavki A., Tolqun I. The poet Cholpon / Milliy Turkistan, December 1951- January 1952, №76.В.18-22.

<sup>85</sup> Zavki A., Tolqun I. The poet Cholpon / Milliy Turkistan, December 1951- January 1952, №76. В.18.

<sup>86</sup> Хайрулла Исмагулла. Чўлпон ва Жаҳон. Reform Movements and Revolutions in Turkistan: 1900-1924. ed. Timur Kocaoglu. Haarlem, 2001. P.239 (Китоб турк ва инглиз тилларида, мақола ўзбек тилида)

“достон”дан парча эканлиги, Чўлпон уни қўёлзма шаклидаёқ дўстлари орасида тарғиб қилишга ҳаракат қилгани хусусида маълумот беради. Олимнинг фикрича, шоир мазкур достонда Туркистонни бахтсиз қишга менгзаган.<sup>87</sup>

Маълумки, қиш фаслига нисбатан “қора” эпитетини қўллаш унинг шиддати кучли эканлигини англатади. Бироқ, “кўсак”ларнинг “дийдираб” ётиши шунчаки жўн ҳолат эмас. Зеро кўсаклар шу қадар беҳисобки, уларга бутун ўлканинг ҳар бир буржида нигоҳимиз тўқнашади. Авваламбор, шеърый парчага соф пейзаж лирикаси сифатида қаралса, пахтакор юртда инсон меҳнати самараси, эл ризқ-рўзи бўлган кўсакларни ер билан битта қилиб ташлаган қишни “номард” дейиш китобхонда ҳеч қандай эътироз туғдирмайди. Қолаверса, элимиз иқтисодий тўқислигини таъминловчи оминнинг нобуд бўлишидан ташвиш-изтироб чеккан оддий деҳқон ҳам бундай сўзни айтиши мумкин. Демак, бадий ижод деҳқон ёки хунарманд юмуши эмаслигини теран англаган Чўлпон бу ҳаётий вазият-ҳолатга поэтик залвор юклаш орқали рамзий ишорага катта ўрин берган. Назаримизда, номард қиш чангалида азобланаётган кўсакларнинг дийдираб-қақшаб ётган ҳолатига эътибор қаратмоқ лозим. “Қора қиш” ва “қора ўлка” сўз бирикмалари семантик сатҳидаги маъно оғишидан қандай бадий-эстетик мақсад кўзда тутилган. Нарса-ҳодисалар ўргасидаги ўхшашлик ва алоқадорлик, вазифадошлик жиҳатидан муштаракликни яхши англаган Чўлпон сўз бирикмаларига ўз маъносидан бошқа маънолар ҳам юклаган. Жонли тил ва анъанавий поэзияда нисбатан кам қўлланилган сўз бирикмасига бадий бўёқ берган шоир, уларга эстетик вазифа юклаш орқали шеър таъсир доираси кўламини кенгайтириш, ифода кудратини кучайтиришга эришган. Чўлпон ассоциатив фикрлаши маҳсули бўлмиш таъбир жоиз бўлса, “хусусий муаллиф кўчимлари” да Чўлпон бадий тил маҳорати ҳам намоён бўлган.

Шубҳасиз, қишнинг беҳад чўзилиши инсон тоқати, сабр-бардошини синовдан ўтказар экан, унда баҳорга интиқлик кайфияти туғилади. Шиддатли совуқдан тинқаси қуриган қимса илиқ қунларни орзулаши табиий. Кўсаклар беҳисоблиги бу ҳолатнинг индивидуал кечинма эмас, балки умумга дахлдорлигини англатади.

---

<sup>87</sup> Hayit B. Turkistan Yeni Edebiyatında İki Sıma: Qadiri ve Colpon (II), Milliy Turkistan, 1964 Mayıs- Haziran, San 102 A, s.22

Умумнинг дардини ўз елкасига ортган лирик қаҳрамон кайфият-ҳолати кўсаклар воситасида туғилган бўлишига қарамай, поэтик кечинма ботинига ижтимоий мазмун ҳам юклайди. Чунки эрта индин чаман-чаман бўлиб очилиши кутилаётган кўсакларнинг бемаврид хазон бўлиши шоирга ўлканинг қора кунлар гирдобида қолиши билан тақдирдошдек туюлади. Шунинг учун ҳам айни ҳолга урғу бериб, вазиятни элдошларига англатаётган шоир уларнинг шуури ва кўнглини баҳорий илиқликка, кўкариш ва яшариш фаслига чорлайди. Айнан шу типдаги ашъорларини жамлагани боис ҳам Чўлпон ўз тўпламига “Уйғониш” деган ном таълайди. Бахтсизлик (туткунлик) ва бахт (эркинлик) маъноларини англатиши назарда тутилса, Б.Ҳайит талқини Чўлпон кўзлаган мақсадни тўғри изоҳлаши аён бўлади. Бироқ, бу тўртлик “оёқ устида” яратилган манзумалар сирасига кирса, унинг “достондан парча” экани тадқиқотчининг гипотетик хулосаси бўлиб чиқади. Б.Ҳайитнинг халқ орасида мавжуд фикрларга таяниб илгари сурган қарашларидаги хулосалар дедуктив усул асосида келтириб чиқарилган. Шунга қарамасдан, тадқиқотчининг гипотетик-дедуктив мулоҳаза юриши усули, эҳтимолий хулосаларга келиш йўсини ўз даври учун янгилик эди. Улар Чўлпон эстетик идеали ва кўпчилик томонидан эътироф этилган ҳақиқатларга таянилгани жиҳатидан муайян мантикий қиймат касб этади. Бироқ, чинлиги тўла асосланмаган, индуктив йўл билан умумлаштирилган эҳтимолий мулоҳаза бўлиб қолаверади.

Абил Завқий ва И.Тўлқиннинг “Шоир Чўлпон” мақоласидаги яна бир эътиборга молик масала 1932 йилда Тошкетда бўлиб ўтган советлар конгрессида бир нафасда туғилган, “Epoch” номли сигарет қутисига ёзилган шеъридир: “*Чекинг порани куллари кўкларга соврилсин*” *Let this Epoch smoke, Its ashes will disperse with all the wind.* “Epoch” – ПОРА – ЭПОХА – маъносини беришидан ташқари катта “ўзгаришлар”га юз тутган, давр дискредитацияси (обру) эътиборини йўқотиши, бадном бўлиши З.М.)ни ҳам ифодалайди.<sup>88</sup> Мақола муаллифлари фикрича, Чўлпон атиги икки мисрагина шеърида ҳам шўролар тузумига қарши исёнини пародия шаклида ифодалайди. Уларга бўлган нафратини рамзли ифодалаш йўлидан боради. А.Завқий ва И.Тўлқинлар таъкидлашича, Чўлпон шеъри би-

<sup>88</sup> Cambridge Dictionary of American English// Cambridge University Press, 2004. P.287.

тилган картон қоғоз парчаси бутун конгресс бўйлаб қўлдан қўлга ўтиб, ҳоқимият раҳбарларини тахликага солган экан.<sup>89</sup>

Эҳтимол, Чўлпон кўнглига яқин бўлмаган мажлисдаги гап сўзлардан чалғиш учун шунчаки жўн бир машқ қилган бўлса ҳам, “пора”ни “эпоха”га айлантириб талқин қилишни хуш кўрган вульгар социологизмга мойил ўша давр адабий-сиёсий қарашлари, қолаверса шоирга қарши кайфиятдаги айрим кимсаларда бу ҳол ўзига хос резонанс (таъсир, таассурот) уйғотган бўлиши ҳам мумкин. Демак, мақола муаллифлари қарашлари ҳам ўшандай кайфият акс садоларидан буткул холи эмаслиги ойдинлашади. Бизнинг 1930-йиллар адабий-эстетик тафаккурига турли аспектларда ёндашишга уринишимиз, муайян фикр қандай омиллар таъсирида пайдо бўлиши, кулоч ёзиши (тебранишлар амплитудаси кескин кучайиши – З.М.) ҳолатларини янада ойдинлаштириш имконини беради.

Албатта, хориждаги муҳожирлар ўтган асрнинг 30-йилларида Туркистонда шўроларга қарши ошқора адабий ва ижтимоий кураш борганлиги ҳақидаги ахборотлар Ғарб китобхонлари учун қизиқарли эканини билишар, қолаверса уларнинг ўзлари ҳам ҳар қандай адабий матни ижтимоий-сиёсий йўсинда талқин қилишга мойил эдилар.

Мақоланинг сўнги қисмида муаллифлар Фитрат, Ўктам (Қаюм Рамазон), Элбек, Маннон Рамиз, Шорасул Зуннун, С.Сиддиқ, Боту, Элхон (Акмал Икромов), С.Раҳимийларнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида ҳам қисқача маълумотлар беришади. Демак, “Шоир Чўлпон” мақоласи характер эътибори билан ахборот бериш ва матбуот орқали жамоатчиликда шов-шувли мунозара кўзгашини кўзловчи чиқиш тарзида баҳоланиши мақсадга мувофиқдир.

Вали Зуннуннинг навбатдаги “Чўлпон ва ўзбек адабий қаршилик ҳаракати” (таржимон Х. Исматуллаев) номли мақоласи “Шарқий Турк Мужоҳадаси” (“Eastern Turkic Review”) журналининг 1958 йил 1-сонида эълон қилинган.<sup>90</sup> Мазкур тадқиқот ҳам Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон ҳаёти ва ижоди тадқиқига бағишланган бўлиб, А.Завқий ва И.Тўлқуннинг “Шоир Чўлпон” мақоласига руҳан яқин. Шу маънода уни А.Завқий ва И.Тўлқин битиклари кенгайтирилган шакли ҳам, дейиш мумкин. Ҳар иккала

<sup>89</sup> Zavki A., Tolqun I. The poet Cholpon / Milliy Turkistan, December 1951- January 1952, № 76 B, P. 20.

<sup>90</sup> Zunnun V. Cholpon and Literary Resistance. East Turkic review, 1958, № 1, pp. 92-95.

мақолада кўтарилган муаммо, танланган объект ва ҳатто кўп фикрлар айнанлиги кишида А.Завқий ҳамда В.Зуннун аслида битта шахс эмасмикин, деган иштибоҳ уйғотади. Назаримизда, муаллифнинг таҳлил услуби ҳам бу тахминни тасдиқлайди. Демак, ўтган асрнинг 50-йилларида, ҳар икки ном остида бир танқидчи фаолият кўрсатган ва миллий адабиётимизни жаҳонга тарғиб қилишда ўзининг муайян ҳиссасини кўшган.

Вали Зуннун “Чўлпон ва ўзбек адабий қаршилик ҳаракати” номли мақоласида ҳам Чўлпоннинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида маълумот беради. “Чигатой гурунги” нинг ташкил этилиши, ташкилот мақсади ва унда фаолият кўрсатган ўзбек шоир ва ёзувчиларининг Чўлпон ижодига таъсири ҳақида ҳам тўхталади. Тадқиқотнинг кўп қисмида “Шоир Чўлпон” мақоласида илгари сурилган фикрлар қайтарилган. Хусусан, шоирнинг “Уйғониш” тўпламига кирган шеърлар таҳлилида айнан шундай такрорларни учратиш мумкин. Вали Зуннун 1927 йилда Ойбекнинг Чўлпонни З.Башир ва О.Шарафиддинов (Айн)лардан ҳимоя қилиб ёзган “Чўлпон. Шоирни қандай текшириш керак?” мақоласини таржима қилиб, тадқиқотига илова қилади ва энг оғир дамларда Чўлпонни ҳимоя қилганлиги учун Ойбек жасоратига тассаннолар айтади.<sup>91</sup>

Ўзбек адабиётининг хорижда ўрганилиши муаммоларига бағишланган озми кўпми тадқиқотлар яратган Х.Исматуллаев А.Завқийнинг мазкур мақоласига ҳам муносабат билдирган. Ўрни билан айрим эътирозларини ҳам баён қилган. У мунаққиднинг Чўлпонни “Туркистоннинг Байрони” деган таърифига эътироз билдиради. Унинг фикрича, “Туркистондан чиқиб, ғарбда илм олган ва ўша ерларда ишлаб қолган тадқиқотчиларнинг кўпи Чўлпонни ғарб шоирлари, хусусан, Шекспир, Байрон, Пушкин билан қиёслаб, Чўлпон “Туркистоннинг Пушкини”, “Туркистоннинг Байрони” эди, деган фикрларни енгил-елпилик билан айтиб юбора беришган. Бундай хулосалар ҳар икки шоир шеъриятини чуқур ўрганиш натижаси эмас. В. Зуннун ҳам Байрон ижодини умуман ўрганмаган, ҳар икки буюк шоир асарларини қиёсий таҳлил этмаган. Бироқ Чўлпонни “Туркистоннинг Байрони” дейишга журъат этган.”<sup>92</sup>

<sup>91</sup> Veli Zunnun. Cholpon and Literary Resistance. East Turkic Review, 1958, № 1, P.93.

<sup>92</sup> Хайрулла Исматулла. Чўлпон ва Жаҳон. Reform Movements and Revolutions in Turkistan: 1900-1924. ed. Timur Kocaoglu. Haarlem, 2001.P. 237.

Авваламбор, бугунги ўзбек китобхони инглиз шоири Байрон (1778-1824)нинг “Чайлд Ҳаролд зиёрати”, “Манфред”, “Шийлон туткунни”, “Шийлон сонети” дostonлари, “Дон Жуан” (шеърий романдан парчалар) ни ўз тилимизда мутолаа қилаётганлигини таъкидлаш ўринлидир. Бундай таржималарнинг юзага келиши Байрон ижоди, хусусан Шарқ дostonлари туркуми (“Кофир”, “Абидослик келин”, “Қароқчи”, “Лара”, “Қоринф қамали”, “Паризод” каби.) Низомийнинг “Лайли ва Мажнун”, Фирдавсийнинг “Юсуф ва Зулайҳо” асарлари таъсирида ёзилганлиги билан ҳам боғлиқ. Қолаверса, Жорж Байрон ижодида инсон ва дунё муаммоси, адолатсизликка қарши кураш пафоси етакчилик қилган. Жумладан, тугалланмай қолган “Дон Жуан” шеърий романида инсон ва муҳит муаммосига кучли урғу берилган. Вали Зуннун шуларни назарда тутиб, Чўлпонни “Туркистон Байрони”, деб аташга журъат этган бўлиши эҳтимолдан йироқ эмас. Шубҳасиз, бу шоир ижоди, унинг юксак эрудицияси ва хассос қалбига берилган юксак баҳо. Айни пайтда, қиёсий таҳлилларга таянмасдан интуитив тарзда айtilган бу фикрда Чўлпон Байронга ўхшагани учунгина улуғланаётгани, унинг бетакрор ўзлиги очилмаётгани ҳам ошкор бўлмокда. Чунки, мақола муаллифи ҳар иккала шоирнинг бирор жиҳатини қиёсий таҳлилга тортмайдик, бу жиҳатдан Х.Исматуллаевнинг юкоридаги фикрлари тўла ўзини оқлайди. Айни пайтда Х.Исматуллаев В.Зуннун мақолаларига муносабат билдириб, уни “қалами ўткир, фикри теран, илмий доираси кенг олим” сифатида ҳам баҳолайди.<sup>93</sup> Шунингдек, Чўлпон шеърларини инглиз тилига “тўғри, бадий жиҳатдан мукамал ўгирган” лигини эътироф этади.<sup>94</sup> Аммо шу ўринда Х.Исматуллаев томонидан В.Зуннун таржималарига берилган баҳо у даражада объектив эмаслигини ҳам айтиб ўтмоқчимиз. Чунки Чўлпон шеърлари таржимаси, унинг шоир шеърларига адекватлиги, айниқса таржимадаги бадий мукамаллик ҳақидаги хулосаларни шунчаки бир икки оғиз сўз билан, амалий таҳлил намуналарсиз бериш мумкин эмас. Сабаб: биринчидан, Чўлпон шеърлари таржимаси таҳлиliga бағишланган кузатишларимиз, шунингдек кўп йиллик тажрибага эга мутаржимлар, таржимашунослар ҳам Чўлпон шеърлари бадийатини адекватлашти-

<sup>93</sup> Хайрулла Исматулла. Чўлпон ва Жаҳон. Reform Movements and Revolutions in Turkistan: 1900-1924. ed. Timur Kocaoglu. Haarlem, 2001.P. 237.

<sup>94</sup> Шу манбага қаралсин, Б.242.

ришда муайян камчиликларга йўл қўйганлигини тасдиқлаган эди.<sup>95</sup> Иккинчидан, В.Зуннун Чўпон драмалари ҳақида гапираркан “Ёрқиной” пьесасини “Bright Moon” шаклида таржима қилади. Ваҳоланки, Ёрқиной образга берилган исм бўлиб, уни “Ёрқин ой” шаклида ифодалаш нотўғри, деб ўйлаймиз. Таржима назарияси қонуниятларга кўра киши исмлари одатда таржима қилинмайди. Бундан В.Зуннун драматургнинг мазкур асари хусусида ҳеч қандай тасаввурга эга бўлмаган, фақат драма номидангина хабардор, деган қараш ҳам пайдо бўлади. Учинчидан, мақолага илова қилинган таржималарнинг ўзи ҳам Х.Исматуллаев берган баҳочалик мукамал эмаслигини кўрсатади.<sup>96</sup>

Х.Исматуллаев В.Зуннун фикрларига муносабат билдирар экан, Чўлпон шахсияти, иқтидор ва заковатига, унинг ижодий меросига кучли симпатияда бўлади. Шунинг учун уни инглиз шоири билан тенглаштиришни истамайди. Бундай ҳол халқ шоири Э.Воҳидовнинг:

*Менга Пушкин бир жаҳону,  
Менга Байрон бир жаҳон.  
Лек Навоийдек бобом бор,  
Кўкси осмон ўзбегим<sup>97</sup>*

сатрларини битган лаҳзалардаги кайфиятига менгзаёди. Зотан, шоир Пушкин ва Байроннинг ўзига хос оламлигини инкор этмаган ҳолда Навоий даҳосига меросхўр миллат вакили эканидан бениҳоя ифтихор туймоқда. Айнан ўша “кўкси осмон”лик ҳисси Х.Исматуллаевга ҳам бегона эмас. У Чўлпонни Байронга ўхшашлиги учун эмас, балки ўзига хослиги учун ардоқлайди. Қолаверса, В.Зуннун фикрларини кескин инкор қилаётгани ҳам йўқ. Бундай хулосаларнинг қиёсий таҳлилларга асосланиб илгари сурилиши лозимлиги ҳақидаги илмий-назарий ва методологик жиҳатдан асосли талабни илгари сурмоқда. Бироқ 2001 йилда айтилаётган бу фикрда 1958 йилдаги адабий-эстетик тафаккур даражаси назардан соқит

<sup>95</sup> Бу ҳақда қаранг: Мирзаева З. Чўлпон шърлари таржимасининг қиёсий таҳлили // Шарк юлдузи, 2010, № 1 сон, Б.146-151.

<sup>96</sup> Мазкур бобда таржимага оид муаммолар таҳлил доирасига киритилмаганлиги боис буни аниқ мисоллар билан далиллаш, батафсил ёритишга эҳтиёж сезмадик. (М.З.)

<sup>97</sup> XX аср ўзбек шърияти антологияси. Тошкент. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси Давлат нашриёти, 2007, Б.123-126.



қилинган. Бошқачароқ айтганда, Х.Исмагуллаев В.Зуннунни ўз давридан узиб олиб таҳлилга тортиш, унинг олдига муайян талаблар қўйишга уринган.

Вали Зуннуннинг мазкур мақоласидаги яна бир муҳим нукта Чўлпоннинг ўзбек илмий жамоатчилигига етарлича маълум бўлмаган “Шер” номли драмаси ҳақидаги маълумотдир. Тадқиқот муаллифининг фикрича, драматургнинг мазкур асарида ҳам бошқа битикларидаги сингари унинг Ватанга муҳаббати ва мустамлакачиларга нафрати акс этган.<sup>98</sup>

Вали Зуннун қаламига мансуб (мақолада “Абил Завқий” имзосидан фойдаланилганини эслатиш ўринлидир – З.М) навбатдаги “Туркистоннинг маданий ҳаёти ва совет – рус мустамлакачилиги” номли мақоласида<sup>99</sup> Боту, М.Жумабойнинг коммунистик мафкурага қарши шеърлари ижтимоий-ғоявий жиҳатдан таҳлил этилади. Унинг манзумаларидан парчалар таржима қилиниб, мақолага илова қилинади.

Кузатишларимиздан маълум бўладики, В.Зуннун, И.Тўлқин каби тадқиқотчилар Туркистон жадид адабиётининг етакчи вакиллари қаторида бошқа қардош халқлар шоир ёзувчиларининг ушбу жараёндаги фаолияти, ижоди ҳақида ҳам ғарб оламига мухтасар маълумотлар бериб боришган. Хориж китобхонларида 1920-1930 йиллар адабиётининг тараққиёт босқичлари, йўналишлари ва вазифалари, ўлкадаги адабий, ижтимоий-сиёсий жараёнлар хусусида яхлит тасаввур ҳосил қилишни мақсад қилган мунаққидларнинг бундай ёндашув тамойилини ўша давр нуктаи назаридан тўғри позиция дейиш мумкин.

Ўзбек жадид адабиёти мустамлакачиликка қарши кураш туйғуси билан йўғрилган сиёсий-ижтимоий ғоялар асосига қурилганлиги илмий адабий жамоатчиликка маълум. Ушбу даврда яратилган тадқиқотларда ғояга урғу бериш тамойили устувор бўлишида ҳам асосли мантиқ бор. Зеро В.Г.Белинский таъкид этганидек, “илмда ғоя излаш керак, ғоя йўқ экан, илм ҳам бўлмайди, манбанинг муҳимлиги ўша фактларда яширинган ғоялар билан белгиланади”.<sup>100</sup> Қолаверса, жадид шоиру адиблари, драматургларининг муҳаббат

<sup>98</sup> Veli Zunnun. Cholpon and Literary Resistance. East Turkic Review, 1958, № 1, P.93.

<sup>99</sup> Zavqiy A. Turkistannin ku'lturni hayati va sovet-rus mustamlakaciligi. // Milliy Turkistan, 1962, San. 93A, s.21-27.

<sup>100</sup> Белинский В.Г. Полн. собр. соч., 1955, Т. VIII, С. 276.

туйғулари аслида ижтимоий ва ҳатто сиёсий моҳият касб этади. Чунки уларнинг муҳаббат туйғуси Ватан ишқи ва юрт севгиси билан узвий туташган. Инсонийлик туйғулари миллат тақдирига масъулликдан ажралмагандир. Адабиётнинг бундай хусусиятини назарда тутган турк адиби Илҳан Тарус санъатдаги реализм ҳақида тўхталар экан, ўз адабий-эстетик қарашларини шундай баён этади: “Бутунлай ижтимоий ташвишларни ёзаман... Санъат ташвиши деб бошқа ҳеч нарсани қабул қилмайман. Акс ҳолда адабиёт ва санъатнинг жамиятдаги вазифаси йўқолади; адабиёт шунчаки завқ олиш ва кўнгил очиш даражасига тушиб қолади”.<sup>101</sup>

Маълум бўладики, жаҳид зиёлилари ҳам адабиёт ва санъатнинг жамиятдаги вазифасини унинг ижтимоий ташвишлар ифодачиси эканида кўришган. Бинобарин, муайян матн қийматида унда акс этган ғоянинг кучи муҳим аҳамият касб этади. Ғоялар таҳлилига урғу бериш эса ижтимоий методнинг асосий принципларидан биридир. Шу нуқтаи назардан жаҳид сўз санъатининг туб моҳиятини ижтимоий таҳлилларсиз англаш мумкин эмас, чунки у ҳар доим давр руҳи билан боғлиқ бўлиб, ижодкор атрофида содир бўлаётган воқеаларни санъаткорнинг руҳий ва ижодий жараёнлари тарафидан туриб баҳолайди, даврни ўрганади ва шу ижтимоий асосда адабиёт тарихини яратади.

Юқоридагилардан маълум бўладики, А.Завқий, И.Тўлқин ва ушбу йилларда фаолият олиб борган бошқа тадқиқотчилар масалани тарихий аспектда ўрганишади ва асосий эътиборни ижтимоий таҳлилга қаратишади. Улар социолог сифатида Туркистондаги ижтимоий жараёнларни таҳлил этишган бўлишса, тарихчи сифатида ижтимоий аспектдаги адабий жараёнларни ҳам ўз эътиборидан четда қолдиришмаган. Аммо Абил Завқий яратган тадқиқотларда бугунги кун нуқтаи назаридан бир қадар саёз илмий мулоҳазалар, шоирлар ижодидаги ижтимоий воқелик таҳлилида ҳам ягона факторларга таяниш ва муайян ижодкорнинг асосан ижтимоий мавзудаги ишларини таҳлил қилиш оқибатида масалага бир томонлама ёндашув ҳолатлари кузатилади. Агар муаммо ўша давр талаблари, журнал миссияси ва мақола муаллифлари мақсадли концепцияларига боғлиқ ҳолатлар билан изоҳланса, уларнинг бундай ёндашув сабабларини тушуниш қийин эмас.

<sup>101</sup> Вали Саваш Елўк., Пошшажон Кенжаева. Қутилмаган меҳмон. Т.: Академнашр., 2011. Б.168.

Ўтган асрнинг 60-йилларида XX аср ўзбек адабий сиёсати ва Туркистондаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар таҳлилига бағишланган энг кўп тадқиқотлар яратган муҳожирлардан бири Боймирза Ҳайитдир. Олим яратган тадқиқотларнинг деярли барчасида сиёсий ёндашув устувлик қилади. Унинг 1965 йилда “Марказий Осиё Миллий жамияти журнали” (“Journal of the Royal Central Asia Society”)да биз юқорида тилган олган “Замонавий ўзбек адабиётида икки буюк сиймо: Қодирий ва Чўлпон” номли мақоласи чоп этилган. Мақолада олимнинг бошқа тадқиқотларидаги адабий мафкуравийликдан фарқли тарзда, қўйилган муаммо нисбатан адабиётшунослик мезонлари нуқтаи назаридан таҳлил этилган ўринлар мавжуд. Манбаларда маълум қилинишича, олимнинг мазкур мақоласи кўп тилларга таржима қилиниб, бир неча марта нашр этилган.

Б.Ҳайит ўз мақоласини “замонавий Туркистон адабиётини Абдулла Қодирий ва Чўлпонсиз тасаввур қилиш мумкин эмас” деган жумлалар билан бошлайди. У дастлаб Абдулла Қодирий ҳаёти, ижодий фаолияти, илк нашр қилинган шеърий асарлари (“Аҳволимиз” ва “Миллатим”) ҳақида маълумот беради. Амалга оширилган сиёсий-ижтимоий, маданий ислохотларнинг Қодирий ижодида акс этиш билан боғлиқ жиҳатларга эътибор қаратади. Қодирийнинг “Бахтсиз куёв” драмаси яратилиш тарихи, адибнинг “Муштум” журналидаги фаолияти ҳақида ҳам маълумотлар берилган. Муаллиф асосий эътиборини Қодирий романлари таҳлиliga қаратади. Жумладан, “Ўткан кунлар” романидаги бош қаҳрамон Отабекнинг Авлиёота тоғида чор Россияси аскарларига қарши курашини қуйидагича изоҳлайди. “Отабек ўз мамлакатининг келажакига хавф солаётган нарса ички курашлар эканлигини англади, вазиятни тушунгач зобит (аскар) сифатида босқинчларга қарши курашиб, қаҳрамонларча ҳалок бўлди”.<sup>102</sup>

Отабекнинг “руслар”га қарши курашга отланиши билан боғлиқ воқелик таҳлилида олим асосий урғуни образнинг ижтимоий-ғоявий функциясига қаратади. Образни муаллиф психологик ва ижодий концепциясига таяниб таҳлил қилиш вазифасини унутади. Қаҳрамоннинг мустамлакачиликка қарши кураши ҳақидаги ўйла-

---

<sup>102</sup> Baymirza Hayit. Two outstanding figures in Modern Uzbek Literature: Qadiri and Cholpon / Journal of the Royal Central Asia Society. 53, 1965, P.49.

рини ягона деталларга боғлаш натижасида субъектив хулосалар келтириб чиқаради. Ваҳоланки, Отабекнинг Туркистон озодлиги учун курашга чоғланиши олим таъкид этган сабабдан ташқари яна бир қанча факторларга ҳам боғлиқ эканлигини олдинги изланишларимизда атрофлича тадқиқ этгандик.<sup>103</sup> Боймирза Ҳайит Қодирий романлари ҳақидаги фикрларини давом эттириб, “Қодирий романда трагедия ва комедия бирлигини яратиш мақсадида тасвирнинг пичинг ва ирония (ўзини гўлликка солиш асосидаги кўчим (мажоз) тури – сўз ёки бирикмани асл маъносидан бошқа, тесқари маънода қўллаш – З.М.) усулларига хос жиҳатлардан усталик билан фойдаланган. Романдаги мана шу жонли тил ва халқона иборалар “Ўткан кунлар”ни машҳур қилишда муҳим аҳамият касб этди. “Ўткан кунлар” романи анъанавий ҳикоячиликдан тамомила фарқ қиладиган янги услубдаги асар эди”<sup>104</sup>, деб ёзади.

Дарҳақиқат, Қодирий романлари яратилган даврда бир тарафдан шўролар сиёсатининг мафкурадаги сиёсий тазйиқи, иккинчи томондан маҳаллий амалдорларнинг таҳдидлари, учинчидан, мумтоз адабиётимиз тасвир усулларига фаол мурожаат этиш туфайли жадид ёзувчилари ижодида рамзий образларга мурожаат кучайган. Улар ўзларининг дилидаги яширин орзу-истакларини, мустабид тузум туфайли ҳукмронликни эгаллаган корчалонларга нисбатан нафрат ва ғазабларини бевосита ана шу образлар орқали ифодалай бошладилар. Масалан, Қодирийнинг “Меҳробдан чаён” романида “чаён” метафора типидagi кўчим ҳисобланиб, ушбу мажозий образ орқали ўзбек адабиётида пайдо бўлаётган норозилик ифодаси, тор манфаатни кўзловчи шахслар (Солиҳ Маҳдум), маҳаллий ҳукмдорлар (Худоёрхон, Худайчи), улуғ мақсадлардан йироқ айрим дин ва шариат пешволари (Абдурахмон домла) га ўхшаган кишиларга ҳам нисбат берилган. Муқаддас тушунчалар моҳиятини англамаган кимсалар шахсий маишатию маҳдуд қарашлари туфайли мамлакат истибдод чанғалида қолди, деган фикр илгарй сурилган.

Боймирза Ҳайит “Ўткан кунлар” романи нашрларидаги кемтиклар – тушириб қолдирилган парчалар ҳақида ҳам тўхталadi ва асарнинг 1925 йилги нашри асосида уларни мақолага илова қилади.

<sup>103</sup> Мирзаева З. XX аср ўзбек адабиётининг Америкада ўрганилиши. Тошкент: Фан, 2011. Б.87-95.

<sup>104</sup> Baymirza Hayit. Two outstanding figures in Modern Uzbek Literature: Qadiri and Cholpon / Journal of the Royal Central Asia Society. 53, 1965, P.50.

И.Султон, Ш.Турдиевларнинг 1960 йиллардаги Қодирий ва Чўлпон ҳақидаги субъектив фикрларига муносабат билдиради.

Туркистон замонавий адабиётининг кейинги намоёндаси Абдулҳамид Сулаймон ўгли Чўлпон ҳақида тўхталган Б.Ҳайитнинг ёзишича, Чўлпон 1917 йилдан бошлаб ўз адабий фаолиятини драматург сифатида бошлаган ва 1927 йилга қадар ўн битта драма ёзган, “Ҳалил Фаранг” ва “Ёрқиной” драмалари ҳам шулар жумласидандир.<sup>105</sup> Афсуски, у мазкур драмаларни кенг таҳлил қилмайди. Олим асосий эътиборини шоирнинг ватанпарварлик руҳидаги шеърлари таҳлилига қаратади. Чўлпоннинг 1920 йил бошларидаги Фарғона кўзғолонига бағишлаб ёзилган “Кўзғалиш” ва “Тўзал Фарғона” шеърларини инглиз тилига таржима қилади. Чўлпон шеърларини бадиийлик нуқтаи назаридан тадқиқ этиш олим вазифасига кирмаганлиги боис, у мазкур ашъорларни ижтимоий-ғоявий жиҳатдан таҳлил қилиш билан чекланади. Чўлпон мустамалакачиликка, совет ҳукуматига қарши кураш ғояларини ўз шеърларида очиқчасига акс этганлигини, бунинг натижасида у совет ҳукуматининг “эътибори”да бўлганлигини таъкидлайди. Б.Ҳайит ҳам оғир ижтимоий-сиёсий вазиятда Ойбекнинг Чўлпонни ҳимоя қилиб ёзган мақоласига ижобий муносабат билдириб, шоирни ҳимоя қилишга қаратилган муҳим ўринлардан мисоллар келтиради.

У Чўлпоннинг таржимонлик маҳорати ҳақида ҳам тўхталаркан, шоирнинг Р.Тагорга интилиш сабабаларини ундаги ватанпарварлик ва миллатпарварлик туйғуларининг уйғунлигида деб билади. Бироқ Чўлпон Ғарб ва Шарқ илғор адабий анъаналарини миллий асосда синтез қилишга бел боғлаганлигини назардан қочиради. Чунки, Боймирза Ҳайит Қодирий ва Чўлпон ижодини тарихчи-социолог олим сифатида, ижтимоий-сиёсий ёндашув асосида ўрганади, уларнинг бадиий – эстетик қиймати хусусида ҳеч бир гап айтмайди. Шунга қарамасдан, унинг қаламига мансуб мақолалар Қодирий, Чўлпон каби жаҳидлар ижодига ўз вақтида нисбатан тўғри баҳо берилгани ва бу ижодкорлар хорижий мамлакатларда тарғиб этилгани билан муҳим аҳамиятга эгадир.

“Адабиётшунослик – синтетик фан бўлиб, у назарий ва тарихий-адабий характердаги бошқа ёрдамчи соҳаларни ҳам ўзида бир-

---

<sup>105</sup> Baymirza Hayit. Two outstanding figures in Modern Uzbek Literature: Qadiri and Cholpon / Journal of the Royal Central Asia Society.53,1965, P.51.

лаштиради”, – деб таъкидлайди, Н.Ф.Бельчиков.<sup>106</sup> Маълум бўладики, муайян ижод намунасида акс этган бадиий ва тарихий воқеалар синтези моҳиятини очиш, улардаги воқелик сабабларини мукаммал тушиниш ва асардаги ҳар бир кичик деталь моҳиятини англашда биографик, текстологик, лингвистик, тарихшунослик, матншунослик ва яна бир қанча бошқа соҳаларнинг яқдил фаолияти талаб этилади. Иккинчи бир жиҳатдан, бу таҳлил этилаётган матннинг қандай характерга (сиёсий, ижтимоий, тарихий, маиший) эга эканига ҳам боғлиқ. Масалан, биз юқорида кузатган мақолалар таҳлилида биографик характердаги тарихий, ижтимоий ва сиёсий ёндашув устуңлик қилади. Ҳар бир муаллиф муайян бадиий асар таҳлилида ижодкор биографиясига алоҳида эътибор қаратади. Бадиий асарни муаллиф ҳаёт йўли контекстида ўрганишга интилади. Шубҳасиз, муайян бадиий асарда унинг ижодкори шахсияти аксланади. Шу боисдан ҳам унинг аксарият қирралари айнан шундай ёндашув орқали англашилади. Демак, биографик метод асарга муаллиф юклаган мазмунни ойдинлаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Аммо, адиб бадиий идрокида ўз руҳияти ва дунёқарашида рўй берган бурилишлар ҳам инъикос этишини унутмаслик лозим. Демак, асар генезиси ҳақида сўз юритувчи тадқиқотчи бениҳоя бой ва серқирра материалларга таяниши талаб этилади. Бадиий матн янги қирраларини очиш фактларни гипотетик унсурлар орқали жонлантириш ва тўлдиришни тақозо қилади. Маълум бўладики, биографик методни давр ижтимоий-маданий, маърифий шарт-шароитларига кескин боғлаб қўйиш ёки бу факторларни унутиб, бадиий асардан фақат ижодкоргагина тегишли реал белгиларни қидириш тўғри эмас. Бизнингча, поэтик матнда ижодкор қалбининг суврати асар яратилишига туртки бўлган барча омиллар бирлигида, адабий асарга комплекс ёндашилгандагина намоён бўлади. Акс ҳолда, бадиий ижод табиати жўнлаштирилади. Бинобарин, биографик методни бошқа методлар билан узвий алоқадорликда қўллаш ўз ижобий натижаларини беради.

Албатта, ҳар бир ижодкорнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти билан боғлиқ жараёнларни ўрганиш у яратган бадиий асардаги энг муҳим муаммолар ечимида таянч нуқта бўлиб хизмат қилиши мумкин. Ёзувчи услуги ва маҳоратининг энг нозик нуқталарини англаш,

<sup>106</sup> Бельчиков Н.Ф. Литературное источниковедение. Москва: Наука, 1983. С. 53.

образ яратиш жараёнидаги мураккаб психологик ҳолатларни тадқиқ этиш, ижодкорнинг ҳаётга, давр ижтимоий сиёсий воқеаларига қандай позицияда туриб ёндошганлиги каби масалаларни аниқлашда айнан мана шу биографик ёндашув усули муҳим аҳамият касб этади. Масалан, С.Жабборнинг фикрича, Ботунинг пролетар руҳидаги шеърлари пайдо бўлиши, коммунистик партия ғояларини қабул қилишида унинг хотини-яхудий аёлининг таъсири катта бўлган. “Боту ушбу **яхудий** аёли таъсирида ҳатто Фитратга ва бошқа миллатпарвар жадидларга қарши “нафрат мени тўғри йўлдан оздурганларга” қабилдаги шеърларини ёзишгача етган.<sup>107</sup> Агар Ботунинг шахсий биографиясига дахлдор бундай муҳим фактларни билмасак, унинг ижодидаги ўзгаришларни турли хил объектив ва субъектив тахминлардан қидириб, нотўғри хулосаларга келишимиз мумкин эди. Демак, кези келганда таъкидлаш керакки, ижодкорнинг ҳаёти, умр йўлларида юз берган ҳар бир ўзгаришдан бохабарлик унинг ижодини объектив баҳолашда муҳим аҳамият касб этади. Зотан, автор қўлёзмаси (кенг маънода адабий матн) ни ўрганиш бадий ижод табиатига хос муҳим муаммоларни ойдинлаштиришга ёрдамлашиши мумкин. У маҳорат сирларини, образ яратиш жараёнини кашф этиш, ёзувчи услуби шаклланиши, ижодий методи индивидуал ўзига хослигини англаш имконини беради.

Аммо адабиётшунослик амалиётида, баъзи тадқиқотчилар у ёки бу ижодкор асарларини баҳолаш, уларнинг номлари ёки нашрлари ҳақида маълумотлар беришда айрим чалкашликларга йўл қўйганликлари ҳам кузатилади. Абдулла Қодирий ва Чўлпон ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ хужжатлар билан етарлича танишмаган Б.Хайит тадқиқотларида ҳам биографик методдан ўринсиз фойдаланиш ҳоллари учрайди. Масалан, биз юқорида таҳлилга тортган “Замонавий ўзбек адабиётида икки буюк сиймо: Қодирий ва Чўлпон” мақоласининг “Миллий Туркистон” газетасидаги нашрида Чўлпоннинг “Чўрининг исёни” асарини “Жўранинг исёни”, “Кеча ва кундуз” романи жанри “достон” ва нашр қилган йили 1931 деб нотўғри кўрсатилади.<sup>108</sup> Олим Чўлпон шеърлари таҳлилида ҳам бир асарни иккинчиси билан чалкаштириб юборади. Хусусан, у

<sup>107</sup> Jabbar S. Kurtulus Yolunda. Istanbul. In Kommission Bei Franz Steiner Verlag Stuttgart, 2000, P. 164.

<sup>108</sup> Hayit B. Turkistan Yeni Edebiyatında İki Sima: Qadiri ve Colpon (II), Milliy Turkistan, 1964 Mayıs- Haziran, San 102 A, s. 19.

поирнинг “Кишан” номли шеърини таҳлил қилиб, мисолларни унинг “Кураш” шеърдан келтиради. Х.Исматуллаев “Чўлпон ва жаҳон” номли мақоласида Б.Хайит йўл кўйган бундай хато ва камчиликларни атрофлича кўрсатиб, ҳақли равишда жиддий танқид қилади.<sup>109</sup> Ўрни келганда таъкидлаш жоизки, бундай кўпол хатоликлар нафақат Б.Хайит балки бир қатор ғарб чўлпоншуносу фитратшунослари ишларида ҳам кузатилади.<sup>110</sup> Назаримизда, бундай кемтикли ҳолатни икки жиҳат билан изоҳлаш мумкин:

Биринчидан, ғарб чўлпоншуносларининг нотўғри манбаларга кўр-кўрона эргашиб, бадий матн аслияти билан яхши таниш бўлмай, шошма-шошарлик билан хулосалар чиқариши оқибати.

Иккинчидан, адабиётшунослиқдан йироқ, бу соҳада етарли билимга эга бўлмаган, аммо ўз корчалонларига ёқиш мақсадида ёки давр талаби билан бир икки мақола ёзишни мақсад қилган “олим”ларнинг адабиётга нојиддий муносабатлари натижаси.

Демак, XX асрнинг 20-60-йилларида ўзбек муҳожирларининг давр адабиёти таҳлилига оид аксарият изланишлари асосан Чор мустамлакаси ва шўро зулмига қарши ҳаракатлар, фикрий ҳиссий жараёнларнинг бадий адабиётдаги талқинига бағишланган. Уларда муайян масала мафкура нуқтаи назаридан ўрганилиб, ижтимоий таҳлил усули етакчилик қилган. Машҳур рус олими П.Н.Сақулин бадий санъатда ижтимоий ҳодисаларнинг акс этиш жараёнини қуйидагича изоҳлаган эди. “Адабиётнинг ижтимоий моҳиятига дахлдор муҳим жиҳат ана шу моҳиятни идрок қилиш жараёни билан белгиланади. Ижодкор ўзини “соф санъат” яратувчиси ҳисоблагани боис, ўзини ҳар қандай ижтимоий фикрдан холи шахс сифатида ҳис қилиши мумкин. Бироқ, бадий асар яратилгач, у ўз ижодкори истакларига боғлиқ бўлмаган ҳолда, объектив ижтимоий қиймат касб этади. Шунинг учун ҳам ёзувчилар хоҳлашадими ёки йўқ адабиёт ижтимоий ҳодисадир.”<sup>111</sup> Юқоридаги фикрлардан маълум бўладики, бадий адабиётда ижтимоий ғоялар ёзувчи истак хоҳишларига бўйсунмаган ҳолда акс этади. Дарҳақиқат, “Ўткан кунлар”,

<sup>109</sup> Хайрулла Исматулла. Чўлпон ва Жаҳон. Reform Movements and Revolutions in Turkistan: 1900-1924. ed. Timur Kocaoglu. Haarlem, 2001. P. 237.

<sup>110</sup> Мирзаева З. Абдурауф Фитрат фаолиятининг ўрганилиши: ўзига хос ёндашув ва қарашлар. Ўзбекистон тарихининг долзарб масалалари ёш олимлар тадқиқотларида: асосий йўналишлар ва ёндашувлар. Тошкент: Фан, 2010. Б.187-191.

<sup>111</sup> Сақулин П.Н. Филология и культурология. Москва: Высшая школа, 1990. С. 99.



“Меҳробдан чаён” романларидаги бадий ҳиссиёт аслида жамият ҳиссиёти, ёзувчи дарди эса халқ дарди эди.

Ҳар қандай бадий адабиёт адабий ҳодиса бўлиш билан бирга, ижтимоий муносабатларни ҳам қамраб олади. Шунинг учун ҳам муайян маънода ижтимоий характерга эга. Бадий адабиётни, адабий ҳодиса ва фактларни ижтимоий ҳаёт билан узвий алоқада ўрганиш (социологик тадқиқот методи – З.М.) адабий асарда маълум бир тарихий даврдаги “халқ руҳи” нинг акс этишини кузатиш имконини беради. Зеро, миллатнинг айна даврдаги тафаккур даражаси, турмуш тарзи, урф одатлари шу руҳ орқали аён бўлади. Унинг туғма сажияси, табиий ва ижтимоий шароитларнинг инсонга таъсири, давр маданият даражаси ойдинлаштирилади. Шунинг учун ҳам илк ўзбек муҳожирларининг социологик ёндашув тарзи бадий воқелик ва реаллик муносабатлари, унинг тарихан ҳаққонийлик даражаси, ҳаёт ҳақиқати ва бадий ҳақиқат муносабатлари сингари масалаларни ўрганишда қўл келган. Шубҳасиз, аксар ҳолларда улар гоъвий-мафкуравий жиҳатларга кўпроқ урғу беришган, баъзан эса вульгар социологизмга оғиб кетишган. Айна пайтда қаҳрамонларнинг характер хусусиятлари, асардаги конфликтлар табиати, образлар тизими, айрим поэтик унсурларнинг ижтимоий илдизларини очишга ҳам уринишган. Бироқ улар характер ва прототип, тарихий шахс образи ва реал тарихий шахс муносабатлари каби ижод жараёни билан боғлиқ муаммоларни кенг таҳлил қилишгача юксала олишмаган. Бунинг бош сабабларидан бири ҳам мазкур методни мутлақлаштиришга уриниш билан изоҳланади. Шунга қарамасдан, 1920 йиллар адабиётининг илк тадқиқотчилари биографик методга ҳаммуурожаат этишганки, бизнингча, бу ижтимоий таҳлил усулини зарур ўринларда бошқа методлар билан биргаликда қўллашга интилиш тарзида баҳоланиши лозим. Муаммо моҳиятига юқоридаги нуқтаи назар асосида қараш муайян сўз санъати намуналарини ижтимоий жиҳатдан ўрганиш ҳам ўзига хос зарурат эканини кўрсатади. Шу маънода ўрганилган давр олимларининг муаммога ёндашув принциплари ўзини оқлай олади. XX аср ўзбек адабиётининг илк тадқиқотчилари асосан мафкура ва адабиёт масалалари таҳлиliga диққат қаратиб, муайян масалани тарихий аспектда ўрганиб, ижтимоий таҳлил устуворлигига урғу беришига қарамасдан бу каби изланишлар моҳиятган кенг кўламли вазифаларни уддалашга хизмат қилди.

#### IV боб. ЯНГИ ДАВРИ АМЕРИКА ЎЗБЕК АДАБИЁТШУНОСЛИГИ ТАМОЙИЛЛАРИДА ОБЪЕКТИВ ВА СУБЪЕКТИВ ОМИЛЛАР

Социологик метод бадий адабиёт ва адабий ҳодисага хос фактларни ижтимоий ҳаёт билан узвий алоқада ўрганишга асосланади. Аслида, адабиёт ва санъатга ижтимоий ҳодиса сифатида қараш жуда қадим тарихга эга. Платоннинг “Давлат” асарини эслашнинг ўзиёқ фикримизни далиллайди. Олим яшаган даврда Юнонистон ва Афина ижтимоий-сиёсий, маданий ва халқаро ҳаётидаги муносабатлар ғоятда мураккаб, мафкуравий-сиёсий ҳамда табақавий қурашлар авж олганди. Бу ҳол файласуф дунёқарошига кучли таъсир этганди. Демокримизки, ҳеч бир тадқиқотчи мураккаб давр таъсири ва қарама-қаршиликларидан айро бўлолмайди.

Эътибор қаратиш лозимки, Платон ўзининг ғоялар ҳақидаги таълимотида ҳиссий идрок этишга алоҳида аҳамият қаратган. У ғоя деб абадий борликни тушунган. Файласуф учун ғоя – ўзгармас асл борлиқдир. Ўзгарувчан нарсалар эса идеядир. Бошқачароқ айтганда, унинг билиш усули идеалистик диалектика эди. Аллома фикрича, ғоя тушунчаси ҳар бир нарсанинг ўзига хослигини ифодалайди. Бинобарин, ҳар бир нарса (поэтик асар ҳам) ўз хусусияти, белги ва хоссалари шунингдек, ушбу белгиларни қамраб олувчи ғоясига эга.

XIX асрга келиб маданий-тарихий мактаб ва унинг йирик намояндаси И.Тэн адабий асарни муайян тарихий давр билан узвий боғлаб ўрганди. Натижада, адабиётшунослик ҳам асарларни давр руҳи, муайян миллат сажияси, унинг тафаккур даражаси, турмуш тарзи, урф-одатлари билан алоқадорликда таҳлилу талқин эта бошлади. Бадий матнни “давр”, “халқ руҳи” (асар яратилган даврда эришилган маданий даража ва анъана) ҳамда “муҳит” (табиат, иқлим, ижтимоий шароит) тушунчаларини ҳисобга олган ҳолда ўрганиш асосли илмий хулосалар чиқариш имконини бериши билан қимматлидир. Бу билан биз социологик ёндашувга ёт назар билан қараш фикридан мутлақо йироқ эканимизни таъкидламоқчимиз. Чунки, бу тадқиқот методи қуйидаги масалалар илмий-назарий таҳлил ва тадқиқотида ғоятда қўл келади:

– ижод жараёни билан боғлиқ муаммолар (бадий воқелик ва реаллик муносабатлари, унинг тарихан ҳаққонийлик даражаси, характер ҳамда прототип, реал тарихий шахс ва унинг поэтик образи масалалари) ни ўрганишда;

– қатор бадийий унсурлар (асарнинг ғоявий-мафкуравий жиҳатлари, қаҳрамонлар характериға хос хусусиятлар, конфликтлар табиати, образлар тизими ва б) нинг ижтимоий илдиэларини очиш.

Айни пайтда қайд қилиш ўринлики, бу метод шўро адабиётшунослиғи асосини ташкил этибгина қолмай, ўша даврда мутлақлаштирилди ҳам. Бунинг оқибатида адабиёт фақат ижтимоий омилларгагина боғлаб қўйилди. Адабиётшуносликнинг предмети ва уни қизиқтирувчи масалалар диапозони нисбатан тор тушунилди ва изоҳланди. Аниқроқ айтганда, социологизм вульгарлашди. Яъни унинг юқорида саналган асосий тамойиллари бузиб қўлланилди. Натижада, ўқувчи омма чалғитилди ва ижод аҳли қатоғонга учрашиға таъсир этди.

Биз гап методда эмас, балки унинг қай мақсадда қўллашда деб биламиз. Таассуфки, социологизмнинг вульгарлашуви марксистик адабиётшунослик амалиётдағина эмас, балки уммон ортида шўро адабиётига муносабат билдирган, бутунги адабиётимизни баҳолашға уринаётган айрим ўзбекшуносларнинг изланишларида ҳам намоён бўлади. Бизнингча, мазкур ҳол уларнинг бирмунча янгича шакллана олмаётган дунёқараши билан боғлиқ, бўлса керак.

Муайян бадийий адабиётга ижтимоий-маданий ва халқаро ҳаёт инъикоси сифатида қараш, ундан фақат мафкуравий-сиёсий мақсадда фойдаланиш субъектив талқинларни юзаға келтираверади. Айни ўринда айтиш жоизки, ўзбек адабиёти тадқиқига оид изланишлар олиб бораётган айрим хориж олимлари ўз дунёқарашиға танқидий нуқтаи назардан қараб, уни ғоявий қурашлар таъсиридан химоялашға ҳаракат қилиб, ўз қарашларини янгиланган давр эстетик меъёрлари, плоралистик тафаккур ҳамда муроса фалсафасига асослаб, ўзига хос бири иккинчисини такрорламайдиган тадқиқотларни яратдилар. Бинобарин бу муаммонинг объектив ва субъектив жиҳатлари мавжудки, биз ушбу бобда шу масалани имкон қадар кўриб чиқишға ҳаракат қилдик.

Америка ўзбекшуносларининг фаолларидан бири Аҳмет Оғир ХХ аср ўзбек романлари: “Ўткан кунлар” (А.Қодирий), “Қутлуғ қон” (Ойбек), “Тушда кечган умрлар” (Ў.Ҳошимов) ни тарихий аспектда, социологик адабиётшунослик нуқтаи назаридан ўрганади.

Биламизки, “Ўткан кунлар” ХХ асрнинг биринчи чорағида юзаға келган илк ўзбек миллий романдир. Ойбекнинг “Қутлуғ қон”

романи шўролар мустамлакаси асосан тўла ўрнатилган давр яратиғи бўлса, Ў.Ҳошимовнинг “Тушда кечган умрлар” асари мустамлакачилик-нинг сўнгги йилларида дунё юзини кўрган роман эди.

Аҳмет Оғир империянинг шаклланиш, “тараққиёт” ва таназзул даврлари, яъни турли ижтимоий-сиёсий вазиятларда собиқ иттифок миллий республикаларида ижодкор эркинлиги учун берилган имконлар маҳсули ўлароқ битилган романларга мурожаат этиши мутлақо тасодифий эмас. У ижтимоий муносабатларнинг бадийий инъикоси орқали шу система ичидаги статик (ўзгармас) ва динамик ўзгаришларни топишга уринади. Айни пайтда миллий-эстетик онг бир босқичдан иккинчи босқичга ўтишини теологик, метафизик ва позитив қонунлар асосида текширилиш лозимлигини эътибордан четда қолдиради. Адабий ҳодисалардан типиклик ва умумийлик излашга интилиши, ижтимоий фактларга ортиқча эътибор қилиш натижасида, ҳодисалар поэтик идрок этилишидаги индивидуаллик, инсон образи табиатига хос баъзи ноижтимоий жиҳатлар етарлича тадқиқ этилмайди. Назаримизда, у инглиз социологи Гёрберт Спенсер ва француз олими Эмиль Дюркгейм, немис ижтимоиётчиси Макс Веберлар сингари социологик фактлардан индивидга томон боради. Ваҳоланки, бадийий асар ва унинг қаҳрамонларига тайёр андазалар асосида эмас, балки биринчи навбатда муаллиф эстетик идеали орқали назар ташлаш талаб этилади.

Аҳмет Оғир миллий адабиётимиз ижтимоий тарихини турли тарихий босқичлар қиёси орқали кузатиб, бадийий адабиётга коммуникация жараёни сифатида муносабатда бўлади. Шубҳасиз, коммуникация шарт-шароитга кўра ўзгаришларга учрайди. Натижада, воқелик ва инсонга бўлган муносабат, поэтик таҳлил ва талқин ҳам ўзгаради. Шундай экан, тарихий-адабий манбааларни муайян давр контекстида ўрганиш лозим. Шундагина адабий меросларни тўғри ва холис баҳолаш, уларнинг бугунги кундаги аҳамиятини кўрсатиш мумкин. Турли даврларда яратилган ўзбек романларининг ҳозирги ҳаётини ўрганишга ҳаракат қилган уммон орти тадқиқотчиси бу асарларга ўқувчиларнинг қизиқиш даражаси, уларга берган баҳолари ўзгарувчан табиатга эга экани, бадийий дид, маънавий-руҳий эҳтиёж талабларига кўра ҳар бир даврда серқатлам адабий асарнинг у ёхуд бу мазмун қирраси актуаллашуви мумкин эканига етарлича аҳамият қаратмайди.

Ваҳоланки, бадий асар ўз яратилган даврининг маҳсулигина эмас, балки у турли даврларда турлича тушунилиши ва баҳоланиши ҳам ўзига хос қонуниятдир. Масалан, А.Қодирий қаламига мансуб “*Ўткан кунлар*” романи давр ижтимоий муаммолари, ижтимоий тарихий шароит, миллатдошларимиз эстетик завқидаги ўзгаришларга боғлиқ турфа талқинларини кузатайлик.

1. *Роман яратилган давр.* Ёзувчи учун миллат фожиалари илдизлари ва ўлканинг мутараққий мамлакатларга ҳамқадам бўлолмаслигидан ўртанган қалбидаги пўртаналарни ифодалаш муҳим ижтимоий муаммо эди.

2. *Ўтган асрнинг 60-йиллари.* Бу даврда асар мазмунининг юқоридаги қирраси ҳақида ошқора гапириш имконсизлиги учун ота-она орзуси, муҳаббат, вафо, садоқат ва б. мазмун қатлами фаоллашиб, бу роман *шиқий-машиий ва саргузашт* асар сифатида талқин қилинди.

3. *XX асрнинг 80-йиллари иккинчи ярми.* Жамиятда ошқоралик ва демократия тамойилларига қисман имкон берилиши, жаҳоний тараққиёт сари интилиш, эрк ва озодлик соғинчининг янада ортиши билан биргаликда асар яратилган даврдаги мазмун қатлами фаоллашди.

4. *Мустақиллик йиллари.* А.Қодирийнинг адолат-разолат; диёнат-хиёнат, шахс-жамият каби турли даражадаги манфаатлар тўқнашувини тасвирлашига эътибор қаратилди. Адибнинг инсон эрки, қадр-қиммати, шаън-шавкати ҳақидаги мулоҳазалари кўнгишларга яқин бўлиб қолди. Демак, эндиликда умуминсоний муаммолар талқини муҳим санала бошланди.

Аҳмет Оғир изланишларида ўзбек романлари яратилишидаги хронология сақланган. У Марказий Осиёнинг Чор империяси ва шўролар томонидан босиб олинмиш тарихи, мустамлакачилик тоталитар мафкуравий сиёсатининг ўзбек романларидаги тасвирини тадқиқ этишни ўз диссертациясида асосий вазифаси қилиб олган. Олим барча хориж ўзбекшунослари тадқиқотларида кузатилувчи бир муҳим жиҳатга эргашиб, таҳлил объектига мафкуравий-сиёсий нуқтаи назардан баҳо берган. Бадий матндаги тасвирлардан миллий озодликка интилиш руҳидаги ўринларни қидирган.

Аҳмет Оғир романлар тадқиқида жамиятда интеллектуал шахсларнинг миллат онгини уйғотиш ҳамда юксалтиришдаги ўрни, аҳамияти хусусида тўхталади. Хусусан, “Ойбек “Қутлуғ қон” рома-

нини яратиш орқали ўзбек ҳаётидаги янги типдаги интеллектуалларни бадий асарга олиб киришга муваффақ бўлди”, деган фикрни илгари суради ва ўз қарашларини италян олими Антонио Грамси (1891-1937) яратган назария асосида изоҳлайди.<sup>112</sup> А.Грамсининг фикрича, ҳар қандай миллат зиёлилари муайян ижтимоий функция ташийти. Шундан келиб чиқиб у олимларни куйидаги икки гуруҳга ажратади: 1.Анъанавий зиёлилар 2.Органик интеллектуал – муайян бир синфнинг ғоя ва умидларини аниқ мақсад томон йўналтирувчилар.

Маълумки, яқин ўтмишда миллат илғор зиёлилари синфий кураш деган сохта назарияга хизмат қилишга жалб этилган, ўз асарларида бу тамойил билан қисман ҳисоблашишга мажбур бўлишган эди. Бугунги кунда миллатнинг ижтимоий-эстетик тафаккур тутуми, миллий эстетик онг тадрижининг тўхтама мутлақо ўзгача. Айни пайтда, биз шуни унутмаслигимиз лозимки, шўро даврида миллат ҳаётининг муҳим тарихий босқичларини қаламга олиш, умумхалқ аҳамиятига молик муаммоларни поэтик идрок этишда жаҳон адабиётида мавжуд асарлар билан беллаша оладиган эпопеялар юзага келишига имкон берилмаган эди. Зотан тоталитар адабий сиёсат халқлар қахрамонона ўтмиши, миллат фидоийларининг ўз эл-юрти озодлиги ва бирдамлиги учун курашларини кўламдор тасвирлашдан мутлақо манфаатдор эмасди. У халқлар маданий-маиший турмуши, урф-одатлари, ижтимоий-сиёсий ҳаёти, эътиқод-маслаги ҳақида ёзишни “*ўтмишни идеаллаштириш*”, “*замонани инкор этиш*” сифатида баҳоларди. Бу эса ижод аҳлида имконсизликни юзага келтирганди. Эндиликда шўро даврида иқтидорли ва салоҳиятли адибларнинг бир қисми жисман йўқ қилингани, иккинчи бир тоифаси эҳтиёткор бўлишга мажбур этилгани сир эмас. Кўрқув ва эҳтиёткорлик авж олгани, дин ва фалсафа инкор этилгани, азалий қадриятларгина эмас, ботиний олам майллари ҳам бошқарилгани – шахсият ижтимоийликка тобе этилгани муҳит бадий насрида даврнинг доминант ижтимоий кайфияти акслангани тўғри эди.

Жумладан, йирик бадий полотно бўлган “*Қутлуғ қон*” романида Ойбек ўлкадаги қашшоқлик, ҳуқуқсизлик алалоқибат халқ

---

<sup>112</sup> Ahmet Ag'ir. From Colonial Past to Colonial Future: Three Uzbek Novels(Qodiry,Oybek, Hoshimov) University of Wisconsin-Madison, 2003. P.10.

ғазабига сабаб бўлишини чуқур ҳис этган. Одамлар қалбидаги руҳий яқинлик уларни бир-бирига дардкаш қилганлигини теран англаган, ифода этган. Ижтимоий онгда пайдо бўлаётган янгича фазилатларни романда акс эттиришга интилган. У воқеа-ҳодисаларни кенг ҳамда атрофлича тасвирлаган. Шунга қарамасдан, ёзувчи асосий эътиборини ижтимоий-тарихий воқелик ва характерлар муносабати масаласига қаратишга мажбур бўлган эди.

Бинобарин, Ойбек даҳоси шахсиятига заррача соя солмаган ҳолда айтиш лозимки, “*Қутлуғ қон*” да асосий урғу ижтимоий конфликтни очишга қаратилгани боис персонажлар кескин қутблантириб ифодаланган. Ойбек характерлар динамикасини “*тарихий ўзгаришлар*”ни тасдиқлашга хизмат қилдириб, “*эски*” жамият ақидалари инкори ва “*янги*”сининг тасдиғи стереотипига амал қилишга мажбур этилган. Романнинг аксарият қаҳрамонлари ҳаёт воқеалари драматизм ва фожиалари сўқмоғидан ўтгач, онги уйғониб, ижтимоий курашчиларга айланишади. Улар ўз истағи бўйича ўйлаб, кўнгил интилишлари билан ҳаракат қила олишмайди. Ойбек тасвирида миллий онгнинг уйғониши синфийлик билан чамбарчас боғланиб кетади.

Эҳтимол, шу жиҳатларни назарда тутган бўлса керак, Аҳмет Оғир Ойбекни органик интеллектуал санайди. Унинг наздида адиб дунёқараши комфирқа ғояларига узвий боғланган. Ёзувчи романда унинг назарияси ва ғояларини қўллаб қувватлаган. Бош образ, ижобий қаҳрамон Йўлчидан ўша ғояларни халқ ўртасида тарқатиш воситачиси сифатида фойдаланган. Йўлчи оддий халққа таълим берадиган ўқитувчи ва ниҳоят тўқнашувларда халққа раҳбар бўлган ташкилотчи даражасига кўтарилган. Бу Ойбекнинг эмас, балки давр адабий-мафкуравий сиёсатининг фожиаси эди. Шунинг учун ҳам Аҳмет Оғир нисбатан кейинги давр маҳсули бўлган Ў.Ҳошимовнинг “*Тушда кечган умрлар*” романида Йўлчи типидagi интеллектуалларни яратиш мушкул дея тўғри хулосага келади.<sup>113</sup>

Аммо, олимнинг адабий тип ҳақидаги қарашлари, бизнингча, бирқадар баҳсталабдир. Чунки у адабий типнинг ижтимоий томонига урғу бериб, унинг индивидуаллигига етарлича аҳамият қаратмайди. Йўлчини “ўзбек ҳаётидаги янги типдаги интеллектуал” деб

<sup>113</sup>Ag'irA. From Colonial Past to Colonial Future: Three Uzbek Novels (Qodiry, Oybek,Hoshimov) University of Wisconsin Madison, 2003, P.12.

билади. Бу билан Ойбекнинг санъаткорлик маҳоратини схематизм доирасида изоҳлайди. Олим масалани шўро даври адабиётшunosлиги манбааларига таяниб тадқиқ этганлиги боис Ойбекнинг воқеликни идрок этиш принципига хос типиклаштириш табиатини тўлақонли кашф этолмайди. Шунга қарамасдан, Аҳмет Оғир реализм босқичида адабиётнинг билиш функцияси устувор эканлигини назардан қочирмаган.

Албатта, Аҳмет Оғирнинг “интеллектуаллар” таснифи, Йўлчининг “янги типдаги интеллектуал” санашида ҳам асосли мантиқ бор. Айни пайтда жамият тарихи ва бадиий ижод табиатини синфлар курашига кескин боғлаб, бу тамойилни адабий ҳодисаларни ҳаракатлантирувчи куч сифатида таърифлаб бўлмайди. Бу типдаги ёндашув адабиётни мафкура куроли деб билишдир. Қолаверса, бир миллат зиёлиларини икки қутбга ажратишда ҳам бизнигча, ҳеч қандай мантиқ мавжуд эмас. Бундай қараш ўз мазмунига кўра синфийликнинг: “*ҳар бир маданиятда икки маданият мавжуд*” лиги ҳақидаги ғайриилмий қарашларига руҳан яқин туради.

Аҳмет Оғир диссертациясида образлар эволюциясини ўрганишга ҳам алоҳида эътибор қаратади. Олим Йўлчи образи динамикасидаги ўзи муҳим деб ҳисоблаган қуйидаги нуқталарга эътибор қаратади. Уммон орти тадқиқотчиси фикрига кўра “Ойбек ўз ғоявий мақсади тарғиботчиси, истак хоҳишларини қўллаб қувватлайдиган идеал қаҳрамонларни яратиш ва ушбу идеалларни характерлашда руслар маданияти, Россия, рус кишилари, кейинроқ совет идеологлари ва ниҳоят рус тарихи ва уларнинг мустамлакачи сифатидаги қудрати муҳим аҳамият касб этган.”<sup>114</sup> Албатта, Аҳмет Оғир таъкидлаганидек, Йўлчи адиб ғоявий мақсади, аниқроқ айтганда эстетик идеалини ташийди. Аммо, Йўлчи реалистик белги сифатларига кўра тасвирлангани боис фақат ва буткул идеал қаҳрамон саналмайди. Зотан “эстетик идеал” ва “идеал қаҳрамон” айнан бир хил назарий тушунчалар эмас. Эҳтимол хориж ўзбекшуноси наздида Петров образи “руслар маданияти, Россия, рус кишилари, кейинроқ совет идеологлари ва ниҳоят рус тарихи ва уларнинг мустамлакачи сифатидаги қудрати”ни намоён этиши мумкиндир. Бироқ соғлом мантиқ талабига кўра бутун бир миллат ва унинг

<sup>114</sup> Ahmet Ag'ir. From Colonial Past to Colonial Future: Three Uzbek Novels (Qodiry, Oybek, Hoshimov) University of Wisconsin-Madison, 2003. P. 26.



яхлит маданияти, тарихи ёшпасига моҳиятан мустамлакачиликдан иборат бўлиши мумкин эмас. Шу нуқтага назардан рус миллати ва чор сиёсатдонлари, рус миллати ҳамда шўро идеологлари ўртасига тенглик аломати қўйиб бўлмайди. Қолаверса, Петров образининг асарга зўрлаб тиқиштирилиши Ойбек ғоявий максадига зид тарзда амалга ошган эди.

Албатта, ўтган асрнинг қирқинчи йилларидан эътиборан ўзбек адиблари ҳукмрон мафкура тазйиқи остида унинг руслаштириш сиёсатини бадий ифода этишга мажбурият ҳис этдилар. Натижада, уларнинг асарларига бир қатор миллий-этник ижобий типлар кириб келди. Агар биз ўша даврда юзага келган бадий асарлар: Ойбекнинг “Қутлуғ қон”, “Болалик”, Ғ.Ғуломнинг “Нетай”, “Соат”, А.Қаҳҳорнинг “Томошабоғ”, А.Мухторнинг “Опа-сингиллар” сингари ҳикоя, қисса ва романларини кузатсак, уларда Семён, рус муаллими, Стокгулов, Ефим Данилович Надеждин сингари бир қатор рус кишиси образларини учратамиз. Аёнки, бундай типлар кўпинча бадий матн эстетик талаблари ва қахрамонлар характер-саъжиясидан келиб чиққан ҳолда эмас, балки партиявийлик тамойили асосида танланган. Чунки, бу даврда қалам аҳлининг адабий-эстетик имконлари чекланган эди.

Миллий истиқлолгача бўлган давр ўзбек адабий танқидчилигида бундай образларни аналитик таҳлил қилиш имкони бўлмаган. Шунга қарамасдан, Э.Каримов<sup>115</sup>, М.Кўшжонов<sup>116</sup>, Т.Бобоев<sup>117</sup> ва бошқа ўзбек олимларининг айрим изланишларида, адабиётшунос А.Абдурахмоновнинг<sup>118</sup> номзодлик диссертациясида ушбу персонажлар таҳлил қилинди. Шу ўринда бундай йўналишдаги тадқиқотлар нафақат ўзбек, балки бошқа туркий халқлар адабиётшунослигида ҳам мавжудлигини таъкидлаш ўринли. Бунинг бир мисоли сифатида туркман адабиётшунос олими Б.Ягмуродовнинг тадқиқотини келтириш мумкин<sup>119</sup>. Чунки, сиёсий ва мафкуравий тамойил-

<sup>115</sup>Каримов Э. А. Развитие реализма в узбекской литературе. Ташкент: Фан, 1975.

<sup>116</sup>Кўшжонов М. Ҳаёт адабиёт кўзгусида. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва саънат нашриёти, 1985.

<sup>117</sup>Бобоев Т. Замон ва қахрамон. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва саънат нашриёти, 1976.

<sup>118</sup>Абдурахмонов А. Проблема характера русского человека в узбекской прозе (1920-1970г). Дис. ... на соискание ученой степ. канд. фил. наук. Ташкент, 1982.

<sup>119</sup>Ягмуродов Б. Образ коммуниста в послевоенной туркменской советской поэзии. Автореферат дис. ... на соискание учен. степени канд. филол. наук. Ашхабад, 1964.

ларни дастуриламал қилган совет цензураси уларни бир томонлама талқин этишгагина имкон берди.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, Ойбекнинг “Кутлуғ қон” романидаги Йўлчи образининг эволюцияси масаласи ана шундай субъектив талқинлар марказида бўлган. Масалан, рус танқидчилари: “Йўлчининг онгли курашчига айланиш процессини психологик жиҳатдан асослаб кўрсатмайди”, “Йўлчи характери ҳаққоний эмас, ёзувчи бу персонажни муваффақиятли чиқара олмаган”, десалар, айрим ўзбек мунаққидлари: “Йўлчининг турмада Петров билан танишиши кенгайтириб, ривожлантириб берилмаган, натижада бу образ анча схематик бўлиб чиққан”, – қабилгидаги фикрларни қайд этишган. Масалан, Т.Бобоев 1976 йилда нашр этилган “Замон ва қаҳрамон” китобида Ойбекнинг “Кутлуғ қон” романидаги рус кишиси образи – Петровга муносабат билдириб, асарнинг бош қаҳрамони, Йўлчи онгида юз берган туб сифат ўзгаришининг моҳиятини Петровсиз англаш мумкин бўлмасди, деган қарашни илгари суради. Олим наздида Йўлчининг ҳаракат-кечинмалари, тафаккур тарзи туб сифат ўзгаришларга учраган. Бу ўзгаришлар эсанинг ўз замонаси илғор фикрли интеллектга айланишида намоён бўлган. Унинг фикрича, Йўлчи дунёқарашидаги ижобий ўзгаришларда рус кишиси образи Петровнинг муносиб ўрни бор.<sup>120</sup>

Кузатганимиздек, “Кутлуғ қон” романидаги Петров образи билан боғлиқ бадиий воқелик америкалик олим Оғир Аҳметни ҳам эътиборсиз қолдирмаган. Унинг фикрича: “Йўлчи рус кишисини учратгунга қадар оддий дехқон сифатида тасвирланади, Петров билан қилган суҳбат қаҳрамон дунёқарашининг шаклланишига сезиларли таъсир этади. Шундан сўнг у руҳан етук, ўз миссиясига вафодор ва энг муҳими бошқалар учун идеал шахсга айланади.”<sup>121</sup>

Воқеликни инқилобий тараққиётда тасвирлаш, ғоявийлик, партиявийлик, синфийлик, пролетарча чекланган интернационализм каби сунъий тарзда қатъийлаштирилган мафкуравий тамойилларнинг илмий ижод жараёнига тўғридан-тўғри тадбиқ этилиши адабиётшуносларнинг эркин интилишларини чеклаб қўйди. Натижада, нафақат бадиий ижод билан шуғулланган қалам аҳли, балки олимлар ҳам тоталитар мафкуранинг дастёрига айланишга мажбур бў-

<sup>120</sup>Бобоев Т. Замон ва қаҳрамон. Тошкент: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976.Б.53.

<sup>121</sup>Ahmet Ag'ir. From Colonial Past to Colonial Future: Three Uzbek Novels (Qodiry, Oybek Hoshimov) University of Wisconsin- Madison, 2003. P. 17.

лишди. Хусусан, шўро адабиётшунослигида ҳам соцреализм аталмиш сохта методнинг тургун акидаларига эргашиш яккол намоён бўлди. Юқоридаги мисолнинг ўзиёқ, ижтимоий-социологик таҳлил жараёнининг вулгарлаша боргани, адабий танқид тавсия этаётган эталонларнинг оммалашуви эса бадий адабиётда схематизмнинг барқарорлашувиغا олиб келганлигини кўрсатади.

Объектив шароит тубдан ўзгариб, мустақиллик қўлга киритилгач, ўтмиш меросига янгича асосда тарихий функционал ёндашиш ривожлана бошлади. 1990 йиллардан кейин амалга оширилган тадқиқотларда “Қутлуғ қон” да акс этган рус кишиси образи—Петровга муносабатда ҳам олдинги талқинларнинг мутлақо акси кузатилади. Эндиликда унинг поэтик асарга мажбуран, зўрма-зўракилик билан, бадий ҳақиқатга хилоф равишда киритилганлиги эътироф этилди. Ўша давр ҳукмрон мафкураси нотўғри талаблари, бадий адабиётни сиёсатлаштириш билан боғлиқ танқидий қарашлар пайдо бўла бошлади.

Кўринадики, ўзбек, рус ва америкалик танқидчиларнинг фикрлари улар юзага келган давр, таянган акидаларига кўра бири иккинчисини инкор этади. Шунга қарамасдан, Йўлчи образининг бадий матндаги тадрижи билан боғлиқ муаммо мустақилликкача бўлган даврда ўзининг тўлақонли баҳосини олмади. Ойбек бош образни яратишда қўллаган приёмлар яширин моҳияти нисбатан камроқ тадқиқ этилди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, академик М.Кўшжонов ҳам “Характер эволюцияси” номли тадқиқотида Йўлчи образининг тараққиёт жараёнига таъсир этган омиллар ва характер ривожланиш мантиқи масаласида қисман расмий адабий сиёсатга ён босишга мажбур бўлган эди. Чунки Россия инқилобчилари образлари асар тўқимасига тўлалигича киритилмаганлиги даъволаридан сўнг Ойбек Петров образини романга олиб киришга мажбур бўлганини у билар, аммо бунини ошкор айтишга имконсиз эди. Шунинг учун ҳам олим: “Ойбек характерлар ўсиши ва шаклланишини ўткир қарама-қаршиликлар курашининг натижаси сифатида беради... Йўлчининг Петров билан учрашуви ёзувчининг мақсадига кўра аввалдан ривожланиб келган психологик процесснинг охирига етган кульминацияси эди, деб ёзади олим.<sup>122</sup>

---

<sup>122</sup> Кўшжонов М. Ҳаёт ва қаҳрамон. Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985. Б.93-132.

Замон ўзгариб, тузумлар алмашиб, мафкуравий тамойиллар янгиланган даврда эса М.Кўшжонов кўнглида қолиб кетган гапларни бемалол изҳор эта олди. Йўлчининг Сибирга сургун қилиниши ва у ерда инқилобчи Петров билан учрашиб, ундан таъсирланишлари романга кейин қўшиб қўйилган, деган қарашлар бор. Бу фикрларга ишониш мумкин, чунки Ойбек шу ишни ўрнига қўймаса, тоталитар мафкура тўқмоғи унинг боши узра айланиши турган гап эди. Бу эпизод бир оз ясама кўринса ҳам, санъаткор адиб нуқтаи назаридан воқеалар оқимига тўла ёпишиб кетмайдиган бўлса ҳам, муаллиф шу йўлни тутишга мажбур бўлди, деб ёзади олим сўнги тадқиқотларидан бирида.<sup>123</sup> Кўринадики, Матёкуб Кўшжонов Йўлчи образига бўлган илгариги қарашларидан қаноат туймаган. Шунинг учун ҳам у: “Йўлчи характерининг инқилобчи сифатида шаклланиш тарихи романнинг бадиий ва ғоявий хислатларини тўла очиб бериш учун етарли эмас... романда асосий масала ўша даврдаги ижтимоий ҳаётдаги умумтараққиёт йўлларини тўлароқ акс эттиришга қаратилган... ”Қутлуғ қон” да бош тугун икки ижтимоий табақа орасидаги зиддият асосига қурилган”, деб ёзган эди.<sup>124</sup> Бу ҳол М.Кўшжонов ўзининг аввалги фикрларини муттасил тафтиш этиб боргани, уларни кейинги мулоҳазалари билан қиёслаб янгича талқинларни илгари сурганлигини кўрсатади. Яъни бу ўринда ҳам объектив, ҳам субъектив факторлар асосида образ эволюцияси ва роман моҳияти қайта идрок этилганлиги факти намён бўлади. Адабиётшуноснинг бадиий асар ғоявий йўналиши, характерларни яратишда Ойбек “ҳаёт контрасти” приёмидан фойдалангани муаллиф мақсадининг антитезага асосланиши, рамзий кодларда акс этиши – яширин ифодаланиши билан боғлиқ фикрлари энг тўғри ва объектив қарашдир. Эҳтимол, М.Кўшжонов тафаккурининг олис пучмоқларида айни хулоса аллақачон мавжуд бўлган. Бироқ мустақиллик даври плюралистик тафаккуригина уни юзага чиқаришга имкон берган бўлиши мумкин.

Аҳмет Оғир кўтарган навбатдаги масала муайян бадиий асардаги қаҳрамон индивидуаллига муаммосидир. Америка олимининг қайдича “эпик қаҳрамон қаттиққўл нотик, ҳеч қачон индивидуал эмас. Эпик қаҳрамонларга ягона шахс тақдирига дахлдор муаммо-

<sup>123</sup> Кўшжонов М. Кўнглида қолиб кетган гаплар. Т.: Маънавият, 2006. Б. 21.

<sup>124</sup> Кўшжонов М. Кўнглида қолиб кетган гаплар. Т.: Маънавият, 2006. Б. 21; 24.

ларгина эмас балки бутун жамият тақдири масаласи юклатилган бўлади”. Аҳмет Оғир роман қаҳрамони Йўлчини Жорж Люкс назариясига кўра “эпик қаҳрамон эмас” деб ҳисоблайди.<sup>125</sup>

Шубҳасиз, “Қутлуғ қон” реалистик мазмундаги эпик асар, яъни миллий романдир. Бироқ америкалик олимлар Йўлчи образи динамикасига эътибор қаратишар экан, қаҳрамон асарнинг дастлабки қисмларида ўз муаммолари атрофида ўралашиб қолишига урғу беришади. Аҳмет Оғир ва Жорж Люксларнинг наздида Йўлчи дастлаб “ўзим бўлай дейовчи дунёқараш” га эга. Бинобарин, эпик қаҳрамон бўла олмайди.<sup>126</sup>

Бизнинг назаримизда, Аҳмет Оғир жанр таснифи ва хусусиятларини белгилашда субъективликка йўл қўйган. Гап шундаки, эпик турнинг фольклорга хос дoston жанрида халқ ҳаёти ва манфаатларига боғлиқ тарихий воқеалар акс этади. Қаҳрамон эл-улус ва мамлакат тақдиридан ажратилмайди. Зотан, бу ўринда “халқ” сўзи поэтик ижоднинг ижтимоий моҳиятини акс эттиради.

Замонавий романларда ҳам қаҳрамон ижтимоий муносабатларга боғлаб талқин қилинади. Бироқ “Қутлуғ қон” романий проблема, романий қаҳрамон ва романий тафаккурга эгаллиги билан халқ эпосидан ажралади. Романда инсон тақдири орқали жамият ва олам муносабатлари таҳлилга тортилган. Мавжудлик моҳияти дунё яхлитлигида кузатилган. Йўлчи жамиятда яшагани ҳолда, ўз индивидуаллигини идрок этгани боис ҳам ижтимоий тартиблар билан зиддиятга киришади. Демак, унинг шахслик мақоми динамик равишда шаклланиб, юксалиб боради. Ойбек Йўлчи воситасида жамият жорий ҳолати, олам ва одам ҳақидаги концепциясини шакллантиради. Шундай экан, “Қутлуғ қон” ни анъанавий эпослар сирасига киритиш асарнинг воқеасига эътибор бериб, инсон тақдирига хос драматизмини унутишдир. Қаҳрамон индивидуаллиги унинг эпиклик хусусиятига дахл қилмаслигини англамасликдир.

XX аср ўзбек адабиёти мисолида олиб қараганимизда, интеллектуал қаҳрамонлар ҳам бошқа характерлар қаторида бадий матн талаби асосида киритилган бўлиб, Туркистон халқлари тақдирига дахлдор воқеа-ҳодисаларни рамзий услуб воситасида акс эттиришда муаллифлар сиёсий-ижтимоий, ғоявий-эстетик концепцияси

<sup>125</sup> Ahmet Ag'ir. From Colonial Past to Colonial Future: Three Uzbek Novels (Qodiry, Oybek, Hoshimov) University of Wisconsin-Madison, 2003 P.17.

<sup>126</sup> Юқоридаги манбага қаралсин.

ифодасига хизмат қилган. Айрим хориж олимлари янги манбалар билан етарлича таниш бўлмаганлиги ёхуд ўз фикр мулоҳазаларини тинимсиз тафтиш этиб боришмагани боис миллат адабий эстетик тафаккурига ҳамқадам бўла олишмаган. Бироқ бу фикр хориж ўзбекшунослари ёппасига ўзбек адабиёти асл моҳиятини тушуниш ва тушунтиришнинг уддасидан чиқиша олмаган, деган маънони англатмайди. Зеро, муроса фалсафасининг адабий эстетик тафаккурга ҳам кириб келиши айрим бирёқлама қарашларнинг барҳам топишига олиб келмоқда.

Аслини олганда баъзи АҚШ ўзбекшунослари қарашларида ўтган асрнинг 60-йиллариданоқ қайбир жиҳатлари билан бизнинг бугунги фикрларимизга ҳамоҳанглик жиҳатлари ҳам кузатила бошлаганди. Назаримизда, бу ҳол уларнинг ўша даврда нисбатан эркин фикрлаш имконига эга бўлганлиги билан изоҳланади. Масалан, Л.П.Қаюмовнинг гувоҳлик беришича, айрим Америка советологлари ўтган асрнинг 60-йилларидаёқ бадий асарларимизга Европа ва рус кишилари образи фақат сиёсий тазйиқ билан боғлиқ тарзда кириб келган деган фикрни илгари суришган экан.<sup>127</sup>

Шубҳасиз, бундай қарашлар бир жиҳатдан, ўша даврда икки лагерга ажралган ижтимоий-мафкуравий интилишлардан холи эмас. Масалан, Марказий Осиё халқлари тарихи билан боғлиқ изланишлар олиб борган англиялик олим Г.Ж.Дакшлегир ўз тадқиқотларида бадий адабиёт бағрида мавжуд бундай образларга нисбатан этник гуруҳ сифатида қарайди ва “ёппасига мустамлакачилар”, деб баҳолашга уринади.<sup>128</sup> Назаримизда, бундай кескин хулосалар ўша даврда икки тузум ўртасида авж олган ғоявий-мафкуравий курашларнинг оқибатидан келиб чиққан бўлса керак. Бизнингча, ўзбек адабиётидаги бу хилдаги барча образларни буткул сиёсат таъсирида киритилган дейиш, муайян маънода тарихий ҳақиқат ва мантиқий тафаккур талабларига тўла мувофиқ эмас. Чунки ўша давр ёки бугунги кун нуқтаи назаридан қараганда ҳам, ижтимоий-сиёсий ва маданий-маиший ҳаёт маҳаллий (ерлик) аҳолининг рус миллати вакиллари билан яқин муносабатда бўлишига имкон берган. Бу жиҳатдан, муносабатларнинг бадий тафаккур

<sup>127</sup> Ғоявий кураш ва ўзбек адабиёти / Л.Қаюмов, М.Нурмухаммедов, М.Кўшжонов ва б. Тошкент: Фаң, 1985.Б. 36.

<sup>128</sup> Dakhshleiger G. J. The Theme of the Friendship of Peoples in Soviet Historical Research. Asia in Soviet Studies. ed. B.G.Gafurov(Moscow: Nauka Publishing, 1969, pp. 249-250.

тарзига кўчиши масаласига ғоятда табиий жараён сифатида ҳам қарамоқ лозим. Қолаверса, Туркистонда маърифатпарварлик ва жадид адабиётининг тараққийсида Европа ва қардош халқлар адабиёти, маданиятининг ҳам таъсири мавжудлигини назардан қочирмаслигимиз керак. 1920 йиллар ва ундан кейин яратилган асарларда учровчи янгича фикрлайдиган зиёли (маърифатпарвар) кишилар образларини баҳолашда фақат инкор қилиш йўлидан бормай, ана шундай факторлар ҳам назарда тутилмоғи лозим кўринади.

Агар Париж Коммунаси инқилобий ҳаракатларнинг яққол таъсири тимсоли бўлгани эсланса, Ойбекнинг “Қутлуғ қон” романида эркинлик ғояларини маълум маънода рус инқилоби билан боғлашга интилишини ҳам тушуниш мумкин бўлар. Романнинг айрим ўринларида рус-совет характери паралел (ёнма-ён) тасвир этилган. Бу муаммони бадиий асарнинг ғоясига кучли урғу бериш орқали изоҳлаш доим ҳам ўзини оқлайвермайди. Чунки айти тасвирларга бадиий-эстетик мезонлар нуқтаи назаридан ҳам ёндашиш мумкин.

Аҳмет Оғир XX аср ўзбек адабиётининг энг йирик вакиллари-дан бири Ў.Ҳошимовнинг чуқур дарди, изтиробли ўйлари инъқоси бўлган, янгича йўналишдаги романи “Тушда кечган умрлар” тадқиқига оид ҳам эътиборли кузатишлар олиб борган.

Маълумки, ўтган аср ўзбек прозаси тараққиётида Ўткир Ҳошимовнинг ҳам муносиб ўрни бор. Унинг “Нур борки соя бор”, “Икки эшик ораси”, “Тушда кечган умрлар” каби романлари, “Баҳор қайтмайди”, “Қалбингга кулоқ сол”, “Дунёнинг ишлари” каби қиссалари кўшлаб ўзбек китобхоналари, олимлари қаторида хориж адабиётшунослари орасида ҳам эътироф этилди. Ёзувчи ижодининг дастлабки босқичларида яратилган “Қалбингга кулоқ сол” номли қиссаси 1970 йиллардаёқ Америка олими Ж.Баррет назарига тушган эди. Ж.Баррет инсонпарварлик туйғуларининг теран тасвирлари акланган “Қалбингга кулоқ сол” қиссасини, унинг қаҳрамонлари қарашларини ифода этаётган адиб мулоҳазаларини Ўрта Осиёдаги етакчи миллатлардан биридаги миллий уйғониш муждалари сифатида баҳолаган эди.<sup>129</sup>

Аҳмет Оғир “Тушда кечган умрлар” таҳлил қилар экан, асосий эътиборни рамзий ифодалар моҳиятини очишга қаратади. Олим романдаги дастлабки рамзийликни “пахта мотиви”, реал макон “уй

<sup>129</sup> Назаров Б. Ёзувчининг маънавий жасорати . Ўзбек тили ва адабиёти // 2011, № 4. Б 27.

мотиви” атрофида ечишга уринади. Унингча, асардаги пахта ва пахта йиғим теримида фаол иштирок этиш мустамлакачилик моҳиятини рамзийлаштиришда ўзига хос калит вазифасини бажарган. Бош қаҳрамон ихтиёрига зид тарзда Афғонистонда хизмат қилиши оса уни ўз оиласи ва минтақасига хос кадрдон муҳитдан узоқлаштирган. Рустамнинг яқинларидан бегоналашуви унинг ўз хатти-ҳаракатлари реал макони ҳақидаги тушунчаларига монелик қилган.<sup>130</sup>

Аҳмет Оғирнинг таъкидлашича, “Тушда кечган умрлар” романидаги “уй мотиви” да ҳам ўзига хос рамзий маъно мавжуд. Олим ушбу рамзийликни романдаги “мен тўйни ўз уйимда қилаяпман”, “четдан келганларга уй топилади, аммо ўзбекка йўқ” каби жумлалар асосида очишга ҳаракат қилади. Олимнинг назарида, “уй” жамиятни ислоҳ қилиш билан боғлиқ рамзий маъноларни ҳам келтириб чиқаради. Рустамнинг ўз уйи учун курашиши бир вақтнинг ўзида миллат ғурурини уйғотиш ёки уни мустаҳкамлаш, ҳукмрон кучлардан химоялаш ҳамда ўзликни англаш ва англатиш демакдир.<sup>131</sup>

Аҳмет Оғирнинг юқоридаги фикрларини асар яратилган давр, муаллифнинг озод туйғуларни ёқлаши нуқтаи назаридан қўллаб-қувватлаймиз. Айни ўринда юқоридаги фикрлар алоҳида шахсинг аламзадалиқдан туйғулари жунбушга келган пайт (экстрем вазият-ҳолат) да айтилган бўлиши ҳам мумкин. Бу орқали адиб ҳар қандай уруш инсон руҳиятига каттиқ таъсир қилиши, ҳатто унинг руҳиятида патологик асоратлар қолдиришига асосий урғуни қаратган. Демак, Рустамнинг нафрати ноўрин бошланган қаттол Авғон уруши сабабкорларига қаратилган. Агар биз шу эстетик мақсаддан келиб чиқсак, роман қаҳрамони юртдан олисда юриб уни янада кадрлайдиган бўлиб қолгани, ўзи кўрган шафқатсизликлардан мутлақо беҳабар кимсалар миллат қадриятларига бефарқлигини ҳазм қилолмаслиги ойдинлашади. Қолаверса, Рустамнинг ўз уйини химоя қилиши, қадриятларини эъзозлаши уруш кўрган кишининг тинчлик ва осудалик соғинчидан униб чиқади. Унинг миллий қадриятларни эъзозлаш талаби кенгроқ маънода изоҳлашга лойиқдир. Зотан, асар қаҳрамони Ўзбекистон деганда нафақат ўзбек милла-

<sup>130</sup> Ahmet Ag'ir. From Colonial to Post Colonial Future: Three Uzbek Novels (Qodiriy, Oybek, Hoshimov Wisconsin University, Madison, 2003. P.142.

<sup>131</sup> Юқоридаги манбага қаралсин, P.146.



тини, балки шу ҳудудда яшаётган барча миллат ва элатларни ҳам англайдик, бундай толереантлик замиридан миллатлараро зиддият излашга ҳеч қандай асос йўқ. Агар ёзувчи жамият аъзоларини халқимизнинг туб мақсадлари йўлида бирлашувга чорласа, улар мамлакатимизда яшаётган барча халқ, миллат, элат, ижтимоий қатлам ва дин вакилларига бирдай тааллуқли эканидан сўз очса, бу билан Ўзбекистон – ягона ватан деган туйғуни шакллантиришга хизмат қилган бўлади. Шубҳасиз, бу ҳам ижтимоий ғоя. Бироқ у миллий истиқлол ғоясига руҳан туташган. Бирор бир дунёқарашни мутлақлаштирмасликка йўналтирилган. Назаримизда, романдаги рамзий ифоданинг серқатламлиги асл моҳиятни тўла очиш имконини бермаган.

Аҳмет Оғир “Тушда кечган умрлар” романи қаҳрамони Рустам Ғожеасини куйидагича баҳолайди. “Ёзувчи романнинг дастлабки қисмларини асосий қаҳрамоннинг ўлими билан бошлайди. Демак, романнинг бошқа қисмлари тўғридан-тўғри асосий қаҳрамон ҳақида эмас, балки унинг бахтсиз тарихи ёки оғриқли, азобли ўтмиш ҳаёти хусусидадир. Бошқача қилиб айтганда, асосий қаҳрамон романда ҳикоянинг фаол иштирокчиси эмас.<sup>132</sup> Кўринадики, олим романдаги ҳикоячи-персонаж шахсининг реал вақтга муносабати масаласида объектив хулосага келган. Аммо олим Рустамнинг “бахтсиз тарихи”, “оғриқли, азобли ўтмиш ҳаёти” га эмас, кўпроқ воқеаларда фаол иштирок этмайдиган кишининг нутқиға, яъни унчалик асосий бўлмаган жиҳатга диққат қаратади. Ваҳоланки АҚШ олими: “Мен романи тўлалигича рамзий асар, деб даъво қилмоқчи эмасман, лекин романнинг айрим ўринларида муаллиф ўтмишни кашф қилиш воситасида баъзи аллегорик ифодаларни акс эттирган”, деб ёзганида ҳақ эди.<sup>133</sup>

Муаллиф назарида, Ўзбекистоннинг бугуни (олим асарда тасвир этилган даврни назарда тутяпти З.М) мустамлака ўтмишдан фарқ этмайди. Муаллиф ҳикоясида, ўтмишдаги мустамлакачилик бугун билан қўшилиб кетган ва халқ янаям кучлироқ тобеълик ҳукмиға мубтало бўлган.<sup>134</sup> Олимнинг романида акс этган даврни қиёсий

---

<sup>132</sup>Ahmet Ag'ir. From Colonial Past to Colonial Future: Three Uzbek Novels (Qodiry, Oybek Hoshimov) University of Wisconsin-Madison, 2003, P.133.

<sup>133</sup>Ahmet Ag'ir. From Colonial Past to Colonial Future: Three Uzbek Novels (Qodiry, Oybek Hoshimov) University of Wisconsin-Madison, 2003.

<sup>134</sup> Ўша манба P.133.

Иусинда таҳлилга тортиши ва мустамлакачилик табиатидаги муш-тараклик ҳақидаги фикрлари асосли. Шунингдек, “Тупда кечган умрлар” романи айрим лавҳалари ҳақида сўз юритиши ҳам ман-тиқан ўзини оқлайди. Бироқ, у айна ўринда бадий ҳақиқат ва иж-тимоий-сиёсий реалликни айнанлаштириб қўяди.

Оғир Аҳмет мазкур воқеадаги рус/совет характери – Григорий Степанович Василиев образи муҳим рамзий маънога эга, мазкур образ моҳиятини очишда фойдаланилган ҳар бир кичик детал чу-қур символик моҳиятни акслантирган, деган хулосага келади. “Григорий Степанович – рус образи. Ўзбекистонда хали ҳам ўз ҳукмронлигига эга мустамлакачи шахс, шўролар тузуминининг рамзий ифодаси. Муаллиф мажозий тил орқали мазкур колониял ўтмишни очиб ташлаш, рамзий ҳикоя (баён З.М.)да рус / совет характери мана шундай услубда акс эттириш ва уни миллий образ билан ёнма-ён қўйиш билан бугунги кунни тафтиш эта олган. Рустам мустамлакачиларга қарши исён кўтарган, улардан “ҳисоб” олишга чоғланган, мустамлака қилинган одамлар тарихини нигоҳи-дан ўтказаяётган шахс – муаллифнинг гапирувчиси”, деган хулосага келади, олим.<sup>135</sup>

Аҳмет Оғирнинг юқоридаги қарашлари романда аксланган 1930 йиллар қатағони воқеалари, 1980 йиллардаги машъум Афғон уру-шининг даҳшатли лавҳалари, айна шу жараёнга туташ, ўзбеклар бошига мусибат олиб келган “ўзбек иши” фожеалари учлигидан хосил бўлган ягона ижтимоий ғояга ёндош, яъни бадий матннинг етакчи моҳияти асосида чиқарилган реал хулоса. Аммо иккинчи бир тарафдан, бизнинг назаримизда, Аҳмет Оғир “энг муҳим” деб ҳисоблаётган картинада рамзийликдан кўра, кўпроқ конфликтнинг ошқора реалистик ифодаси намоён бўлади. Асар қаҳрамонлари зиддияти ижтимоий-сиёсий моҳиятдан кўра эътиқодлари турлича, тамомила ўзгача қадриятлар тизими таъсирида шаклланган икки шахс ўртасида келиб чиқади. Бироқ, одамлардаги лоқайдлик, журъатсизлик, мутъелик қайсидир маънода кўрқув салтанатининг залвори туфайли юзага келган. Рустамдаги исёнкорлик ҳам аслида миллат тийнатиға сингдирилган ўша кусурларга қарши қаратилган. Шу жиҳатдан қаралса, Аҳмет Оғир бу ҳолни ўша давр бошқарув

---

<sup>135</sup> Ag'ir A. From Colonial to Post Colonial Future: Three Uzbek Novels (Qodiriy, Oybek, Hoshimov Wisconsin University, Madison, 2003. pp.157, 214.

сиёсатида кузатилган иллатлар билан боғлашга интилиши ўзини оқлайди. Лекин у “энг муҳим” ни номухимдан ажратишда бироз чалкашликка йўл қўяди. Натижада дунё кўрган, тафаккурида фикрий силжиш содир бўлган ва илгаригича яшашни истамаётган миллат кишиси образи ҳаракат-интилишлари замиридаги маъноларни илғай олиш имконидан йироқлашади. Ваҳоланки, роман асл моҳияти Рустам образи орқали очилар экан, унинг тутумларидаги оммавийликдан фарқланувчи жиҳатларга диққат қаратиш, бунинг сабабларини излаш лозим эди, бизнингча. Чунки, асл рамзийлик ҳам шафқатсиз реализм ҳам ўша давр сиёсати малайлари уйғонган миллий тафаккурни эндиликда жиловлашни эпололмаётгани билан боғлиқ. Бу тасвирларда собиқ империя инқирози жараёни аксланган. Афсуски, бу империя сўнгги талвасаси олдида Рустамни зурриётсиз қолдириш, яъни миллат келажагига болта уришга уриниш даражасида тубанлашди. Макон ва замондан бегоналашган, истиқболдан умидсизланган Рустамнинг стихияли исёнида ҳам унинг шахсий норозилиги ўз ифодасини топган эди. Демакки, миллат вакиллари индивидуаллашганлиги билан боғлиқ ишора мужассам.

Аҳмет Оғир роман сўнгида ёзувчининг расмий мафкура ва сиёсат қурбони образини анъанавий миллий характер билан паралел яратиш услуби билан боғлиқ мақсадига диққат қаратади. Масалан, “... ўзингиз тузикмисиз, деди Қурбоной хола бошқа гап тополмай. “Менми?”, Комиссар кулди. “Хэх-хэх-хэх! Қачон ўласиз, демокчимисан? Овора бўласан! Мен ўлмайман! Хэх!”<sup>136</sup>. Америка олими бу диалогда: “миллатнинг оғриқли тақдири акс этиши билан бирга асарнинг кульминацион нуктаси яширингани аҳамиятга молик жараёндир”, деган хулоса чиқаради.<sup>137</sup> Бу ўринда гап қиёфасизликнинг яшовчанлиги хусусида эканлиги фикрида олим ҳақдир. Шунингдек, унинг миллий адабиётимиздаги мажозий ифодалар тадқиқида Фредрик Жемсон (Fredric Jameson) қарашларига эргашиб: “улар миллий аллегориялар шаклида ўқилиши лозим”лиги ҳақидаги фикрлари ҳам эътироз туғдирмайди.<sup>138</sup> Бироқ унинг ада-

<sup>136</sup> Ҳошимов Ў. Тушда кечган умрлар. Роман. Т.: “Шарқ” нашриёт- матбаа концернининг Бош тахририяти, 1994, Б.242.

<sup>137</sup> Ahmet Ag'ir. From Colonial to Post Colonial Future: Three Uzbek Novels (Qodiriy, Oybek, Hoshimov) Wisconsin University, Madison, 2003. P.212

<sup>138</sup> Fredric Jameson, “Third – World Literature in the era of Multinational Capitalism”, in Social Text 15 (Fall 1986):65-88.

биётни ҳам худди иқтисодиёт сингари “ривожланган мамлакатлар адабиёти” ва “учинчи дунё адабиёти” тарзида таснифлаши, икки ўртадаги тафовутни шу асосдан излашга уринишига кўшилиб бўлмайди. Зеро, адабиёт масаласи миллий адабий анъаналар замида ингиланган поэтик тафаккурнинг илғор жаҳон адабиёти шакл ва услубларини ўзлаштириши асосида юксалади. Бинобарин, глобаллашадиган дунёда ўз қобиғига ўралган миллий адабиёт бўлиши мумкин эмас.

“Тушда кечган умрлар” романидаги Аҳмет Оғир назарда тутган яна бир миллий аллегория, бизнингча бу Комиссар - Ғаниев Соат Ғаниевич. Аслида Ўткир Ҳошимов романида шахс жожеаси асарнинг умумий мазмуни ҳисобланиб, бу Рустам (ижобий тип мисолидаги образ), Комиссар-Ғаниев Соат Ғаниевич (колониал давр вакили, салбий тип) образлари мисолида акс эттирилади. Аммо мустамлака давр ворисларининг зулми, Совет Иттифоқи ваъда берган “замонавийлаштириш лойиҳаси” нинг миллат жожеасидаги “ўрни”, миллатнинг ўзидан узоқлашиши, Оғир Аҳмет ҳам таъкид этган, Рустамнинг (Рустам тимсолидаги барча ўзбек йигитларининг – З.М) модернизациялаштириш тарихининг жожеавий қурбони (катастрофик ҳулосаси) тасвири романда кўтарилган яна бир муҳим масаладир. Олим роман сўнигидаги эпизод моҳияти ҳақида кўп тўхталмаган. Унда “миллатнинг оғириқли тақидири” акс этганлиги билангина чекланади. Аслида ҳам шундай: Биз олимнинг юқоридаги ҳулосасини биров кенгроқ тарзда изоҳлашга ҳаракат қиламиз.

Романдаги Комиссар нутқини ўқиймиз: “...Мен ўлмайман! Хэ”. Қанчадан қанча жожеаларга сабаб бўлган, ўз манфаати учун ҳеч нарсадан тап тортмайдиган Комиссар – Ғаниев Соат Ғаниевич миллат (миллатдошлар) ни зимдан емирувчи колониал тузум “фаҳрийси”. У ҳаёт экан зулм, машғум жожеалар давом этаверади. У йўқ бўлмас экан, миллатни маҳв этиш, уни йўқ қилишнинг даҳшатли йўллари йўлаб топаверади. Энг ёмони у жамиятни зимдан емириш, илдизидан кўпориш (Рустам ўзидан бир зурриёт қолдирмай бу оламни тарк этганлигини эсланг) йўлининг кўз кўрмаган, кулоқ эшитмаган усулларини топишдан чарчамайди. Демак, у қанча узоқ умр кўрса миллат жожеаси ҳам шунча бардавом бўлаверади. Назаримизда, Аҳмет Оғир назарда тутган “миллатнинг оғириқли тақидири” мана шундан иборатдир.

Америка ўзбекшуносларининг энг сўнги вакилларида бири Роберта Мария тадқиқотларида ҳам бадиий асар ижтимоий вазиятлар маҳсули ўлароқ баҳоланади. Ҳатто образлар тизими, характер эволюциси, боринги бадиий асар қурилишидаги жамики элементлар муайян ижтимоий концепциялар учун хизмат қилади, деган фикрлар илгари сурилади.

Бугунги кунда Техас университети туркий тиллар бўлими раҳбари бўлиб фаолият олиб бораётган Роберта Мария<sup>139</sup> Туркистондаги миллий тикланиш жараёнларида бадиий санъатнинг ўрни, жамият ва адабиёт ўртасидаги муносабат масалаларига диққат қаратган. У ватанпарварлик ва миллатпарварлик ғоялари ифодасининг ривожланиш босқичларини ўрганишга уринади. Бадиий образлар ва уларга юклатилган маъно-моҳиятни ғоявий мазмун асосида белгилайди. Унинг 1997 йилга келиб айтган “совет даври бадиий адабиёти ғоявий ва сиёсий мақсадлар учун хизмат қилган, унда анъанавий стереотиплар мавжуд эди”,<sup>140</sup> деган фикрининг ўзида бундай стереотиплар мустақиллик йилларида барҳам топганлиги эътирофи ҳам мужассам.

Олиманинг назарий фикр-қарашлари XX аср миллий адабиёти материаллари асосида илгари сурилган.<sup>141</sup> Таъкидлаш ўринлики, Роберта Мария бошқа америкалик олимлардан фарқли ўлароқ, XX аср ўзбек адабиётини яхлит йўналишда ижтимоий-ғоявий, бадиий-эстетик синкретизм нуқтаи назаридан монографик планда таҳлил қилган. Унинг докторлик диссертацияси архитектоникаси жиҳатидан “кириш”, тўртта мустақил боб, “хулоса” ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Роберта XX аср ўзбек адабиётини

<sup>139</sup> Роберта Мария 1988-1991 йилларда Американинг Техас университетида қиёсий адабиётшунослик йўналишида илмий фаолиятини бошлаган ва 1997 йили «Миллий тикланишда адабиёт ва зиёлиларнинг ўрни: Ўзбекистондаги воқеалар» (“Roberta Maria Micallef. The role of Literature and Intellectuals in National Identity Construction: The case of Uzbekistan, The University of Texas at Austin, August, 1997) мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган. 1997 – 2000 йилларда Упсала (Америка) ва 2000-2005 йилларда Юта (Америка) университетларида турк тили ва маданияти ҳамда “Аёллар масаласи” курслари бўйича даср берган. 2005 йилда АҚШ нинг Бостон университетида Туркий тиллар йўналиши бўйича ёрдамчи профессор даражасига мушарраф бўлган. Ҳозирда Турк аёлларининг сиёсий қатағонлари ҳамда XIX-XX асрлар ўрта Шарқ саёхатномаларига оид тадқиқотлар устида илмий изланишлар олиб бормоқда.

<sup>140</sup> Roberta Maria Micallef. The role of Literature and Intellectuals in National Identity Construction: The case of Uzbekistan, The University of Texas at Austin, August, 1997, P.4.

<sup>141</sup> Micallef Roberta Maria. The Role of Literature and Intellectuals in National Identity Construction : The Case of Uzbekistan. USA: University of Texas, 1997.

даврлаштирар экан, ҳар бир даврнинг учта йирик вакили асарларини таҳлилга тортади.

Жумладан, диссертация биринчи боби тадқиқотнинг энг катта қисми бўлиб, унда «Жадид даври» қамраб олинади. Бунда Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар», Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романлари, Ҳ.Ҳ.Ниёзийнинг «Бой ила хизматчи» драмаси воқеалари, мазкур асарлардаги асосий персонажлар, катализатор (кўзгатувчи) образлар, уларда мужассам рамзий ифода ва муносабатлар давр воқеалари билан боғлиқликда, паралел таҳлил этилиб, ўзига хос хулосаларга келинган. Шунингдек, мазкур бобдан хорижлик олимлар тадқиқотларидаги структурал таҳлил методи асосида бадиий асар композицияси, асар мавзуси, унинг этимологияси, моҳияти, яратилиш тарихи каби масалалар тадқиқи ҳам жой олган. Роберта Мариянинг бадиий асар қурилишида ягона мақсадга йўналтирилган ҳикоя компонентларини яхлитлаш ва улар ўртасидаги структурал боғлиқлик даражасини тадқиқ этиш воситасидаги кузатишлари эътиборга моликдир.

Диссертациянинг иккинчи боби «Ўтиш даври адабиёти» деб номланган. Унда жадидлар ва ўзбек совет ёзувчилари ўртасида “кўприк” вазифасини бажарган ижодкорлар Ойбек, Ойдин Собирова ва Ҳамид Олимжон ижодидан намуналар берилиб, тарихий жараён ва давр ижтимоий-сиёсий воқеаларига туташ тарзда таҳлил қилинади. Олима сўз санъаткорлари асарлари табиати, улардаги йўналишлар, мураккаб вазиятларда акс этган воқеликнинг туб моҳияти ва ижодкор ғоявий позицияси, бадиий маҳорати каби масалаларга эътибор қаратади. Аниқроқ айтганда, биринчи бобда вазифа қилиб қўйилган масалалар ушбу бобда мантиқий давом эттирилади.

“Ўзбек совет ёзувчилари” деб номланган учинчи бобда дастлабки иккита бобда кузатилган учта ижодкорни таҳлилга тортиш принципи бир оз бузилган. Аниқроқ айтганда, икки баравар ортирилган. Унда Зулфиянинг «Буюк туғилиш», Асқад Мухторнинг «Коммунист асрининг одами», Жамол Камолнинг «Самарқанд бу, бу Бухоро бу», Эркин Воҳидовнинг «Ўзбегим», «Она тилим ўлмайди», шеърлари, Одил Ёкубовнинг «Диёнат», Ш.Рашидовнинг «Ғолиблар» каби асарларини ғоявий-бадиий жиҳатдан тадқиқ этишга ҳаракат қилинган.

Тадқиқотнинг «Миллий маданият» деб номланувчи сўнгги бобида Э.Воҳидовнинг «Изтироб» тўплами, шунингдек Гулчеҳра Нуруллаева, Ойдин Хожиева каби шоирлар ижодидан намуналар таҳлилга тортилган.

Тадқиқот доирасида таҳлилга жалб этилган бадиий асар намуналари тарихий аспектда адабиётшунослик нуқтаи назаридан структурал тадқиқ усули воситасида ўрганилган. Ишда, асосан, 1890 ва 1996 йиллар оралиғидаги адабий жараённинг хронологик эволюцияси акс этган бўлиб, ҳар бир даврга хос сиёсий-ижтимоий, адабий жараёнларнинг ижодкорлар фаолиятига таъсири, давр воқеалари бадиий асарда акс этганлик даражаси таҳлил қилинади. Ватанпарварлик, миллатпарварлик ғояларининг эволюцион босқичлари муайян даврдаги адабий жанрлар, бадиий образлар, уларга юклатилган маъно-моҳият асосида белгиланган. Роберта Мария Андерсон Бенедитнинг бу борадаги назарий қарашларини ўзбек адабиёти материаллари асосида таҳлил қилади ва муайян даражада ривожлантиради.<sup>142</sup>

У ўзбек адабиётшунослиги тараққиётига муносиб ҳисса қўшган олимлар Ойбек, И.Султон, О.Шарафиддинов, Э.Каримов, Б.Қосимов, Н.Каримов, С.Мирвалиев, Б.Назаров, У.Долимов, Ш.Ризаев каби турли авлодга мансуб олимларнинг XX аср ўзбек адабиёти билан боғлиқ илмий-назарий қарашларига таянади. Тадқиқотнинг айрим ўринларида баёнчилик, тафтологик аксиомаларга йўл қўйилса-да, диссертацияда вазифа қилиб қўйилган, асосан уддаланган масалалар талқини, олима методологияси ўзбек адабиётшунослигидаги изланишлардан куйидаги жиҳатлари билан фарқ қилади:

1. Роберта Мария ўзбек жадид адабиёти намуналарини тадқиқ қилиш жараёнида бадиий асарнинг ижтимоий-эстетик тушунчалари моҳиятини англашга хизмат қиладиган масалаларни ўрганишни вазифа қилиб қўяди. Масалан, Чўлпон қаламига мансуб роман нима учун «Кеча ва кундуз» деб номлангани ҳолда, тундан кейин муқаррар кундан нега дарак йўқ? Ушбу романдаги образлардан бири Маръям (Мария Острова) – “фохиша аёл ўз тукқан онасидан афзал тарбия беради, деб нечта она ўйлаши мумкин?” каби қатъий саволларни қўядики, бу каби муаммоларнинг барчаси бадиий

---

<sup>142</sup>Anderson, Benedict. *Imagined Communities*. 2<sup>nd</sup> ed. New York: Vesro Books, 1991.

асарда тасвирланган воқеликнинг ички ва ташки хусусиятларини ҳар тарафлама англашга уриниш, бир шаклнинг ҳар жиҳатини кўриш имконини бериши билан жадиждлар концепциясидаги ўзига хос янги тенденцияларни кашф этишга йўналтиради.

2. Миллатни оила тушунчаси воситасида англаш, идрок этиш ва бадий асарларни шу позицияда туриб тадқиқ қилиш ҳам Роберта Мария изланишларидаги асосий тамойиллардан биридир. Оила муаммосининг бадий асарларда акс этиши, унинг жамият ҳаётидаги ўрни, айниқса бундай муштарак тушунчаларнинг рамзий образлардаги инъикоси билан боғлиқ масалалар ўзбек адабиётшунослигида нисбатан камроқ тадқиқ этилган.<sup>143</sup> Оиланинг миллат тақдирини белгилашдаги ўрни, янги авлод вакиллари тарбиялаш жараёнидаги асосий «микромухит» эканлиги ҳисобга олинса, АҚШ ўзбекшунослари тадқиқотларида акс этган тамойиллар бадий асар ифода кўлами хусусидаги тасаввуримизни янада кенгайтиради.

Олимнинг бутун шахслиги муайян ижодкор асарларига ҳаққоний позицияда туриб фикр билдиргани, таҳлилларида меъёр сақланиши, объектив позицияси билан белгиланади. Миллий адабиётшунослигимизда баъзан маълум бир ижодкорнинг бир-икки асарида акс этган ғоявий асосни рўқач қилиш орқали унинг яхлит ижодий намуналаридан узоқлашиш ҳоллари ҳам кузатилади. Натижада шу қаламкашнинг бошқа асарларида акс этган поэтик маҳорат қирраларидан ҳам кўз юмилади.

Бизнингча, ҳар бир асар албатта, давр ҳукмрон мафқурасигагина чамбарчас боғлаб тадқиқ этилиши, бу жараёнда ижодкор шахсини етарлича эътиборга олмаслик дуруст эмас. Д.Куронов таъбири билан айтганда “Мўм синдроми” таъсирига тушиб қолиш ҳолатлари ҳали ҳам мавжуддир. Танқидчиликдаги айрим ноҳолис субъектив муносабатлар бугунги адабий жараён ривожига маълум маънода салбий таъсир этаётгани сир эмас.

Америка олимлари изланишлари қиммати ўзбек адабиётининг машҳур намоёнлари асарлари тадқиқига бағишлангани билангина

---

<sup>143</sup> Нурмухаммад Холлиев «Ижтимоий проблема ва бадий образ» номли тадқиқотида 70 йилларда ёзилган киссаларда ёшлар образи ва оила муаммоси хусусида қисман тўхталган. Тадқиқотда бугунги кун нуқтан назарида бир мунча эскирган, ўша давр мафқураси таъсиридаги қарашлар акс этган бўлса-да, оиланинг жамият тақдиридаги ўрни масалалари ва унинг асарлардаги бадий инъикоси юзасидан ўзига хос назарий хулосалар билдирилган.



эмас, айримлар назарида «иккинчи даражали» деб ҳисобланган ижодкорлар битикларига ҳам эътибор қаратишлари билан белгиланишини олдинги тадқиқотларимизда таъкидлаб, бунга бир қанча мисоллар ҳам кўрсатган эдик.<sup>144</sup> Таъкидлаш ўринлики, Э.Олвортдан бошланувчи бу хайрли тамойил ўзига хос анъана тусини олгани Роберта Мария тадқиқотларида ҳам кузатилади.

Америка олимаси замонавий адабиётшунослигимизда нисбатан кам эътибор берилаётган Ойдин Собирова (Ойдин) ижодидаги манфий ва мусбат жиҳатларни атрофлича тадқиқ этади. «Лолар гуллаганда» шеърида акс этган ички ва ташқи моҳият тадқиқи Ойдиннинг бадий маҳоратини очишга хизмат қилган. У Ойбекнинг «Йигит ёнганда» шеъри ҳар бир мисрасини ғоявий-бадий жиҳатдан тадқиқ қилади. Ашъор ботинидаги маъноларни кашф этишга уринади.

Ҳамид Олимжон ижодини ўрганар экан, асарлари негизини Туркий мерос (халқ оғзаки ижоди) ташкил этишини қайд этади. Шоир ижодида фольклор унсурларининг кўп учрашини Ҳ.Олимжон тарбия топган муҳит (бувиси эртақларининг таъсири) билан изоҳлайди. Ҳатто шоир яратган асарлар поэтик тили халқ жонли тилга яқинлигини ҳам шу фактор билан тушунтиради. У Ҳ.Олимжонни эркин ижод қилишга интиланган қаламкаш деб билади. Шоир яратган дostonларда зулмкор хонларга қарши синфий кураш ғояси акс этганлик фактини ўз фикри тасдиғи учун келтиради. Олима тадқиқотида: “Ҳамид Олимжон асарлари, хусусан «Ойгул билан Бахтиёр» китобхон ва давр мафкураси ўртасидаги мувозанатни сақлай билган компромисс асарлар сирасига киради”, деб ёзади.<sup>145</sup> У Ҳамид Олимжонни шўро мафкурасига ҳайрихоҳлиги кучли деб билади.

Маълумки, Ҳ.Олимжон бор-йўғи ўттиз беш йил умр кўрса-да, ўн жилдликдан иборат умрбоқий асарлари билан XX аср ўзбек адабиёти тарихидан муносиб ўрин ола билган ёрқин истеъдод соҳиби эди. Эҳтимол шунинг учун бўлса керак, ўтган асрнинг 30-йилларидан бизнинг кунларимизгача унинг шахсияти, шунингдек хикоя, очерк, драма, публицистик ва адабий-танқидий мақола,

<sup>144</sup> Қаранг: Мирзасва З. Ўзбек жаҳид адабиётининг Америкада ўрганилиши. Ф.ф.н. дисс. Тошкент: ЎзР ФАТАИ, 2007.

<sup>145</sup> Micallef Roberta Maria. The role of Literature and Intellectuals in National Identity Construction: The Case of Uzbekistan. USA: University of Texas, P.28.

шърият, дoston ҳамда таржималардан иборат улкан мероси танқидчи ва адабиётшуносларнинг диққат-эътиборида бўлиб келмоқда. Шоирнинг ҳаёт йўли ва ижодий фаолияти С.Азимов, Н.Каримов, С.Мамажонов, С.Мирзаев, С.Шермухамедов, Д.Курунов, И.Ёкубов каби турли авлодга мансуб олимларимизнинг мақолалари, рисола ва монографияларида атрофлича ўрганилди.<sup>146</sup>

Маълумки, дунёга теран назар билан боқувчи, руҳ эркинлигини кўмсаган ижодкор инсон ўзи англаган ҳақиқатларига ҳамиша содиқ бўлади. Чунки унинг онгу тафаккури қадимиятдан озикланади, нигоҳлари эса мудом юксак манзиллар сари талпинади. Шу боис ҳам музаффар руҳи, фидойи ингилишларини зулм ва зўрликнинг ҳар қандай кўринишига қарши йўналтира олади. Куллик салтанатига қарши исёнкорона руҳ кишиси сифатида намоён бўлади. Китобхон руҳини ўз қалбига ошно этишни тилайди.

Демак, эстетик мушоҳада объекти шоирнинг тафафаккур мантиғи, кайфият-ҳолатларига мутаносиб тарзда жонланади. Зеро мазкур жараёни қаламкашнинг ўз даврида ҳаёт қозонида қайнашига боғлаб идрок қилмоқ, яъни тенденциозлик доирасида эстетик мушоҳада этмоқ душвор.

Ҳамид Олимжон зинҳор бедард ва беғам шоир эмас. Эҳтимол, унинг улкан дарди, дарё каби тошган севинчлари бағрида жо бўлгандир. Аммо адабиётшунос И.Ёкубов фикрича, бу дарду изтироб унинг бутун ижодида қизил ипдай ўтувчи – инсониятга бахт-шодлик улашиш тилаги, уни гул-чечакларга ўрашни зўр саодат деб билиш истаги эди.<sup>147</sup> Бинобарин, ижодкор кайфият-ҳолатларини тарихий воқелик кўзгусида кўришдан кўра, эҳтимол унинг фикрини банд этган ўйлар, ҳаёллар оламию эҳтиросли ҳис-ёнишлари кезинган манзиллар, руҳида ҳоким бўлган латиф ва мунис ҳолларнинг шоирона пардалардаги жарангини кузатиш мақсадга мувофиқдир.

---

<sup>146</sup> Азимов С. Абдиат (Сайланма, 2-том), Тошкент, 1988; Каримов Н. Ҳамид Олимжоннинг поэтик маҳорати, Тошкент: Фан, 1964; Ҳамид Олимжон. Тошкент: Ёш гвардия, 1980; Мамажонов С. Шоир дунёси. Тошкент, 1977; Мирзаев С., Шермухамедов С. Ҳамид Олимжон ва ўзбек совет адабиёти. Тошкент: Фан, 1989; Нафосат чашмаси (Мақолалар), Тошкент: Фан, 1970; Сен элимнинг юрагида яшайсан (Ҳамид Олимжон ҳақида эсдаликлар), Тошкент., 1973; Курунов Д. Ҳамид Олимжонни биламизми? Қаранг: Курунов Д. “Адабиёт надир” ёки Чўлпоннинг мангу саволи. Тошкент: Zarqalam, 2006. Б: 56-74; Ёкубов И. Бадий-эстетик сўз сехри. Т.: 2011. ва б.

<sup>147</sup> Ёкубов И. Бадий-эстетик сўз сехри. Т.: 2011.

Оламни гул-лолалар суратида тасвирлаш, одамни мудом шод-хуррам кўришни қалб ва имон амри деб билган шоир бутун борликдаги ранг ва оҳангларни жон қулоғи билан тинглаган, шулардан фикру руҳиятини қувватлантирган. Билиш ва кўришга чанқоқлик, қониқмаслик ҳисси уни ўтмишни замонаси ва даврини тарих призмаси орқали кўришга ундаган. Озод ва эркин ҳаволарга топиниш эҳтиёжи ботиний оламини тафтиш этиш орқали ўзликни англаш ва эътиқодини мустаҳкамлашга етаклаган. Ҳаётда фикрий-руҳий ва ижтимоий фаолликка интилишга, ижодда эса кескин ҳамда шиддаткор бўлишга олиб келган.

Бинобарин, Ҳамид Олимжон шахсияти ифодасига ижтимоийликдан холироқ тарзда яқинлашган сари унинг ижодий ниятларида ботин руҳий хурлик соғинчи, миллий ғурурнинг оёққа қалқиши, шоир аламли изтиробларининг реаллашуви ёрқинроқ ойдинлашади. Демак, Ҳамид Олимжон шодлиги ва изтироб-армонларининг Ватани унинг озод ҳамда шод инсонни шарафлаш ҳиссига лиммолим, инсоният ҳурриятини соғинган соҳир қалбидир. “Элимнинг юраги, эрк деганнинг тилагида яшайман”, дея иқрор бўлган шоир бу тантанавор, ёниқ сўзлар орқали умуминсониятни ягона миллат сифатида ҳам англаганлиги шубҳасиз. Эҳтимол, ифода воситаларига қараб ижодкор мафкуравий позициясини аниқлаш мумкин-дир. Бироқ бу примитив мантиққа таянилса, олис ўтмишда “Ур тўқмоқ”ни яратган халқни ҳам ўзи мутлақо беҳабар бўлган шўроларга хайрихоҳ санаш мумкин бўлади.

Ҳамид Олимжон ижоди бўйича тадқиқотлар олиб борган яна бир Америка олими Девид Монтгомерининг “Зайнаб ва Омон” асари атрофидаги баҳслари ҳам эътиборга молик. Маълумки, ўтган асрнинг 30-йилларида юзага келган бу асарда эркин муҳаббат ва аёл озодлиги масаласи акс этган. Девид Монтгомери фикрича, “достон сюжети ғарб китобхони учун анчагина ноодатий бўлиб туюлиши мумкин. Шўро даври танқидчилиги, хусусан Т.Бобоев изланишларида эса Зайнаб аксинча янги ўзбек аёли учун намуна ва ўрнак олса арзийдиган қиз, янгича фикрлайдиган мустақил меҳнаткашлар типи сифатида аксланади.<sup>148</sup>

<sup>148</sup> Montgomery, David C. "Zaynab and Aman: Love and Women's Liberation on a Soviet Uzbek Collective Farm in the 1930s, a Story Poem by Hamid Alimjan." Cultural Change and Continuity in Central Asia. Ed. Shirin Akiner. London: School of Oriental and African Studies, 1991. P. 4.

Дарҳақиқат,бу образда ўзбек шўро даври аёлини ифода этиш тамойилига хос кўп жиҳатлар мужассамлашган. Масалан, Зайнаб муҳаббатига журъатлилиқ бор. У оддий бир қиз бўлса-да , ўз кураши ва ғалабаси жиҳатидан “асарни мини эпос” даражасига кўтаради. Чунки муаллиф «Зайнаб образида замона қаҳрамони хусусиятларини мужассамлантирган. Шоир ўзининг эстетик принципларини ифода этган ҳолда Совет кишиларининг юқори ахлоқий хусусиятларини янги давр руҳияти ва воқелигига ҳамоҳанг қилади. Асар бой, маънавий идрокли, инсонпарвар янги давр кишисининг туғилишини кўрсатади.”<sup>149</sup> Шубҳасиз, Мирёқуб – Мария, Отабек – Кумуш, Анвар – Раъно, Омон – Зайнаб сингари образларни улар яратилган макон ва замондан ажратиш мумкин эмас. Бинобарин, Зайнаб ҳам тарихий хронотоп нуқтаи назарий яратилган образдир. Шунинг учун ҳам “достонда икки долзарб саналган мавзу – қишлоқ тараққиёти ва аёллар мавқеи мавзулари синкретик шаклда акс этган.”<sup>150</sup> Девид Монтгомери ўзбек олими Т.Бобоев тадқиқотларида келтирилган маълумотларга таянар экан, асарнинг прототиплари мавжудлигига диққат қаратади. Унинг фикрича, Ҳ.Олимжон яратган бошқа асарларда ўтмишнинг камчиликлари Совет даври ютуқлари билан муқояса қилинган.<sup>151</sup> Уларнинг ҳеч қайсиси «Зайнаб ва Омон» га ўхшаган сюжет характериға эга эмас. Ўзбек олими Абдумавлоновнинг 1970 йилларда билдирган фикрича, достон реал инсон ҳаёти асосида ёзилган. Шоирнинг илгари ёзилган кўпгина асарлари ғоя ва мотивларини ўзида жамлаштирган. Унда Ҳ.Олимжон ардоқлаган фикрлар, туйғулар ўз ифодасини топган.

Девид Монтгомери ўзбек олимларининг Ҳамид Олимжон ижоди тадқиқига оид изланишларидаги фактларга таянган ҳолда объектив хулосаларга келади. Айни пайтда хориж олими: “Ҳ.Олимжон ўзи яшаётган муҳитда руслар етакчи рол ўйнашини идрок қилган. У ўз сиёсий қарашлари жиҳатидан руспараст ҳам, миллатчи ҳам эмас, балки советпарастдир, деган хулосага келади.”<sup>152</sup>

<sup>149</sup> История 1976, № 5.Б. 17.

<sup>150</sup> Montgomery, David C. "Zaynab and Aman: Love and Women's Liberation on a Soviet Uzbek Collective Farm in the 1930s, a Story Poem by Hamid Alimjan. Cultural Change and Continuity in Central Asia. Ed. Shirin Akiner. London: School of Oriental and African Studies, 1991. P.8.

<sup>151</sup> Юқоридаги манба,П.9.

<sup>152</sup> Montgomery, David C "Zaynab and Aman: Love and Women's Liberation on a Soviet Uzbek Collective Farm in the 1930s, a Story Poem by Hamid Alimjan.Cultural Change and Continuity in Central Asia. Ed. Shirin Akiner. London: School of Oriental and African Studies, 1991. P.8.

Маълум бўладики, Девид Монтгомери дoston қахрамонининг реал асосини ёзувчи дунёқарашига боғлаб таҳлил қилади. Шоир эстетик принциплари, идеалига монанд тарзда қахрамоннинг ақидапарастликка қарши чиқишини мафкура ва сиёсат билан боғлайди. Бу ҳол биринчидан, олимнинг нисбатан эски манбаларга таяниши, иккинчидан тадқиқотчи субъектив истагида мужассам мафкуравий қарашлар оқибатидир.

Холис позицияда туриб айтганда, Қодирийнинг Отабеги ва Анвари, Кумуши ва Раъноси ўртасидаги фарқдаёқ адабиётимизда айнан эркин муҳаббат йўлидаги кураш ва ақидавий қарашларга қарши исён руҳи ортган эди. Шундай экан, “янги” давр тарбиялаб вояга етказган Ҳ.Олимжонда айни жиҳат босимроқ ифодасини топиши табиий ҳолдир. Назаримизда, буни қахрамон сажиасидан ҳам излаш Зайнаб ва унинг опаси образлари қиёси орқали кашф қилиш мумкин эди. Шу маънода Д.Монтгомерининг Зайнаб ҳақидаги: «У муҳаббатдан илҳомланган қиз, мафқурани ёки давлат ҳокимиятини қурол қилиб олган бетга чопар комсомол қиз ёки «женотдел» (аёллар кўмитаси) вакили эмас», деган фикрлари асослидир.<sup>153</sup> Девид Монтгомери дoston қахрамонлари характерини тайин этишда куйидаги хулосага келади: “Ҳамид Олимжон... муҳаббат ҳақидаги орзуларга эришиш муаммоларининг гуманистик ечимини кўрсатар экан, қахрамонларининг миллий ёки аниқроқ айтганда, этник характерини ҳам намоён этади. Асардаги ҳамма қахрамонлар ўзбеклар, асарда рус образлари йўқ. Россия ёки Совет Иттифоқи ҳам тилга олинмаган. Бош қахрамон Зайнаб ёш хотин қизларга намуна сифатида тасвирланган. Зайнаб, Омон ва Собир образлар учлиги, уларда акс этган ижобий хислатлар янги Ўзбекистонни куришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.»<sup>154</sup>

Олимнинг “Ҳамид Олимжон анъанавий турмуш тарзининг таъсир моҳиятини тасвирлашда қатъий эмасдек кўринади”<sup>155</sup>, деган қарашларига қўшилган ҳолда, буни миллий адабиётимиз, эстетик тафаккур тарзимизнинг ички тараққиётидан ажратмай қараш кераклигини ҳам таъкидламоқчимиз.

<sup>153</sup> Юқоридаги манба, Р.9.

<sup>154</sup> Montgomery, David C. "Zaynab and Aman: Love and Women's Liberation on a Soviet Uzbek Collective Farm in the 1930s, a Story Poem by Hamid Alimjan. Cultural Change and Continuity in Central Asia. Ed. Shirin Akiner. London: School of Oriental and African Studies, 1991. P.10

<sup>155</sup> Юқоридаги манба Р.11.

Девид Монтгомери ўзбек адабиёти таҳлилига оид тадқиқотларида ўтган асрнинг 30-йилларидаги адабий-сиёсий вазият, унинг ижод аҳлига таъсири масалаларига диққат қаратади. Бироқ хориж олимнинг Х.Олимжон муаммонинг гуманистик ечимини топа олгани, характерларни миллий чизгиларда ифода этгани, асардан таълимий мақсадлар кўзлангани, образлар талқинидаги триада услудидан фойдаланганига эътибор қаратиб, илмий холисликка риоя этганлигини алоҳида эътироф этиш зарур. АҚШ олими дoston тағматнида оила институтининг роли акс этганлигини ҳам илғаб, “Зайнаб ва Омон” асари бадияти сўзларнинг табиий ва раvon оқиши, қиёфалар ёрқинлиги, оҳанглар ритмига хос мусиқийлик, гўзал услуб, ҳиссиётлар самимияти каби жиҳатларда намоён бўлишини тўғри белгилаган.<sup>156</sup>

Олим диққат қаратган яна бир аҳамиятли жиҳат бу – қаҳрамонлар ўтмиши ва бугуни қиёсида кузатилувчи стереотипик қарашдир. Д.Монтгомери тўғри таъкидлаганидек, “шоир Зайнаб ва Омонни етим қилиб тасвирлаш орқали ўзини баъзи сиёсий муаммолардан соқит қилишга муваффақ бўлган. Бундай йўл адабий қаҳрамонни жабрдийдалиги жиҳатидан тарихий ўтмишдан ажратади. Ўрни шўро кишиси типик вакилига айлантиради.<sup>157</sup> АҚШ олими фикрлари нуқтаи назаридан маълум бўладикки, дoston услуби мафкуравий залвордан мутлақо холи эмас.

Мазкур бобда қўйилган вазифалар тадқиқидан маълум бўладикки, 1990 йиллардан кейин ўзбек адабиёти тадқиқига оид изланишлар олиб бораётган янги авлод вакиллари муайян бадий асарни аввалгиларига нисбатан адабиётшунослик мезонлари нуқтаи назаридан тадқиқ этишга ҳаракат қиладилар. Бадий асарнинг ижтимоий табиати ва унинг асосидаги муаммоларни таҳлил этиб, бадий матннинг муайян бир давр ёки адабий жараёндаги ўрнини белгилашга ҳаракат қиладилар. Айни пайтда улар яратган тадқиқотларда бадий матндаги ижтимоий фактларга ортикча урғу бериш, адабий ҳодисалардан фақат типиклик, умумийлик излашга интилиш ҳолатлари ҳам кузатилади.

<sup>156</sup> Montgomery, David C. "Zaynab and Aman: Love and Women's Liberation on a Soviet Uzbek Collective Farm in the 1930s, a Story Poem by Hamid Alimjan. Cultural Change and Continuity in Central Asia. Ed. Shirin Akiner. London: School of Oriental and African Studies, 1991. P.12.

<sup>157</sup> Юқоридаги манба, pp.10-11.

## ХУЛОСА

“XX аср ўзбек адабиётининг хорижда ўрганилиши” мавзuida олиб бораётган туркум тадқиқотларимизнинг ушбу қисмида “Хориж адабиётшуносларининг ўзбек адабиёти ҳақидаги қарашлари танқидчиларимиз талқинида”. Мафкура ва дунёқараш”, “Хориж адабиётшунослигида сифат силжишлари” (Фитрат ва Қодирий ижодини ўрганиш мисолида), “XX аср ўзбек адабиётининг хорижда ўрганилиш тарихи ва методологиясига доир”, “Янги давр Америка ўзбек адабиётшунослиги тамойилларида объектив ва субъектив омиллар” каби масалаларни қиёсий типологик йўналишда тадқиқ этиб, куйидаги илмий-назарий хулосаларга келдик:

XX асрнинг 1950-1990 йилларида яратилган, хориж танқидчилигидаги ўзбек адабиёти муаммолари таҳлилга бағишланган масалаларнинг деярли аксарияти сиёсий мафкуравий характерда ўрганилган. Бадий асар таҳлили масалалари моҳиятига тузум, синфий дунёқараш ва тоталитар мафкура нуқтаи назаридан ёндошилган. Шунга қарамай ўтган асрнинг 1950-1960 йилларида ўзбек олимлари М.Нурмухамедов, С.Мирвалиев, Л.Қаюмов, М.Қўшжонов, Б.Назаров, Ш.Турдиев ёзувчилар Ойбек, А.Мухтор ва Мирмуҳсинлар ўз давридаёқ хориж олимларининг тенденциоз қарашларига қарши холис позицияда туришга интилишган. Бироқ, уларнинг бу йўсинни изчил ҳимоя қилиши назарий-методологик жиҳатдан имконсиз бўлган.

1950-1990 йиллар ғоявий кураш ҳаракати вакилларининг кўпчилиги тилни яхши билмаганликлари сабаб муайян масала таҳлилида асл манбаларга эмас, балки уларнинг иккиламчи нусхалари – таржималарига таяниб фикр билдирганлар. Натижада, томонларнинг билдирган “даъво” лари аксарияти умумийликка таянилиб, етарли адабий-тарихий факт ва илмий манбаларга асосланмайди.

Хориж, хусусан Америка олимларининг 1950-1990 йилларда миллий адабиётимиз ҳақида билдирган – ўзбек жаҳид адабиёти миллатпарварлик ва истиқлол руҳидаги адабиёт эди; Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Элбек каби адиблар халқ душмани эмас, аксинча, ватанпарвар, фидойи сўз усталари эдилар; 1920-йиллар ўзбек адабиётида рус босқинчилиги ва истибдодига қарши кураш ёрқин ифодаланган; шўро адабиёти жар солган социалистик реализм методи ва ижод эркинлиги ҳақидаги фикрлар ғоятда сохта

эди; шўро сиёсати сўз санъатини бир қолипга солишга хизмат қилди; адабий-мафкуравий қатағон бадийятнинг сусайишига олиб келди каби фикр ва қарашларида айна ҳақиқат акс этган эди.

Афсуски, хорижшунос олимларимиз таянган назарий-методологик асослар, адабий-сиёсий қарашлар Ғарб мамлакатларида амалга оширилган бу каби ишлар тўғрисида холис ва ҳаққоний фикрлар баён қилишга имкон бермаган.

Юртимиз мустақилликка эришиб, миллий танқидчиликдаги хорижшунослик ҳам янги босқичига қадам кўйди. Мазкур жараёнларда фаол иштирок этган Ҳ.Болтабоевнинг изланишларида хориж олимлари шахсияти ва тадқиқотлари натижаларига муносабатида хорижшунослик (адабиётшунослик) илгариги босқичларида кузатишган мафкуравий найзабозлик асоратлари барҳам топди. Аксинча, имкон қадар аслиятга таяниш, самимий хайрихоҳлик ва илмий ҳақиқатга садоқат руҳи устувор мавқеда туради. Эътирофлар билан бир қаторда, айрим фактик чалкашлик ва қусурларга йўл кўйилгани сабаблари ҳам холисона кўрсатилади. Бу ҳол миллий истиқлол йилларида томонларнинг ўзаро бир-бирини англашларида эҳтиромли муносабат шаклланиб, тобора ривож топаётганлигини кўрсатади.

Мустақиллик даври ўзбек адабиётшунослиги хорижшунослик йўсинида қодирийшунослик муаммоси ҳам муайян даражада ўрганилиб, М.Холбеков, Р.Абдуллаева, Х.Болтабоев, Б.Каримов, Ҳ.Исматуллаев, Т.Қаҳҳор каби олимлар ушбу мавзу юзасидан қатор тадқиқот – мақолалар эълон қилишди. Уларнинг тадқиқотларидаги ўзига хос жиҳатлардан бири – хориж олимларининг кузатишларидаги ўзбек адабиётшунослигидаги мавжуд қарашларга ҳамоҳанг ва кўпинча, тубдан фарқ қилувчи жиҳатларга эътибор қаратганлиги билан белгиланади. Бу изланишларда тарихий шахс ва адабий ҳодисага миллий ҳамда хорижий муносабат масаласи доминантлик қилади. Улар қиёсий методга кенг мурожаат қилиб, муайян масала тадқиқидаги умумий ва хусусий жиҳатларни келтириб чиқарган омилларни аниқлайдилар ҳамда муайян илмий ҳулоса ва умумлашмалар чиқаради. Хусусан, Х.Болтабоев, Б.Каримов тадқиқотлари мақсад-мундарижаси, муаллиф илмий-ижодий ниятига кўра, тарихий-типологик қиёс кўламдор назарий умумлашмалар сари йўл очади.



Истиқлол даври хорижшунослиги тараққиётида муносиб ўринга эга бўлган, миллий адабиётимизнинг Туркияда ўрганилиши мавзуида изланишлар олиб бораётган Тоҳир Қаҳҳор қиёсий-типологияк методдан унумли фойдаланиб, ўз изланишлари воситасида ижоддаги миллий руҳнинг бадиий-ижтимоий талқинларини очишга ва уни миллий мафкура билан боғлашга ҳаракат қилган. Олим ҳар бир ижодкор шахсияти ва меросига тарихий нуқтаи назардан, ҳолис ёндашади. Айни муаммо тадқиқининг илгариги босқичларида ҳар икки ўлкада юзага келган айрим изланишларга хос ё мақтовга, ё қоралашга берилиб кетишдек тенденциоз ҳолатлардан сақланади.

Мустақиллик даври хорижшунослигининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири тадқиқотларнинг жонли мулоқотлар асосига қурилганлиги билан ҳам характерланади. Адабиётшунос олимларимиз миллий сўз санъатимизнинг чет эллик тадқиқотчилари билан суҳбат-мулоқотлар уюштириб, хорижшуносликнинг янги шакллари яратмоқдалар.

XX аср миллий сўз санъатимизнинг ўзига хос, сермахсул даври бўлмиш жадид адабиёти ўзбек муҳожирларининг илк авлоди диққат марказида бўлиб, юртимизда XX аср ибтидоси ижтимоий ҳаёти ва адабиётида кечган мураккаб жараёнларни ўрганиш, тарғиб қилиш ишлари хорижда 1925 йилдан миллатпарвар юртдошларимиз томонидан бошлаб берилган. Истанбулда матбаачилик, мақоланавислик тарзида бошланган бу жараён аста-секин Парижга, ундан эса Осиё, Европа, ва Америкага кўчган. Истанбул, Олмония ва Парижда ўзбек муҳожирлари нашр этган “Янги Туркистон”, “Ёш Туркистон”, “Миллий Туркистон”, “Шарқий Турк Мужоҳадаси” илк газета ва журналлар, улардаги мафкура ва адабиёт масалаларига оид тадқиқотлар хориж, шу жумладан, Америка олимларининг миллий сўз санъатига қизиқишлари, мазкур соҳадаги тадқиқотларнинг ривожланиши ва ҳатто бугунги Америка ўзбек адабиётшунослиги мактабини яратилишида муҳим омил бўлиб хизмат қилган. Изланишларда давр тақозоси ва хориж ўқувчилари завқига кўра, ижтимоий-ғоявий таҳлил (биографик, тарихий, ижтимоий, сиёсий ёндашув) етакчилик қилган бўлса ҳам, муҳожирлар ўзбек адабиётининг тараққиёт босқичлари, унда кузатилган йўналишлар, ижтимоий ташвишлар поэтик ифодаси, айрим образлар ғоявий функцияси ҳақида тасаввур уйғота олишган.

Америка ўзбекшунослигининг янги авлод вакиллари тадқиқотларида муайян бадий асарни аввалги даврларга нисбатан адабиётшунослик мезонлари нуқтаи назаридан, объектив баҳолаш қарор топди. Лекин улар бадий матндаги ижтимоий фактларга ортиқча урғу бериш, адабий ҳодисалардан фақат типиклик, умумийлик излашга интилиш, бадий асар ва унинг қаҳрамонларига тайёр андазалар асосида ёндашиш ҳолатларидан ҳам етарлича кутула олмаётдилар. Оқибатда ижодкорнинг идеал қаҳрамонига юклатилган эстетик залвор тўлақонли очилмайди. Аммо шу ўринда алоҳида таъкидлаш керакки, юртимиз мустақиллигидан кейин яратилган Америка олимлари тадқиқотларидаги муайян сўз санъатининг ижтимоий-эстетик тушунчалари моҳиятини англашга хизмат қилдиган масалалар таҳлили, бадий матнда тасвирланган воқеликнинг ички ва ташқи хусусиятларини ҳар тарафлама англашга уриниш, бир шаклнинг турли ракурслардаги тадқиқи, талқин усули, хусусан методологияси XX аср ўзбек адабиёти концепциясидаги ўзига хос янги тенденцияларни кашф этишда муҳим аҳамият касб этади.

Устоз адабиётшунос олим Умарали Норматов “миллий адабиёт даражаси фақат миллий танқидчилик кўзгусидаги акси билангина белгиланмайди. Унинг қамровидаги барча маъно қатламлари тули хил қарашлар, муносабатлар, турфа дунёқарашга эга олимлар тафаккури воситасида кашф қилинади”, деган фикрни айтган эдилар. Ўз дунёқарашини ғоявий курашлар таъсиридан поклашни уддалаган, янгиланган давр эстетик меъёрлари, плюралистик тафаккур ҳамда мураса фалсафасига қурган янги авлод хориж ўзбекшунослари яратаётган тадқиқотлар миллий манбаларни бойитишда муҳим аҳамият касб этади. Бу каби изланишлар ўзбек адабиётшунослиги ривожига муносиб ҳисса қўшажагига, келажакда миллий танқидчилик йўналишидаги алоқалар ҳам ривожланиб, унинг жаҳоний миқёс касб этишига умид билдирамиз.

## ЎЗБЕК АДАБИЁТИНИНГ ХОРИЖДА ЎРГАНИЛИШИ БИБЛИОГРАФИЯСИ

1. Allworth E. Interpretations of Two Lines by an Asian Poet. American Slavic and East European Review. Vol.16. № 2 (Apr., 1957),pp. 202-205.
2. Allworth E. The Soviet Russian Impact on Uzbek Literary Activity." Columbia University, 1959.
3. Allworth E. An old mood returns to Central Asian literature // Literature East and West. 1967, 11. 2: pp.149-154.
4. Allworth E. Uzbek Literary Politics.- The Hague: Mauton and Co., 1964.
5. Allworth E. Central Asian Publishing and The Rise of Nationalism.- New York: New York Public Library, 1965.
6. Allworth E. Central Asian. A Century of Russian Rule/ ed. E. Allworth. New York: Columbia University Press, 1967.
7. Allworth E. The Beginnings of the Modern Turkestanian Theater // Slavic Review. 23 (1964), pp. 676-687.
8. Allworth E. "Reform and Revolution in Early Uzbek Drama." Central Asian Review 12.2 (1964): pp.86-96.
9. Allworth E. Nationalities of the Soviet East publication and Writing Systems. New York - London: Columbia University Press, 1971.
10. Allworth E. Central (Soviet) Asia: A compilation of social science and humanities sources on the Iranian, Mongolian, and Turkic nationalities. With an Essay on the Soviet Asian Controversy. -New York-London: Praeger Publishers, 1975.
11. Allworth A. Murder as Metaphor in the First Central Asian Drama // Ural- Altaic Year- book. -58 (1986), pp.65-95.
12. Allworth E. The modern Uzbeks: from the fourteenth century to the present: a cultural history. Stanford: Hoover Institution Press, Stanford University, 1990.
13. Allworth E. "Abdalrauf Fitrat as Devil's Advocate in Satan's Mutiny against the Lord (Shäytänning Tängrigä `Isyani)." Eurasian Studies Yearbook 68 (1996), pp. 27-43.
14. Allworth E. The preoccupations of Abdalrauf Fitrat, Bukharan nonconformist: an Analysis and list of his writings.-Berlin: Buch, 2000.
15. Allworth E. Evading Reality. Devices of Abdarauf Fitrat, Modern Central Asian Reformist. Seiden-Netherlands: Brill Academic Publishers, 2002.
16. Allworth E. Gross, Jo-Ann, and Asom Urunbaev. The Letters of Khwaja `Ubayd Allah Ahrar and His Associates. Brill's Inner Asian Library Vol. 5. Leiden: Brill, 2002.

17. Allworth E. "A New Ethnic Tone in Writings for the 21st Century." Essays on Uzbek History, Culture and Language. Eds. Bakhtiyar Nazarov and Denis Sinor. Bloomington: Indiana University, 1993. pp.13-37.

18. Allworth E. Babur (1483-1530). Literature Criticism from 1400 to 1800. Ed. James E. Person. Vol. 18. Detroit, MI: Gale Research, 1992. pp. 83-97.

19. Ådahl, K. "A Copy of the Divan of Mir `Ali Shir Nava'i of the Late Eighteenth Century in the Lund University Library and the Kashmiri School of Miniature Painting." Persian Painting, from the Mongols to the Qajars: Studies in Honour of Basil W. Robinson. Ed. R Hillenbrand. London: Tauris, in association with the Centre of Middle Eastern Studies, University of Cambridge, 2000. pp. 3-18.

20. Abdussalam M. "The Poetry of Emperor Bābur as a Mirror of Events in His Life and Times." Journal of the Pakistan Historical Society 51.IV (2003), pp. 19-39.

21. Adams L. "Modernity, Postcolonialism, and Theatrical Form in Uzbekistan." Slavic Review: American Quarterly of Russian, Eurasian and East European Studies 64.2 (2005), pp. 333-54.

22. Adhami Siamak. "On Merchants and Monsters: Common Motifs in Tales from Medieval China and 19th-Century Bukhara." Central Asian Survey 20.IV (2001), pp. 519-27.

23. Agir Ahmet. "From Colonial Past to Post-Colonial Future: Three Uzbek Novels (Qodiriy, Oybek, Hoshimov). University of Wisconsin, 2003.

24. Andican A.A. Turkestan Struggle Abroad: from Jadidism to Independence. SOTA Publication, pp.227-253.

25. Andican A.A. Ceditizm'den Bagimsizliga; Haricte Turkistan Mucadelesi, 2003, Istanbul, s.257-286.

26. Alexandre Papis «La Makhfi 'ilm ou Science secrète de 'Alî Shîr Nawâ'î: le projet d'une langue mystique naqshbandî », Journal d'histoire du soufisme, 3, 2002 p. 229-255.

27. Baldacci M. "Uzbek Love Lyrics." Central Asiatic Journal 40.1 (1996), pp. 1-20.

28. Battersby H. R. "The Uzbek Novel as a Source of Information Concerning Material Cultures: Uzbek Town Planning, Urban Development and Structures Based on Information Given in Asqad Mukhtor's Novel 'Sisters'." Indiana University, 1969.

29. Battersby H. R. "Asqad Mukhtor: An Uzbek Writer and His Work." Central Asiatic Journal 15.1 (1971), pp. 55-74.

30. Bert Fragner, "Mir `Ali Sher Nava'i: The `Judgement' reconsidered", in: Éva M. Jeremiás (ed.): Irano-Turkic Cultural Contacts in

the 11th-17th Centuries. *Piliscsaba: The Avicenna Institute of Middle Eastern Studies* [2002] 2003, pp. 53-66.

31. Baldauf I. "From Xolida to Norbuta - the Child as Hero in Uzbek Prose." *Utrecht Papers on Central Asia: Proceedings of the First European Seminar on Central Asian Studies* Eds. M. Van Damme and H Boeschoten. Utrecht: Institute of Oriental Languages, University of Utrecht, 1987, pp. 167-76.

32. Baldauf I. "A Late Piece of Nazira or a Symbol Making Its Way through Early Uzbek Poetry." *Cultural Change and Continuity in Central Asia*. Ed. Shirin Akiner. London: School of Oriental and African Studies, 1991, pp. 29-44.

33. Baldauf I. *Der Aufstand Satans gegen Gott// Türkische Sprachen und Literaturen*. Ottoharrassawitz - Wiesbaden, 1991. pp. 39-74.

34. Baldauf I. *Educating the Poets and Fostering Uzbek Poetry of the 1910 s to Early 1930s. Literature and Society in Central Asia New Sources for the Study of Culture and Power from the Fifteenth Century to the Present*, №24, 2015, France, (Paris) pp.183-212.

35. Балдауф И. XX аср ўзбек адабиётига чизгилар. Тошкент. "Маънавият", 2001.

36. Dor, R. "Orature and Translation: Some Reflexions on the Özbek Lyric Epos Nurali." *Languages and Scripts of Central Asia*. Eds. Shirin Akiner and N Sims-Williams. London: School of Oriental and African Studies, University of London,

37. Dale S. F. "The Poetry and Autobiography of the Bâbur-Nâma." *Journal of Asian Studies* 55.iii (1996), pp. 635-64.

38. DeWeese, Devin A. "The "Kashf Al-Huda" Of Kamal Ad-Din Husayn Khorezmi: A Fifteenth-Century Sufi Commentary on the "Qasidat Al-Burdah" In Khorezmian Turkic (Text Edition, Translation, and Historical Introduction)." Indiana University, 1985.

39. DeWeese, Devin A. "The Predecessors of Navā'ī in the Funūn Al-Balāghah of Shaykh Ahmad B.Khudāyādād ṬArāzī: A Neglected Source on Central Asian Literary Culture from the Fifteen Century. *Journal of Turkish studies* 29 (2005), pp. 73-163.

40. DeWeese, Devin A. *Two Performances of The Return of Alpamiş: Current Performance-Practice in the Uzbek Oral Epic of the Sherabad School*." *Oral tradition* 12.II (1997), pp. 337-65.

41. Dick G. *The poetry and Life of Alisher Navai*. Presented a paper at the International Sufi Conference in New Dehli, India, 2007.

42. Erkinov, Aftandil. "The Perception of Works by Classical Authors in 18th and 19th Century Central Asia: The Example of the Xamsa of `Alī Šīr Nawā'ī." *Muslim Culture in Russia and Central Asia from the 18th to the*

Early 20th Centuries. . Islamkundliche Untersuchungen. Berlin: Schwarz, 1998. 513-26.

43. Erkinov, Aftandil. *The Conquest of Khiva (1873) from a Poet's Point of View (Shaydā'i)*. Looking at the Coloniser: Cross-Cultural Perceptions in Central Asia and the Caucasus, Bengal, and Related Areas. Eds. Beate. Eschment and Hans. Harder. Würzburg Ergon, 2004. 91-115.

44. Feldman W. "The Uzbek Oral Epic: Documentation of Late Nineteenth and Early Twentieth Century Bards." Columbia University, 1980.

45. Feldman W. "Genre and Narrative Strategies in The "Seven Planets" (Sab`a-I Sayyār) by Mīr `Alī Shīr Navaā'i." *Edebiyāt* 10 (1999), pp. 243-78.

46. Feldman W. "Two Performances of The "Return of Alpamiş": Current Performance-Practice in the Uzbek Oral Epic of the Sherabad School." *Oral tradition* 12.II (1997),pp. 337-65.

47. Fierman W. "Uzbek Feelings of Ethnicity: A Study of Attitudes Expressed in Recent Uzbek Literature." *Cahiers du Monde Russe* 22.2-3 (1981), pp. 187-229.

48. Gençtürk-Demircioğlu, Tülay. "Narrative Aspects in Nevayi's Yek-Ahenk Ghazals." *Journal of Turkish studies* 30.ii (2006), pp. 63-75.

49. Hayit Baymirza. "Two Outstanding Figures in Modern Uzbek Literature: Qadiri and Cholpan." *Journal of the Royal Central Asian Society* 52.1 (1965), pp. 49-52.

50. Hyman Anthony. "Return of the Native." *Index on Censorship* 21 (1992)

51. Harrell Rachel. *Uzbek Literary Voices in Transition. The Case of Ulug`bek Hamdam's "Muvozanat" //A paper presented at the 8 th Annual CESS Conference Program HC - 01 crossing Cultural Borders, 2007.*

52. Harrel Rachel. *Two Uzbek Hamlets: Reading National Consciousness through Translation// International Conference of the Association for the Study of Nationalities held at Columbia University, Apr. 15-17, 2010.*

53. Ignashev, Diane Nemeč. "Review of Hamid Ismailov, 'the Railway'." *Slavic and East European Journal* 51.2 (2007),pp. 414-416.

54. Ismatullaev Kh. *Cholpon and the World: Inquiries, Findings and Research// Reform Movements and Revolutions in Turkistan: 1900-1924.* Eds. Timur Kocaoglu. Haarlem, 2001, pp.227-286.

55. Ismailov, Hamid. "National Consciousness and Uzbek Poetry." *Bamberger Zentralasienstudien. Konferenzakten Escas Iv Bamberg.* Eds. I Baldauf and M Friederich. Berlin: Schwarz, 1991. p. 185.

56. Ismailov, Hamid. "The Visible and the Invisible in Nawā'i's Works." *Mir 'Alisir Nawa'i: Akten Des Symposiums Aus Anlass Des 560. Geburtstages Und Des 500. Jahres Des Todes Von Mir 'Alisir Nawa'i* Eds.

Barbara. Kellner-Heinkele and Sigrid. Kleinmichel, 2001.pp. 77-84.

57. Kleinmichel Sigrid. Aufbruch aus orientalischen dichtungstraditionen. Studien zur Uzbekischen Dramatic und Prosa zwischen 1910 und 1934.Budapest,1993.

58. Kleinmichel Sigrid. A work on Central Asian Literature in a Turkish-Uzbek mixed language // Kunde des Morgenlands, Wien, 2004, pp.382-389.

59. Kleinmichel Sigrid. The Uzbek short storywriter Fitrat's adaptation of religious traditions/ Religious Perspective in Modern Muslim and Jewish Literatures. London, England: Routledge, 2005, pp.100-123.

60. Kausar, Inamul Haq. "Mir Ali Sher Navai." Central Asia: History, Politics and Culture. Proceedings of the International Conference on Central Asia. Karachi: Institute of Central and West Asian Studies & Hamdard Foundation Pakistan, 1993, pp. 225-35.

61. Kiliç-Schubel, Nurten. "Poetry and Political Dissent in Central Asia from a Historical Perspective: The Chaghatay Poet Turdi." Prospects for Democracy in Central Asia. . Istanbul: Swedish Research Institute in Istanbul, 2005,pp.197-214.

62. Komatsu H. Khoqand and Istanbul, An Ottoman Document Relating to the Earliest Contact Between the Khan and Sultan./ Balkan and Asia Minor Studies.№.15.pp.36-49.

63. Komatsu H. Bukhara and Istanbul.Tokyo,1999.

64. Komatsu H.The evolution of Group Identity among Bukharan Intellectuals in 1911-1928: An overview/ Memories of the Research Deparment of the Toyo Bunko. Tokyo, 1989. №.47,pp.115-144.

65. Komatsu H. Revolutionary Central Asia:A Portrait of Abdurauf Fitrat./The Middle East in the Muslim World 7.Tokyo Press,1996.290 p.

66. Khaitmetov, A. "On the Creative Method of Medieval Uzbek Literature." Essays on Uzbek History, Culture and Language. Eds. Bakhtiyar Nazarov and Denis Sinor. Bloomington: Indiana University, 1993. pp.51-59.

67. Karimov, Naim. "Exposing the Murder of Alpamysh." Central Asia Reader: The Rediscovery of History. Ed. H. B. Paksoy, 1994, pp. 43-58.

68. Karimov, Naim. "Islam and Politics in Twentieth Century Uzbek Literature." Islam in Politics in Russia and Central Asia (Early Eighteenth to Late Twentieth Centuries). Islamic Area Studies. London: Kegan Paul, 2001, pp. 181-93.

69. Kara Halim. "Narratives of Self-Assertion: Representations of the Western Other in the Works of the Uzbek Author Abdulhamid Cholpan, 1897-1938." Middle Eastern Literatures 10 1 (2007), pp. 57-74.

70. Kara Halim. "Reclaiming National Literary Heritage: The Rehabilitation of Abdurauf Fitrat and Abdulhamid Sulaymon Cholpan in Uzbekistan." *Europe-Asia Studies* 54.1 (2002), pp.123-42.

71. Kocaoglu, Timur. "Nationality Identity in Soviet Central Asian Literature: Kazakh and Uzbek Prose Fiction of the Post-Stalin Period." Columbia University, 1983.

72. Kocaoglu, Timur. Turkistanda turkce ilk tiyatro eseri: Mahmud Hoca Behbudinin "Pederkus" (Baba katili) piyesi-1913. *Turkluk Arastirmalari Dergesi*. Istanbul, Bahar 2004.177-382 s.

73. Kocaoglu, Timur. Indian Revolutionary as Metaphor in Modern Uzbek Literature. *Asia Annual*, Shipra, India, 2004.

74. Khalid A. *The Literature and Arts of Soviet Uzbekistan*. Soviet Literature. Moscow: Writers' Union of the USSR, 1982.

75. Khalid A. *The Politics of Muslims Cultural Reform. Jadidism in Central Asia*.-Berkeley-Los Angeles-London: University of California Press,1998.

76. Khalid A. *Visions of India in Central Asian Modernism: The Work of Abdalrauf Fitrat // Looking at the Colonizer*. Germany:Ergan Verlag, 2004.

77. Khalid A. *Representations of Russia in Central Asian Jadid Discourse // Russia's Orient. Imperial Borderlands and Peoples, 1700-1917*. Ed, Daniel R. Brower and Edward Lazzarini, Indiana University press,1997,pp.188-201.

78. Khalid A. Tashkent 1917: Muslims Politics in Revolutionary Turketsan. *Slavic Review* 55, № 26 1996, pp.271-296.

79. Kellogg J.K. Abdulla Qodiriy's novel "O'tgan kunlar" in its historical context. Indiana University, 2009.

80. Lyons Shawn T. "Chase Away This Pig from the Mosque: Eastern Politics in the Indian Dramas of Abdurauf Fitrat [Dramas Set in India by an Uzbek Author and Dramatist]." *Central Asian Survey* 22.2-3 (2003), pp. 299-313.

81. Lyons Shawn T "Otabek's Return: Ignoring the Lessons of Jadid Reformism in Modern Uzbekistan." *Journal of Central Asian Studies* 5.1 (2000), pp. 2-13.

82. Lyons Shawn T. "Resisting Colonialism in the Uzbek Historical Novel *Kecha va Kunduz* (Night and Day), 1936." *Inner Asia* 3.II (2001), pp 175-192.

83. Magidenko R. "Lenin in Uzbek Legend." *Azia* 5 (1934), pp. 319-320.

84. Montgomery D. "Career Patterns of Sixteen Uzbek Writers." *Central Asian Survey* 5.(3-4) (1986),.pp. 205-220.



85. Montgomery D. "Stalin in the Writings of Hamid Alimjan: A Case Study of Manifestations of the Cult of Personality in the Literature of Soviet Uzbekistan." *Central Asian Survey* 8.iii (1989), pp. 31-51.

86. Montgomery D.C. "Zaynab and Aman: Love and Women's Liberation on a Soviet Uzbek Collective Farm in the 1930s, a Story Poem by Hamid Alimjan." *Cultural Change and Continuity in Central Asia*. Ed. Shirin Akiner. London: School of Oriental and African Studies, 1991, pp. 1-13.

87. Murphy Ch. *The Relationship of Abdulla Qadiri'y's Historical Novels to the Earlier Uzbek Literary Traditions: The dissertation Written for taking Ph.D.-Washington: Washington University Press, 1980.- 209 p.*

88. Murphy Ch. "Abdullah Qadiri'y and the Bolsheviks: From Reform to Revolution." *Muslims in Central Asia: Expressions of Identity and Change* Ed. Jo-Ann Gross. Durham, NC: Duke University Press, 1992. 190-202.

89. Micallef, Roberta Maria. "The Role of Literature and Intellectuals in National Identity Construction: The Case of Uzbekistan." University of Texas, 1997.

90. Micallef, Roberta Maria. "Literature and the Nation in Contemporary Uzbekistan." *Post-Soviet Central Asia*. Eds. Touraj Atabaki and J O'Kane. London: Tauris, in association with the International Institute for Asian Studies, Leiden, 1998. 130-36.

91. Mehran Aziz. *Abdulla Qodiri'y ve Ozbek Romaninin Dogusu*. Ankara 2008.

92. Mirzaeva Z. *Indo Uzbek Literary Relations*. *Diplomatist*. - A Special Issue, 2007, September, New Dehli (India)

93. Mirzaeva Z. Syncretism of educational-social and artistic problems in "The Patricide" and comparative analysis of editions of the drama. The Fifteenth Annual Central Eurasian Studies Conference, 2008, Indiana University. Indiana (USA). <http://indiana.edu/~aces/>; [www. Bekhbudiy – Patricide](http://www.Bekhbudiy-Patricide)

94. Mirzaeva Z. Behbudiy's "Patricide". *Filologiya meseleleri*. №2, 2011. Baku, (Azarbejan), pp. 279-293.

95. Mirzaeva Z. Representations of Europeans in twentieth-century Uzbek Literature. *Institute of Foreign Language Studies*. №2, 2012, Pusan (Korea) pp.67-102.

96. Mirzaeva Z. *The 1950-1990s: Uzbek's Literature as the Public Square of the "Ideological Struggle"*. Clujeana University Press, 2013, Cluj-Napoca (Romania), pp.71-92.

97. Mirzaeva Z. *Cho'ipan shiri ve tercumesinin karsilastirmis tahlili*. *Guncel sanat*. – Antaliya (Turkiye), 2014. Yil, № 29.s. 12-17

98. Mirzaeva Z. *Criticism as War. The ideological Battlefield of Uzbek Literary Studies from the 1950 to the 1990s*. *Literature and Society in*

Central Asia New Sources for the Study of Culture and Power from the Fifteenth Century to the Present, №24, 2015, France,(Paris) pp. 267-291.

99. Мирзаева З. XX аср ўзбек адабиётининг Америкада ўрганилиши. 1-жилд, Тошкент, Фан, 2011

100. Мирзаева З. XX аср ўзбек адабиётининг Америкада ўрганилиши. 2-жилд. Тошкент, Академнашр, 2016.

101. Naby, Eden. "Transitional Central Asian Literature: Tajik and Uzbek Prose Fiction from 1909 to 1932." Columbia University, 1975.

102. Qahhar, Tahir, and William Dirks. "Uzbek Literature." World Literature Today 70.3 (1996), p. 8.

103. Rādfar, Abu'l-Qāsīm. "Navā'ī, Nizām Al-Mulk II and Amīrkabīr of Khurāsān." Anthology of Iranian Studies 4 (2000), pp. 62-77.

104. Dor Remy. Orature and translation. Some reflections on the Ozbek lyric epos Nurali. Languages and Scripts of Central Asia. Edited by Shirin Akiner and Nicolas Sims-Williams. School of Oriental and African Studies, University of London, 1997, pp. 106-119.

105. Sela Ron. Bayani's Shajara-Ye Khorezmshahi and the Russian Conquest of Khiva: An Essay on Historical Production." Central Eurasian Studies Review 2 (2003), pp. 15-17.

106. Sen Gupta, Suresh Chandra. "Al-Pamysh': A Central Asian Uzbek Turki Epic. Different Versions and Origins." Journal of the Asiatic Society. 10.1-4 (1968), pp. 32-40.

107. Sergeev, I. Literature of Uzbekistan." Soviet Literature 12 (1950), pp. 136-41.

108. Stein Heidi. Turkish Nasreddin Hoca's Appearance as the Uzbek Afandi." Middle Eastern Literatures 10.3 (2007), pp. 219-30.

109. Subtelny M. E. Alī Shīr Navā'ī: Bakhshī and Beg." Harvard Ukrainian Studies 3-4 (1980), pp.797-807.

110. Subtelny M.E. A Timurid Educational and Charitable Foundation: The Ikhlāṣiyya Complex of `Alī Shīr Navā'ī in 15th-Century Herat and Its Endowment." Journal of the American Oriental Society 111 (1991), pp. 38-61.

111. Subtelny M.E. "The Vaqfiya of Mīr `Alī Šīr Navā'ī as Apologia." Journal of Turkish Studies 15 (1991), pp. 257-86.

112. Settar Cabbar. Kurtuluş Yolunda: A Work on Central Asian Literature in a Turkish-Uzbek Mixed Language. Istanbul: Deutsche Morgenländische Gesellschaft; Orient-Institut, 2000.

113. Tekin Gönül. The Motif of "Cypress - River - Beloved One - Garden" In Nevā'ī's and AḥMed Pāšā's Poetry and Its Archetypefind More Like This. Oriente Moderno 15/76/1996 (1997), pp. 463-83.

114. Toutant Marc. The Last Timurids' Culture: Study of Imitation Practices through the case of 'Alī Shīr Nawā'ī (1441-1501)'s *Khamsa*, 2014.

115. Toutant Marc. La réponse du poète chaghatay Nawā'ī au poète persan Niāmī : le sultan timouride, 'refuge de la charia', "Literature and Society in Central Asia New Sources for the Study of Culture and Power from the Fifteenth Century to the Present, №24, 2015, France,(Paris) pp.81-102.

116. Umarov E. "Ališer Navā'ī and the Čağatay Alphabet." *Acta Orientalia Academiae Scientiarum Hungaricae* 47 (1994): 441-44.

117. Walmsley N. The Yasaviyya in the *Nasā'im al-ma'abba* of 'Alī Shīr Nawā'ī: A Case Study in Central Asian Hagiography. *Journal of Sufi studies* 3 (2014), pp.38-66.

118. Vambéry Arminius. On the Uzbek Epos. *Journal of the Royal Asiatic Society* 12 (1880): 365-78.

119. Zavki, A., and I. Tolqun. The Poet Cholpan." *Millij Turkistan* 76B (1952): 18-25.

120. Zunnun Veli. Cholpan and Uzbek Literary Resistance. *East Turkic Review*.1 (1958): 92-95.

121. Zipoli, R. The Technique of the Ğawāb: Replies by Nawā'ī to Ḥāfiẓ and Ğāmī. Venice: Cafoscarina, 1993.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожигаги роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи. – Самарқанд шаҳри 2014 йил 15-16 май.
2. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т. Маънавият, 2011.
3. Каримов И.А. Адабиётга эътибор-маънавиятга келажакка эътибор. – Т.: Ўзбекистон, 2009.
4. Anderson, Benedict. Imagined Communities. 2<sup>nd</sup> ed. New York: Vesro Books, 1991.
5. Cambridge Dictionary of American English// Cambridge University Press, 2004. P.287.
6. Dakhshleiger G. J. The Theme of the Friendship of Peoples in Soviet Historical Research. Asia in Soviet Studies. ed. B.G.Gafurov (Moscow: Nauka Publishing, 1969, pp. 249-250.
7. Fredric Jameson, “Third – World Literature in the era of Multinational Capitalism”, in Social Text 15 (Fall 1986):65-88.
8. Абдулла Қодирий. Ўткан кунлар. Роман. Тошкент: Ўқитувчи, 1980.
9. Абдурахманов А. Проблема характера русского человека в узбекской прозе (1920-1970г). Дис. ... на соискание учен степ. канд. фил. наук. Ташкент, 1982.
10. Адабиёт ва замон. (Мақола, очерк, адабий портретлар), Т.: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980.
11. Азимзода. Ўткан кунларимиз // Ёш Туркистон., 1931, № 18.
12. Азимов С. Абадият (Сайланма, 2-том), Тошкент, 1988.
13. Балдауф И. Ҳақиқат ахтариб (Таржимон Йўлдош Парда) // Миллий тикланиш. 1998. 20- 27 октябрь.
14. Белинский В.Г. Полн. собр. соч., 1955, Т. VIII.
15. Бельчиков Н.Ф. Литературное источниковедение. М.: Наука, 1983.
16. Бобобев Т. Замон ва қахрамон. Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976.
17. Болтабоев Х. Мумтоз сўз қадри. Т.: Адолат, 2004.
18. Болтабоев Ҳ. Абдурауф Фитрат ва жадидчилик. Т.: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашр., 2007.

19. Болтабоев Ҳ. Хорижда фитратшунослик. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 1992 йил, 27 март.
20. Вали Саваш Елўқ, Пошшажон Кенжаева. Кутилмаган меҳмон. Т.: Академнашр, 2011.
21. Ёкубов И. Бадиий-эстетик сўз сеҳри. Т., 2011.
22. Ёрқин И. Туркистоннинг жадидчи олими, ёзувчи ва шоири Абдурауф Фитрат. // Турк маданияти. 1975, 1-3 кўшма сонлар. Б. 183-188.
23. Иноғомов Р. Қодирий жаҳон кезади. Шарк юлдузи., 1994, № 34.
24. Исматулла Х. Абдулла Қодирий абадияти. // ЎзАС. 1994. 14 октябрь, 11 ноябрь.
25. Исматулла Х. Чўлпон ва Жаҳон // Reform Movements and Revolutions in Turkistan: 1900-1924. ed. Timur Kocaoglu. Haarlem, 2001.
26. Исроилжон Қ. Туркистон ёзувчилари ҳақида бир неча сўз. Миллий Туркистон. 1942. № 11.
27. Каримов Б. Абдулла Қодирий: танқид, таҳлил ва талқин. Тошкент: Фан, 2006.
28. Каримов Н. Ҳамид Олимжоннинг поэтик маҳорати, Тошкент: “Фан”, 1964.
29. Каримов Н. Ҳамид Олимжон. Тошкент: Ёш гвардия, 1980.
30. Каримов Э. А. Развитие реализма в узбекской литературе. Ташкент: Фан, 1975.
31. Қаҳҳоров Т. Буюк хуррият шоири. // ЎзАС. 1990. 23 март.
32. Қаҳҳоров Т. Таслим бўлмаган миллат. // ЎзАС. 1992. 10 январь.
33. Қаҳҳоров Т. Хур Туркистон учун. Т.: Чўлпон., 1994;
34. Қаҳҳоров Т. Туркия – хур турклар диёри. // ЎзАС. 1990. 1 ноябрь.
35. Маллаев Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи. Тошкент., Ўқитувчи, 1976.
36. Мамажонов С. Шоир дунёси. Тошкент., 1977.
37. Мирзаев С., Шермухамедов С. Ҳамид Олимжон ва ўзбек совет адабиёти., Т.: Фан, 1989.
38. Мирвалиев С. Ўзбек романи., Т., 1969.
39. Мирвалиев С. Қалблардан қалбларга (Ўзбек адабиёти чет элларда). – Тошкент: Ўзбекистон, 1966.
40. Мирзаева З. Абдурауф Фитрат фаолиятининг ўрганилиши: ўзига хос ёндашув ва қарашлар. Ўзбекистон тарихининг долзарб

масалалари ёш олимлар тадқиқотларида: асосий йўналишлар ва ёндашувлар. Т.: Фан, 2010.

41. Мирзаева З. Манзилян узок, кўнгилга яқин (Америка олими Эдворт Олворт билан суҳбат) // XX аср ўзбек адабиётининг Америкада ўрганилиши. Т.: Фан, 2011. Б.219-230.

42. Мирзаева З. Чўлпон шеърлари таржимасининг қиёсий таҳлили // Шарқ юлдузи, 2010, № 1 сон, Б.146-151.

43. Мирзаева З. XX аср ўзбек адабиётининг Америкада ўрганилиши. Тошкент., Фан, 2011.

44. Мирмуҳсин. Меъморга қора кўзойнақдан боқибди. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1984, 17 февраль.

45. Назаров Б. Ёзувчининг маънавий жасорати // Ўзбек тили ва адабиёти // 2011, № 4. Б.27.

46. Назаров Б.А. Зулхуморнинг дадил қадами ёки хосиятли изланишлар /Мирзаева З. XX аср ўзбек адабиётининг Америкада ўрганилишига сўзбоши, Тошкент:Фан, 2011. Б.3-7.

47. Назаров Б. Ижодий ҳамкорлик // Жаҳон адабиёти, 2009, № 8.

48. Нафосат чашмаси (Мақолалар), Т.: Фан, 1970.

49. Норматов У. Обид кетмон ҳақиқати // ЎзАС. 1989, ноябрь

50. Ражабов Қ., Ҳайдаров М. Туркистон тарихи, Т., 2002.

51. Сакулин П.Н. Филология и культурология. Москва: Высшая школа. 1990.

52. Сен элимнинг юрагида яшайсан (Ҳамид Олимжон ҳақида эсдаликлар), Тошкент., 1973;

53. Субҳон Ш. Шеърят иқлими. Т.: Зарқалам, 2005.

54. Турдиев Ш. Хисо Кўмитсу: Фитрат – буюк шахс”. // Туркистон. 1992, 25 апрель.

55. Турдиев Ш. Улар Германияда ўқиган эдилар.-Т.:2006.

56. Турдиев Ш. Фитрат жаҳон кезади. // Фан ва турмуш. 1991, № 12.

57. XX аср ўзбек шеърятини антологияси. Тошкент. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси Давлат нашриёти, 2007.

58. Шарафиддинов О. Мустафо Чўқай, Чўлпон, Отажон Ҳошим. Т., 1993.

59. Чўлпон. Гўзал Туркистон. Тошкент: Маънавият, 1997.

60. Чўлпон А. Ойдан-да гўзал... Шеърлар. – Тошкент: Андижон нашриёти, 1997

61. Чўлпон. Яна олдим созимни. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991.

62. Ягмуратов Б. Образ коммуниста в послевоенной туркменской советской поэзии. Автореферат дис. ... на соискание учен. степени канд. филол. наук. Ашхабад, 1964.

63. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб (Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида). Т., 2000.

64. Ўктой. Туркистон адиблари вазифаси // Ёш Туркистон. 1937, № 95.

65. Куронов Д. Ҳамид Олимжонни биламизми? / Куронов Д. “Адабиёт надири” ёки Чўлпоннинг мангу саволи. Т.: Zarqalam, 2006.

66. Қодирий Ҳ. Қодирийнинг сўнги кунлари // Ёшлик. 1989. № 4-7.

67. Қўшжонов М. Кўнгилда қолиб кетган гаплар. Т.: Маънавият, 2006.

68. Қўшжонов М. Ҳаёт ва қахрамон. Т.: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985.

69. Қўшжонов М. Ҳаёт адабиёт кўзгусида. Т.: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985.

70. Қўшжонов М. Сайланма. 2-жилдлик. 1-жилд. (Сўзбоши муаллифи Н.Худойбергандов) Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982

71. Қўшжонов М. Ўзбекнинг ўзлиги. Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1994. 136 б.

72. Ғаниев И. Фитрат ва фитратшунослик Т.: Фан, 2005.

73. Ғаниев И. Фитратшунослик. Тошкент, 1992.

74. Ғоявий кураш ва ўзбек адабиёти / Л.Қаюмов, М.Нурмухаммедов, М.Қўшжонов ва б.; Тошкент: Фан, 1985.

75. Куронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати, Т.: Академнашр, 2010.

76. Куронов Д. Чўлпон ҳаёти ва ижоди меъроси. Тошкент: Ўқитувчи, 1997.

77. Куронов Д. “Адабиёт надири” ёки Чўлпоннинг мангу саволи. Тошкент: Zarqalam, 2006.74

78. Ҳайит Б. Туркистон янги адабиётида икки сиймо: Қодирий ва Чўлпон. // Миллий Туркистон. 1964, № 11. -Б. 22-26.

79. Ҳошимов Ў. Тушда кечган умрлар. Роман. Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа концернининг Бош таҳририяти, 1994.

80. Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. Т.: Ўқитувчи, 1983.

## МУНДАРИЖА

<b>ҚИТЪАЛАР АРО АДАБИЙ МУЛОҚОТ.....</b>	<b>3</b>
<b>МУҚАДДИМА.....</b>	<b>7</b>
<b>I боб. Хориж адабиётшуносларининг ўзбек адабиёти ҳақидаги қарашлари танқидчиларимиз талқинида. Мафкура ва дунёқараш...</b>	<b>111</b>
<b>II боб. Хорижий тадқиқотларни баҳолашда сифат силжишлари (Фитрат ва Қодирий ижодини ўрганиш мисолида).....</b>	<b>39</b>
<b>III боб. XX аср ўзбек адабиётининг хорижда ўрганилиш тарихи ва методологиясига доир.....</b>	<b>62</b>
<b>IV боб. Янги давр Америка ўзбек адабиётшунослиги тамойилларида объектив ва субъектив омиллар.....</b>	<b>81</b>
<b>ХУЛОСА.....</b>	<b>110</b>
<b>ЎЗБЕК АДАБИЁТИНИНГ ХОРИЖДА ЎРГАНИЛИШИ</b>	
<b>Б И Б Л И О Г Р А Ф И Я С И.....</b>	<b>114</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....</b>	<b>123</b>



*Илмий нашр*

Нашриёт муҳаррири: Маҳкам Маҳмудов  
Мусаҳҳиҳа: Ҳилола Болтабоева  
Техник муҳаррир: Бехзод Болтабоев

«MUMTOZ SO‘Z»

масъулияти чекланган жамияти  
нашриёти

Манзил: Тошкент, Навоий кўчаси, 69.  
Тел.: (998 71) 241-60-33 E-mail: mumtoz\_soz@mail.ru

Нашриёт лицензияси АИ № 103. 15.07.2008  
Босишга рухсат этилди 01.10.2016  
Қоғоз бичими 60x84 1/32. Офсет қоғози  
Times New Roman гарнитураси. Ҳисоб-нашриёт табоғи 8,0  
Шартли босма табоғи 8,0. Адади 300  
Баҳоси келишилган нарҳда

«MUMTOZ SO‘Z»

масъулияти чекланган жамиятининг  
матбаа бўлимида чоп этилди.

Манзил: Тошкент, Навоий кўчаси, 69.  
Тел.: 241-81-20



ISBN 978 9943-4558-5-6



9 7 8 9 9 4 3 4 5 5 8 5 6